Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 40—41 (9276—77) ● 1988 йил 26 февраль ● жума ● Баҳоси 5 тийин.

ПАРТИЯ АЪЗОСИНИНГ СОФ ВА ҲАЛОЛ ҚИЁФАСИ УЧУН

Илгари хабар берилганидек, 19—20 февралда Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетида «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш ишларини такомиллаштириш — қайта қуришнинг боришига партия ташкилотлари таъсирини кучайтиришнинг муҳим омили» деган мавзуда илмий-амалий конференция бўлиб ўтган эди.

Конференцияда қилинган докладлар баёни билан газетанинг ички саҳифаларида танишасиз.

ҚАЙТА ҚУРИШ ВА МАКТАБ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРЛАРИ ПЕДАГОГИКА СОҲАСИДА ИЖОДКОРЛИККА КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ОЧМОҚДА

Нондан кейин халқ учун энг азиз нарса — мактаб... Бу қадимий ҳақиқат, аммо унинг юксак даражада адолатли эканлиги ҳозирги вақтда янгичасига ўткир сезилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми Кремлда икки кун давомида халқ маорифининг муаммолари ва истиқболларини муҳокама қилди.

Кремль минбаридан олис-олислар кўриниб туради — бундай кунларда гўё ҳар биримизнинг дунёқарашимиз кенгаяди, нуқтаи назаримиз ўткирлашади.

Бизнинг мактабимиз социализм қисматига тушган барча меҳнат ва жангларда халқ билан бирга бўлди. Бизнинг ўтмишимиз мана шу ердадир, мамлакатимизнинг шон-шуҳрати ва қудрати, унинг маънавий бойлиги, ахлоқий қадриятлари шу ердан бошланади. Бизнинг ҳозирги кунимиз ҳам мана шу ерда ўз аксини топади. Ҳаммамиз мактабда таълим олганмиз. Бизнинг фазилатларимиз ва камчиликларимиз бугунги [illegible]а бизни қувонтираётган ва ташвиш[illegible]қаётган, бизга таянч бўлаётган ёки то[illegible] олиб боришимизга мажбур қилаётган нарсаларнинг ҳаммаси мактаб [illegible]дан бошланган.

[illegible]таб ва жамият бир-биридан ажралмасдир. Бизнинг келажагимиз — яқин йиллар ичида қайта қуришга актив қўшиладиган, экономикамиз тараққиётининг янги тезлиги ва сифатини ўзлаштирадиган, ижтимоий муносабатларни ўзгартиришни давом эттириб, социализм тақдири учун масъулиятни ўз зиммасига оладиган авлод ҳозир синфхоналарда ва аудиторияларда тарбияланмоқда.

Мактаб ижтимоий қайта қуришдан орқада қолаётганлигини кўриб, тобора ташвишланмоқдамиз. 1984 йилда эълон қилинган ислоҳот бир жойдан жилмаяпти, муаммолар ва зиддиятларга ўралашиб қолмоқда. Қотиб қолган бюрократик бошқарув, инспекторларнинг ўз бошимчалиги, расмиятчилик, «Процентбозлик» педагогика коллективларининг ғайратини сўндирмоқда. Натижада ҳал қилувчи кучлар — муаллим, ўқувчилар ва студентларнинг ўз-ўзини бошқаруви мактабни қайта қуриш учун курашдан четда қолди. Билимнинг обрўси, таълим ва тарбиянинг сифати ҳамманинг кўз ўнгида пасайиб бормоқда.

Маориф идоралари эса принципсизлик билан ишларнинг аҳволини ўзлаштиришнинг кўнгилдагидек проценти билан, ҳамма мактабга жалб этилганлиги тўғрисидаги баландпарвоз маълумотлар билан ёпириб келдилар. Матбуотнинг огоҳлантирувчи, таҳқидий мақолаларини менсимай, журналистларнинг билимсизлиги, носоғлом тасаввурлари, деб изоҳладилар. Бу нималарга олиб келди? Шу ўқув йилида давлат инспекцияси органлари мактаблар ва ҳунар-техника билим юртларини битириб, олий ўқув юртларининг биринчи курсида ўқиётган 27 минг йигит ва қизнинг умумтаълим тайёргарлигини текширдилар. Студентларнинг 25 процента ва техникумлар ўқувчиларининг 45 процента контрол топшириқларини уддалай олмадилар.

Партия Марказий Комитети Пленумининг ҳужжатлари энг аввало маориф соҳасида қайта қуришга тўсқинлик қилаётган барча омилларни чуқур таҳлил қилишга ўргатади, Совет мактабининг реал аҳволига ва келажагига дадил ошкора, эски андозалар билан хиралашмаган тарзда назар ташлаш намунасини кўрсатади. Пухта ўйланган, ҳаёт мантиқига, социализмнинг бой имкониятларига мос келадиган хилма-хил чоралар кўрилаётганлигининг сабаби ҳам ана шундадир. Ҳаракатларнинг синовдан ўтган қатъийлиги ҳам ана шундан келиб чиқади.

Умумтаълим ва ҳунар мактаби ислоҳоти йўл-йўриқларига киритилган туб ўзгаришлар авж олиб кетган жамиятни қайта қуриш идеологияси ва практикасига мувофиқдир, унинг асосий мазмунига — асосий эътиборни инсонга, унинг эҳтиёжлари ва манфаатларига қаратишга мос келади.

Бизнинг мактабимиз ақидапарастлар тиқиштирган бир хилликдан халос бўлиб, ўзининг умумтаълим бериш вазифасини кучайтириб, уни индивидуалликка татбиқан ривожлантириш, ҳар бир ўқувчи ўз истеъдодини рўёбга чиқариши учун кенг имконият яратиб бериши, таълимни табақалаштириши лозим. Маориф мақсадлари ва вазифаларининг бирлиги мактабларнинг хилма-хиллиги билан, ўқув планлари ва программаларининг ўзгарувчанлиги билан уйғун қўшилиб кетиши, илғор педагогик практикага, таълим ва тарбиянинг новаторларча методларига таяниши лозим.

Маориф министрликлари йиллар давомида эмас, балки ўн йилликлар давомида ўқитувчиларнинг регламентга солинмаган фикрини жиловлашга, юқоридан берилган кўрсатмалар доирасидан ташқарига чиқадиган ҳар қандай ташаббусни йўққа чиқаришга уриниб келдилар. Ана шу сабабли қанчадан-қанча истеъдодли педагоглар мактабни ташлаб кетди! Бутун матбуот ёзиб чиққан янги типдаги ўқув юрти (комплекс мактаб)нинг истиқболли тажрибаси бир расмиятчи томонидан сўзсиз қоралланганлиги каби ачинарли ҳол унутилгани йўқ: бу тажриба унинг мактаб бирлиги принципи тўғрисидаги тасаввурига мос келмаган эди. Чиқариш учун тайёрлаб қўйилган китоб ҳам бекор қилинди) териб қўйилган ҳарфлар сочиб юборилди) ва уни тайёрлашга дахлдор кишилар ҳам жазоланди.

Ҳа, турғунлик сари борилган йиллар шуни қаттиқ сабоқ бўлиб эслатиб турибди. Янгликни яратишда унинг ўрнини боса оладиган нарсалар қанчалик кам бўлса, хато юз бериши имконияти шу қадар кўпроқ бўлади, истеъдод, ташаббус новаторлик кўрсатиш доираси шу қадар тор бўлади.

Мактаблардаги ўқитувчилар хоналарида, олий ўқув юртларининг кафедраларида партия Пленумининг ҳужжатлари нақадар баланд руҳ билан ўрганилишини тасаввур этиш қийин эмас. «Бизда янги пайдо бўлган, қиёфаси истеъдодли, бир қолипда фикр юритмайдиган ва ишга садоқатли педагоглар фаолияти билан белгиланадиган мактаб куртакларини топтаб ташламаслик, балки ҳар томонлама авайлаб-асраш керак», деган партиянинг қатъий ва ғамхўрона накази ҳаяжонли миннатдорчилик туйғуларини келтириб чиқаради.

Пленум таклиф қилган узлуксиз таълим концепциясида умумтаълим мактабига келгусида малакали ишчи ва мутахассис кадрларни тайёрлаш учун, шахсни ҳар томонлама камол топиши, ўз билими ва малакасини ошириб бориши учун базавий бўғин роли ажратилган.

Маориф системасини яхлит социал-маданий муассаса сифатида унинг барча компонентлари билан мустаҳкам узвий боғлиқ ҳолда комплекс ўзгартириш вазифаси биринчи марта қўйилди. Бу — маориф проблемаларига янгича ёндашувнинг муҳим жиҳатидир. Яна бир ғоят муҳим жиҳати — маориф системасига қайта қуришнинг, жамиятни ривожлантиришнинг энг таъсирчан кучларидан бири, деб қараш ва иборат.

Мактаб ҳамма даврларда жамиятнинг ўзига хос модели бўлган. Ҳозир мактаб ижтимоий тараққиётнинг жадаллаштирувчи омили, катализатори ролини қайтариб олиши лозим. Мактаб инсон омилини тарбиялашнинг етакчи кучи, революцион қайта қуришнинг муқаррарлигини таъминлайдиган механизмни ҳаракатга келтирувчи қисми бўлиши керак.

Халқ маорифининг барча муаммолари, ҳамма қийинчиликлари Марказий Комитет Пленумида чуқур мулоҳаза қилинди. Умумтаълим, ҳунар ва олий мактабни кенг қўламда техника билан қайта жиҳозлашни, маҳкамачилик ғовларини бартараф этиб, халқ маорифи соҳасида амалда ягона давлат сиёсатини ўтказишни, барча турдаги ўқув юртлари, илмий ва ишлаб чиқариш коллективлари мустаҳкам баҳамжиҳат ҳаракат қилишини ўз ичига олган комплекс программа тузилди.

Ўқувчилар куч-ғайратларининг ижтимоий аҳамияти ошиб боради. Билим олиш меҳнатини ўқув жараёни билан боғлиқ бўлмаган қўшимча мақсадлар билан қадрсизлантириш мумкин эмас. Давлат аттестати, дипломига тўла ўзлаштирилган билим билан ҳақ тўлаш керак. Ҳунар-техника билим юртларини тамомлаган ёшларнинг малака даражаси ҳозир кўпинча ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг технологик жўшкинлигидан орқада қолаётганлиги яроқсиз холдир. Ҳунар-техника таълими эртанги кунни кўзда тутувчи юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг ягона давлат системаси сифатида ривожлантирилиши ва мустаҳкамланиши керак.

Халқ хўжалигини инженер кадрлар билан таъминлашда узоқ вақт давом этган номутаносибликни бошқарувдаги ношудлик ва калтабиниклиги бошқа ҳеч нарса билан изоҳлаб бўлмайди. Олий ўқув юртлари бир қанча ихтисослар бўйича керагидан ортиқча мутахассислар тайёрлаб электроника, асбобсозлик, автоматика, робот техникаси, биотехнология каби техника тараққиётининг устун йўналишларига етарли миқдорда мутахассислар тайёрлаб бермаяпти. Олий мактаб жадал янгиланмоқда Уни қайта қуриш йўллари экономика ва социал тараққиётга янгича ёндашувларни ҳисобга олиб ишлаб чиқилган. Белгиланган қайта ташкил этиш программаси оғишмай, комплекс амалга оширилиши лозим.

Партия Пленуми бизга ана шундай ёндашувдан сабоқ бермоқда. Пленумга тайёргарлик давомида кенг жамоат кучлари сафарбар этилди. Юзлаб турли фикрлар, лойиҳалар, таклифлар тўпланди, таҳлил этилди ва умумлаштирилди. Хулосаларнинг кенглиги, миқёслари, олға сурилган программанинг амалийлиги, унинг демократик, изланувчан характери ана шундандир.

Партия Марказий Комитетининг Пленуми қабул қилинган қарорларда иттифоқдош республикалар компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка, область, шаҳар, район партия комитетлари зиммасига ўқувчи ёшларга таълим ва тарбия бериш соҳасига сиёсий раҳбарлик савиясини қатъиян ошириш, ўқув юртлари ишининг мазмунини чуқур ўрганиш, вужудга келаётган муаммоларни билиндонлик, ишчанлик билан ҳал этиш вазифасини юклади. «Халқ маорифига партия раҳбарлигида, — дейилади қарорда, — педагог кадрлар тўғрисида, ўқитувчининг ижтимоий обрўсини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилишдан кўра масъулиятлироқ иш йўқ».

Шу кунларда биз ҳаммамиз имтиҳондан ўтмоқдамиз. Чуқур ташвишли мулоҳазалар нақадар кўп айтилди! Ўқитувчилар, фан ва маданият арбоблари ишлаб чиқариш ходимлари, турли даражадаги партия ва совет ходимлари мактаб тақдири тўғрисида гражданлик, инсоний манфаатдорликни нақадар кўп намоён этдилар! Фақат битта муассаса бош педагогик муассаса — Педагогика Фанлари академияси лом-мим демади. Мазкур академия аввалгидек ҳозир ҳам юқоридан раҳбарлик кўрсатмаларини кутиб, бепарволик билан муносабатда бўлиб келди. Жамият Педагогика Фанлари академиясидан ваъда қилинган умумтаълим ўрта мактаби концепциясини, шунингдек бошқа жуда кўп концепцияларни ололмади.

Бу фактдан хулоса чиқариб олиш керак. Педагогика Фанлари академиясининг ҳозирги раҳбарларидан мактаб ва педагогика фанини чинакамига қайта қуриш сари силжиш бўлишини кутиш хом хаёл бўлур эди. Шунингдек бу қайта қуришни келгусида академияни қайта ташкил этишга қадар пайсалга солиб ҳам бўлмайди. Мактаб ва педагогиканн янгилашнинг аниқ-равшан программасини ишлаб чиқиш учун ҳозирнинг ўзидаёқ идораларароо муваққат кенг тадқиқот коллективи тузиш, унга энг яхши педагогик кучларни киритиш зарур. Ана шундай фаол ва ижодкор кучлар СССР Педагогика Фанлари академиясида ҳам кўп. Педагогика назариясини унга ёпишиб қолган догматизм, қироатхонлик ва консерватизм ўсинталаридан тозалаш ана шу коллективнинг дастлабки вазифаларидан бири бўлиши лозим.

Мактабни революцион янгилаш унинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган ҳамма жиҳатларни бартараф этиши, унинг ички тарбиявий ва таълим ресурсларини, жамиятни ўзгартирувчи, социалистик потенциалини тўлароқ намоён қилиши керак. Бу эса педагогик ижодкорликни дадил, кенг ривожлантиришга йўл очиб бериш, педагогик новаторликни ҳар томонлама авж олдириш демакдир. Илғор кучлар билан консерватив кучлар ўртасида кураш кескин тус олган шароитда, педагогика бюрократияси қайта қуришга онд сўзларни актив ўзлаштириб, ҳамма ва ҳар қандай янгиликларни ўз қолипига солишга уринаётган бир пайтда биз педагогика назарияси ва практикасида чинакам новаторликни сохта новаторликдан сезгирлик билан фарқлашни ўрганиб олишимиз лозим.

Эндиликда халқ маорифи идораларида вужудга келадиган олдинги даврлардан бизга таниш бўлган расмий ташаббуслар бизни мафтун эта олмайди. Педагогика соҳасидаги баъзи «назариётчилар»нинг авторитар педагогиканинг эскирган, бадном бўлган ғояларини новаторлик ғоялари деб ўтказишга уринишлари бизни чалғита олмайди. «Пленум совет ўқитувчилари ва профессорлари фаолиятида ижодий ташаббусларни ривожлантиришга, уларнинг ижтимоий активлигини қўллаб-қувватлаш ва юксалтиришга алоҳида аҳамият беради». — деб таъкидланади қарорда.

КПСС Марказий Комитети февраль Пленумидан олдин жуда кўп мунозаралар, бахслар бўлиб ўтди. Биз буни тобора кўпроқ ҳаёт нормаси деб билмоқдамиз. Умумхалқ муҳокамаси тўхтатилмайди, балки Пленум баён қилиб берган ғоялар юксаклигида давом эттирилади. Аммо бизнинг бахсларимиз ишга хизмат қилиши лозим. Биз ҳар қандай қийинчиликларни ва ғоялари бартараф этиб, ҳамма жойда мактабни қайта қуришни охиригача етказишимиз керак. Энди — ҳаракат қилиш пайти келди! Зўр бериб ишлаш ва кенг педагогик ижодкорлик пайти келди.

(«ПРАВДА»НИНГ 1988 ИЙЛ 24 ФЕВРАЛЬ СОНИДАГИ БОШ МАҚОЛАСИ).

ҚАЙТА ҚУРИШ: СЎЗДА ВА АМАЛДА

ГАЗЕТХОН МАКТУБЛАРИ

Транспорт хизмати маданияти

ДИЛНИ ХИРА ҚИЛАДИ

МЕНГА зарурат юзасидан Тошкент—Хўжакент, Тошкент—Янгийўл, Тошкент—Ховос маршрутлари бўйича юрадиган электропоездлар хизматидан фойдаланишга тўғри келади. Улар бизнинг узоғимизни яқин, оғирлимизни енгил қилишади. Бунинг учун темир йўл ходимларига раҳмат.

Лекин кейинги пайтда йўлга чиққанда кўпинча давр талабига мос келмайдиган, дилни хира қилувчи манзаралар[illegible]га дуч келадиган бўлиб қолдик. Электропоездларга уларнинг қайси йўналишда қатнаётгани ёзиб қўйилмайди. Ўзингга керакли маршрутни тополмай сарсон бўласан. Вагонингга чиққач эса у ердаги аҳволни кўриб баттар хунобинг ошади. Вагонлар тозаланмайди. Папирос қолдиғи, писта пўчоғи, қоғоз ва шунга ўхшаш ахлатларга тўлиб ётади. Ўриндиқлар чанг, артмасдан ўтириб бўлмайди. Биз поезд хизматчиларидан бундай маданиятсизликнинг сабабини суриштириб кўрганимизда:

— Бизда ҳозир қисқариш кетяпти, — деб бамайлихотир, пинакларини бузмай жавоб беришди улар.

Шу ҳам важми? Коллективда қисқариш ўтказган кишилар қолганлар ўртасида ишни тўғри тақсимлаш ҳақида қайғуришмаганмикан? Бу ҳеч қачон важ бўлолмайди. Транспорт хизмати маданиятини ошириш ҳақида қайғурилаётган ҳозирги вақтда бундай бефарқлик кишини ҳайратга солади. Наҳотки Тошкент темир йўл бўлинмаси раҳбарларига шуни эслатиш зарур бўлса?!

Чингиз МАХСУМОВ,
Улуғ Ватан уруши иштирокчиси, меҳнат ветерани.

РЕМОНТ НЕГА КЕЧИКЯПТИ?

ТОШКЕНТ районидаги Абдураҳмонов номли совхозда мавжуд техника воситаларини ремонт қилиш чўзилиб кетди. 8 та ҳайдов трактори, 50 та турли маркадаги машина ва агрегатлар ҳалигача мавсумга тўла шай эмас. Сабаби: ремонтчи ва механизаторларга етарли шарт-шароитлар яратиб берилмаган. Дам олиш хонаси йўқ. Иссиқ овқат ташкил этилмайди.

— Бунинг устига бизда устахона йўқ, — дейди совхоз механиги Обид Зокиров. — Шу туфайли баъзи қисмларни ремонт қилишда қийналяпмиз. Вақт эса ўтиб бормоқда кўклам эшик қоқмоқда. Бу аҳволда панд еб қоламиз-ку!

Т. ЖУРАЕВ.

ЛОҚАЙДЛИК ГИРДОБИ

МАҚОЛАСИ ЯНА ГАЗЕТХОНЛАР МУҲОКАМАСИДА

МАНА, қишнинг сўнгги ойи, февраль ҳам тугаб бораяпти. Ҳадемай, ўлкамизда баҳор бошланади. Айни кунларда редакциямизнинг қишлоқ хўжалиги бўлими почтасига келаётган газетхонларнинг хатларида 1987 йил 3 апрелда «Тошкент ҳақиқати»да эълон қилинган «Лоқайдлик гирдоби» мақоласи муҳокамаси яна давом этяпти. Келаётган хатларнинг аксариятида газетхонлар мақола юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишмоқда. Улар боғ-роғлар ташкил этиш, шаҳар ва қишлоқ, маҳаллақўйда мевали дарахтлар ўтқазишга қоғозда эмас, амалда киришсак деган таклифларни билдиришмоқда. Қуйида ана шу хатларнинг айримларини эълон қилаяпмиз.

ҲОЗИР АЙНИ ПАЙТИ

● МЕН Юнусобод массивидаги Оқтепа қишлоғида туғилиб ўсдим. Ҳозир ҳам шу қишлоқда яшайман. Касбим агроном. Ўтган йили эълон қилинган «Лоқайдлик гирдоби» мақоласини мен ҳам зўр қизиқиш билан ўқиб чиққан эдим. Очиғи, кўнглимдаги гапларни айтишнинг энди мавриди келди. Биласизми, Оқтепа қишлоғида илгари узумнинг 35 хили, ўрикнинг саккиз, олчанинг уч, ёнғоқнинг саккиз ва бошқа хил мевали дарахтларнинг кўплаб навлари бор эди. Эндиликда ёшларга айтсанг, уларга ёлғон туюлиши табиий. Айниқса, сермева балх тутларини айтмайсизми. Улар хонадонга, қишлоққа кўрк бериб турарди. Ўзим гувоҳман. Жийданинг ҳар бир тупидан 300—500 килограмм, ёнғоқдан 600 килограммгача, ўрикдан 2 тоннагача, олмадан эса 1 тоннадан ошириб ҳосил олардик.

Эсимда 1954 йилнинг охири ва 1955 йилнинг бошларида дарахтларни «қуруқ совуқ урди» баҳонаси билан юзлаб гектар майдондаги боғлар қирқиб юборилди. Бу ишларга бош-қош бўлган раҳбарлар орден, медаллар билан тақдирланишди. Уларнинг бирортаси бу дарахтлар халқнинг, риск-рўзи, насибаси-ку, демади!

Бу ҳам етмаганидек, 1972 йилдан 1986 йилга қадар бўлган даврда эса кўп қаватли уйлар қуриш баҳонасида Тошкент районидаги К. Маркс номли ва «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозлари территориясидаги юзлаб гектар олмазор ва узумзорлар ҳам бузиб ташланди...

...Бозорга кирсангиз, бир килограмм туршак — ўрикнинг баҳоси 6—7 сўм, ёнғоқники 5—6 сўм, жийда 7—8 сўм, майиз эса 6—7 сўмдан сотилмоқда.

Афсус... дейсиз. Қани энди ўша файзли боғлардаги мевалар.

Қилинган хатоликлар ва йўл қўйилган камчиликларни тузатиш, бузилган боғлар ўрнини қоплаш вақти етиб келди. Эрта-индин баҳор бошланади. Фурсатни бой бермасдан ҳар бир киши бир тупдан мевали дарахт ўтқазиб, уни парваришлаганда ҳам кўча, ҳовлиларимиз янада кўркамлашиб, бозорларимиз сероб бўларкан.

Лекин, ташкилот раҳбарлари ҳар йилгидек бу йил ҳам папка-папка тадбирлар белгилашиб, амалда эса бирор иш қилмасдан кўкламни ўтказиб юборишмаса дейман.

Чунки, ҳозир кўчат экиб боғ қилишнинг айни пайтида!

Т. ТУЛАГАНОВ,
Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози.

ҚАЧОНГАЧА БИЗ АЙБДОР БЎЛАМИЗ

● 1987 ИИЛДА «Лоқайдлик гирдоби» мақоласи эълон қилингач, кўплаб газетхонлар, илғор деҳқонлар, боғбонлар ва қишлоқ хўжалиги мутахассислари келажакда республикамиз ва областимизда боғдорчилик, мевачиликни ривожлантириш ҳақидаги ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирган эдилар.

Хўш, энди бу йил қандай ишлар амалга оширилади? Бу борада республика «Агропром»идаги раҳбар мутахассисларнинг фикрлари ва режалари ёритиб борилса, деган таклифимиз бор. Зора ана шунда биз — пазандалар чириган картошкадан, сифатсиз мева-сабзавот ва фақат селитра ҳосилига етиштирилган пиёздан овқат тайёрлаб, хўрандалар олдида изза бўлишдан қачон қутулишимизни билиб олсак.

Дарвоқе, биз охирги йилларда мижозларимиздан раҳмат эшитмаяпмиз. Шундай пайтларда қани ноинсоф деҳқон билан айниб кетган уруғни эктирган олим ёнингда бўлсаю, халқнинг нафратини бир эшитиб кўрса.

Ахир, сифатли маҳсулот бўлса биз ҳам қўлинг ўргулсин таомлар тайёрлаб мижозларимизни хурсанд қила оламиз. Бироқ, айни пайтда шундай бўлмаяптида!

А. САИДОВ,
Олмалиқ шаҳри.

СЎЗДАН ИШГА ЎТАЙЛИК

● ҲУРМАТЛИ редакция! Ўтган йили босилган «Лоқайдлик гирдоби» мақоласини биз газетхонлар қалбимиз қувончга тўлиб қарши олдик. Назаримизда гўё ўлкамиздаги олдинги боғ-роғлар қайтадан тиклангандек, мева сероб бўладигандек туюлган эди.

Лекин минг афсуски, мақола эълон қилинганига ҳам бир йилча бўлиб қолганига қарамай шаҳар, район Советлари ижроия комитетларининг ободонлаштириш бўлимлари ва бошқа мутасаддi ташкилот раҳбарларининг лоқайдликлари туфайли мева дарахт экишдек долзарб юмуш бажарилмай қолаётир. Экилганлари ҳам қаровсизликдан қуриб кетяпти.

Ўтган йили бизда шаҳарда деярли мевали дарахт кўчатлари ўтқазилмади. Ҳадемай, кунлар исиб, дов-дарахтлар куртак ёзади. Демоқчиманки, агар кўчат ўтқазиш ишларини бугун бошламасак эртага яна кеч бўлади. Белгиланган тадбирларимиз қоғозда қолиб кетаверади...

Халқимиз жуда меҳнаткаш, аҳил. Фақат бир жон, бир тан бўлиб қунт қилинса бас. Ахир, юртимизнинг кўркамлиги, сероблиги бу халқимизнинг обрўси-ку. Бу хайрли ишда ҳамма бир ёқадан бош чиқариб қатнашса, яна икки-уч йилдан сўнг шаҳар, қишлоқларимиз таниб бўлмас даражада ўзгариб кетарди...

Шу ўринда битта мулоҳазамиз бор. Газетада эълон қилинган, кишилар томонидан чуқур мамнуният билан кутиб олинган, қоларса, эл-юрт фаровонлигини ўйлаб, ёзилган «Лоқайдлик гирдоби» мақоласи эътиборсиз қолиши мумкин эмас. Шундай экан, юртимизда мевали дарахтларни экиб, кўпайтиришдек эзгу ишларни пайсалга солиб келаётган шахсларни жиддий огоҳлантирибгина қолмай, керак бўлса жазолаш пайти келмадимикан-а!

Ҳаким МАВЛОНОВ,
Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси, меҳнат ветерани.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ МАТЕРИАЛЛАРИ

КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил 17—18 февралда бўлиб ўтган Пленуми материаллари алоҳида китобча қилиб чиқарилди.

Китобчани Сиёсий адабиёт нашриёти чиқарди.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН — БОЛГАРИЯ:

Дўстлигимиз мустаҳкамланаверсин

Совет-болгар дўстлик жамиятининг Ўзбекистон бўлими Болгария Халқ Республикаси билан кенг қўламли алоқаларимизни мустаҳкамлаш учун ўтган йили қандай ишларни амалга оширди? Бугунги кунда — қайта қуриш, демократиялаш шароитида унинг фаолияти қандай бўлмоғи лозим? Чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятининг энг йирик бу ташкилоти правлениеси йиғилиши мана шу масалаларни муҳокама қилди. Жамиятнинг Тошкент шаҳри ва области, Бухоро ҳамда Қарши шаҳар бўлимлари вакилларидан иборат йиғилиш қатнашчилари БХРдаги меҳнат коллективлари билан ишчан ва дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш юзасидан конкрет таклифлар билдирдилар.

Йиғилишда совет-болгар дўстлик жамияти Ўзбекистон бўлимининг ўтган йилги иши ҳақидаги ҳисобот ва бу йилги фаолият плани тасдиқланди.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Йигирманчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент область Советининг тўртинчи сессияси 1988 йил 27 февраль куни соат 11 да Тошкент область партия комитетининг мажлислар залида (Ўзбекистон проспекти, 9) очилади.

Советнинг партия группаси йиғилиши шу бинонинг ўзида соат 10 да ўтказилади.

Депутатларни рўйхатга олиш эрталаб соат 9 дан бошланади.

Халқ депутатлари область Советининг ижроия комитети.

ОДАМЛАРГА ЯҚИНРОҚ БЎЛИНГ

«Таштекстильшвейторг»га қарашли савдо корхоналарида 1158 нафар касаба союз аъзоси меҳнат қилаяпти. Улар яқинда бўлиб ўтган ўз конференцияларида савдо идораси касаба союз комитетининг КПСС XXVII съезди ва СССР касаба союзларининг XVIII съезди қарорлари асосида қайта қуришга қандай раҳбарлик қилаётганлигини чуқур таҳлил этдилар. Бу ҳақда савдо идораси касаба союз комитети раиси Х. У. Фозилова доклад қилди.

— Биз хўжалик ҳисобига ўтиб ишласак даромадимиз яна ҳам ортади, тушган фойдани ўзимиз мустақил тақсимлаймиз, деб ўйлаган эдик, — деди музокарада сўзга чиққан 19-магазин сотувчиси цех касаба союз комитети раиси А. Ҳайдарова. — Лекин амалда бошқача бўлаяпти. Илгари катта сотувчининг маоши ўртача 175 сўмга айланган бўлса, эндиликда 136 сўмдан ошмаяпти. Бўлмаса йиллик планни бажариб, 283,5 минг сўм фойда кўрган эдик. Аммо уни ўз ихтиёримиз билан тақсимлай олмадик. Бизнингча, банкда ҳар бир магазин учун алоҳида счет очиш керак. Шундагина меҳнат қилиб топилган маблағга ўзимиз хўжайин бўламиз. Ҳозирча планни бажарган ҳам , бажармаган ҳам бир текис рағбатлантириляпти.

Нотиқнинг гапларида жон бор эди. Савдо идорасига қарашли 54 та магазиннинг ҳаммаси ўтган йилнинг июль ойидан хўжалик юритишнинг янгича системасига ўтиб ишлай бошлаганди. Лекин кўпгина саноат корхоналари шартнома мажбуриятларини бажармай зарур молларни ўз вақтида етказиб бера олмади. Конференцияда 8-магазин товаршуноси К. Салямова таъкидлаганидек, ўтмас молларга энди эҳтиёж йўқ. Улар омборларда йиғилиб қолаяпти. Норматив эса эскича. Ҳозир янги талаблар қўйилаётганлиги учун ҳам нормативни қайта кўриб чиқиш керак. Фақатгина харидоргир молларни қабул қилиш ва савдога чиқариш лозим.

Харидоргир моллар кам бўлганлиги учун ўтган йили савдо идораси планни бажара олмади. 16,1 миллион сўмлик кийим-бош ва газмоллар сотилмай қолди. Бу ҳол албатта сотувчиларнинг маошига, олинадиган мукофотга салбий таъсир кўрсатди. Қийин шароитда фақат 19, 21, 37 ва 54-магазинларгина йиллик савдо планини бажарди, холос.

КАСАБА СОЮЗ ҲАЁТИ: ЯНГИЧА ИШЛАШ ШАРОИТЛАРИДА

Конференцияда сўзга чиққан 9-магазин ишчиси Ғ. Жўраев савдонинг прогрессив усулларини кенг қўллаш, инсон омили ролини ошириш, ички резервлардан тўлароқ фойдаланиш зарурлигини уқтирдилар. 34-магазин катта бухгалтери, цех касаба союз комитети раиси З. Отахонова иқтисодий тежамкорлик режимини кучайтиришга эътиборни қаратди. Бу ҳам иқтисодий ислоҳот талабларидан биридир. Кўпгина магазин мудирлари электр энергиясидан тежаб-тергаб фойдаланишга эътибор бермайдилар. Лимитда белгиланганидан ортиқча энергияни сарфлаб юборадилар. Лимит бўйича ҳар бир киловаттсоат электр энергияси икки тийинга тушса, лимитдан ортиқча сарфлангани 8 тийинга тушишини балки улар билишмас. Бу соҳада касаба союз ташкилоти катта тушунтириш ишларини олиб бориши керак.

Ҳақиқатан ҳам кўпгина коллективлар янгича хўжалик юритишнинг туб моҳиятини ҳали тўла тушуниб етишмаган. Ташкил этилган 17 та иқтисодий билимлар мактаби машғулотларида ҳамон қуруқ қироатхонлик давом этаяпти. Машғулотлар маҳаллий ҳаёт билан узвий боғланмаяпти. Ёшларни тарбиялаш, билимларини бойитиш устида ҳам кам қайғурилмоқда. Мураббийлик ҳаракати сust ривожланмоқда. Фақатгина 78 нафар мураббий бор холос. Уларга ёшларнинг атиги 186 нафари бирлаштирилган.

Ҳозир савдо корхоналарида меҳнат қилаётганларнинг 360 нафари олий ва ўрта махсус маълумотга эга. Улар савдо идорасида жами ишлаётганларнинг учдан бир қисмини ҳам ташкил этмайди. Ходимлар малакаси паст бўлганлиги учун ҳам активлик сезилмаяпти.

Касаба союз комитети савдо ходимлари ўртасида мусобақани тўғри ташкил этишга ҳам эътиборсизлик билан қараяпти. Мусобақа шартлари қоғозда бору, лекин улар қандай бажарилаётганлигини пештахта олдида турган ходимлар билишмайди. Мусобақани якунлашда эса ошкоралик етишмайди. Бу соҳада кўргазмали агитация воситаларидан ниҳоятда қониқарсиз фойдаланилмоқда.

Конференцияда кўпгина савдо шахобчаларида иш шароитининг ёмонлиги тўғри танқид қилинди. 38-магазин томидан чакка ўтаяпти, иситиш системаси ишламайди. Шундай аҳволни 16-магазинда ҳам кўриш мумкин. Бу ерда иситиш системасини монтаж қилиш тўғрисида ҳар йили гап бўлади-ю, лекин амалга ошмайди. 54-магазинда дам олиш хонаси йўқ, савдо зали совуқ. Бўнинг оқибатида касаллик кўпаймоқда. Ўтган йили бетоблик туфайли 1174 ишчи куни йўқотилди. Бу нормадагидан 209 ишчи куни кўп демакдир. Меҳнат отпускасига чиққан ходимлар эса қаерда дам олишни билишмайди. Чунки касаба союз йўли билан йилига бор-йўғи 8—9 та йўлланма ажратилади. Бу тартибда битта йўлланма олиш учун ҳар бир ходим 12—13 йил навбат кутиши керак.

Савдо идораси юридик хизмат бўлими бошлиғи М. Камолхўжаев, савдо ходимлари касаба союзи область комитети секретари В. Я. Стрелюхина меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат тўғрисида қонунлар қўпол равишда бузилаётганлигини эслатиб ўтдилар. Касаба союз комитети эса бу соҳада назоратни бўшаштириб юборган. У одамларга, қуйи ташкилотларга яқин бўлиши, коллективнинг талаб ва истакларига қулоқ солиши керак. Ҳозирча кўп истаклар эътиборсиз қоляпти, бошланган иш охирига етказилмаяпти.

— Тўғри, одамлар билан ишлашда касаба союз комитети ўз иш услубини янада такомиллаштириши керак, — деди савдо идораси директори А. Муҳиддинов. — Чунки зиммага олинган план ва мажбуриятларнинг бажарилиши пештахта ёнида ишлаётган ходимларимизнинг ғайрати ва ташаббусига боғлиқдир. Биз бу йил аҳолига планга қўшимча 4.2 миллион сўмлик кийим-бош ва газмоллар сотишимиз керак. Бу соҳада дастлабки қадамлар қўйилмоқда. Январь ойи планига қўшимча 45 минг сўмлик товарлар сотилди. Лекин туб ўзгаришларга эриша олганимизча йўқ. Ҳали 4 миллион сўмликкa яқин қолдиқ товарлар бор. Уларни реализация қилиш йўлларини излаб топишимиз зарур.

Касаба союз конференциясида кўпгина танқидий фикрлар билдирилди, ишни яхшилашга ёрдам берувчи таклифлар ўртага ташланди. Улар қанчалик тез бажарилса, қайта қуриш самаралари ҳам шунчалик тез кўзга ташланади.

Ж. НОСИРОВ.

Коммунистлар ҳақида ҳикоялар

БИРИНЧИ ТОПШИРИҚ

Бу воқеа Э. А. Бирюкованинг ёдидан ҳеч чиқмайди. Ўшанда у «Чирчиқжилстрой» қурилиш бошқармаси бошланғич партия ташкилоти топшириғи билан суворовчи ва бўёқчилар ўртасида суҳбат ўтказган эди. Агитатор газеталарда эълон қилинган мақолалардан кўчириб олган гапларини қоғозга тушириб, қурувчиларга шариллатиб ўқиб берди. Лекин суҳбат тугагач, тўпланганларнинг тарқалаётиб «Эҳ, вақтимиз беҳуда ўтдида, буни газеталардан ўзимиз ҳам ўқигандик» дегани қулоғига чалиниб қолди.

Эртасига Эмма Александровна бошланғич партия ташкилоти секретарига бу партиявий топшириқни эплай олмаслигини айтди.

— Сен шошилма,— деди секретарь,— Эплай олмаман дейишдан осони йўқ.— Суҳбатни ўтказишга олдиндан тайёргарлик кўр, одамлар нимага қизиқишини билиб ол, Коммунист экансан, уддасидан чиқишинг керак.

Бу сабоқдан сўнг у ўз устида қунт билан ишлай бошлади. Кўпроқ қурувчилар ўртасида бўлиб, уларни тўлқинлантираётган масалалар, ҳал этилмаётган муаммоларни ўрганди.

Ҳозирги пайтда Э. А. Бирюкова ўтказаётган суҳбатлар жонлилиги билан ажралиб туради. У мамлакатимизда бўлаётган воқеалардан гапни бошлаб кейин коллектив олдидаги вазифаларга тўхталади. Хўжалик ҳисоби, ўз-ўзини пул билан таъминлаш масалаларига бағишланган суҳбатлари қурувчиларда катта қизиқиш уйғотади.

Ҳозир қурилиш бошқармасида Э. А. Бирюковани энг яхши агитаторимиз, деб айтишади. У ҳақиқатан ҳам бунга муносиб.

ЁРДАМИНИ АЯМАЙДИ

«Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида ташаббускор коммунистлар оз эмас. Ремонт-механика цехининг слесари Владимир Сайбел улардан бири ҳисобланади. Ўзи тиришқоқ, серғайрат йигит. Бир куни цехда янги насос тайёрлаш зарур бўлиб қолди. Бу пайтда ремонтчи-слесарлар бошқа яна бир шошилинч топшириқни бажараётган эди. Шунда бош механик бўлими раҳбарлари В. Сайбелга ёрдам сўраб мурожаат қилишди. Коммунист ортиқча гапсўзсиз электр пайвандчи Виктор Плетнев билан ишга киришиб кетди. Кўп ўтмай насослардан биринчиси, сўнг иккинчиси тайёрланди. Ҳозирги пайтда бирлашма конструкциялари чизмаси асосида тайёрланган янги хил насослар узлуксиз ишлаб турипти.

КПСС аъзоларидан Василий Качанов, Эркин Тожибоев, Сергей Титов, Николай Каплинлар ҳам ташаббускор ва жонкуяр ишчилар сифатида ҳурмат қозонишган. Лекин айримлар ҳамон эскича онг билан юришибди. Масалан, слесарь Петр Поляковни олайлик. У планни уддалайди. Меҳнат интизомига риоя қилади. Аммо ремонт-механика цехи коммунистларидек умумий иш учун жонкуярлик кўрсатмайди. Унинг учун ўз плани бажарилса бўлгани, бошқа ишлар билан қизиқмайди.

Менинг фикримча ишчининг фаолсизлигида цех бошланғич партия ташкилотининг ҳам айби бор. Чунки бошланғич ташкилот ҳозирги масъулиятли паллада коммунистлардагина эмас, коллективнинг барча аъзоларидан ташаббускорлик, шахсий масъулият ҳиссини уйғотиши керак. Бир сўз билан айтганда ҳамма бирдай ҳаракат қилмоғи даркор.

И. ЗИМИН,
меҳнат ветерани.

Н. К. КРУПСКАЯ ТЎҒРИСИДА КИТОБ

«Надежда Крупская тўғрисида. Хотиралар, очерклар, замондошларининг мақолалари» китоби босмадан чиқди.

Атоқли давлат ва партия арбоблари, рассомлар, ёзувчилар, Надежда Константиновна билан бирга ишлаган ўртоқлар мазкур китобга киритилган очерклар ва хотираларнинг муаллифларидир. Улар В. И. Ленин нинг рафиқаси ва сафдоши, ишчилар синфи иши учун матонатли курашчи ҳақида ҳикоя қилганлар.

Китобни Сиёсий адабиёт нашриёти босмадан чиқарди.

(ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

СССР Олий Совети Президиуми СССР Енгил ва озиқ-овқат саноати машинасозлиги ва рўзғор асбоблари министрлигини 1988 йил 1 мартдан тугатди.

ҲОЗИРГИ ДАВРДА ПАРТИЯНИНГ СОЦИАЛ СИЁСАТИ

Партиямиз XXVII съездининг тарихий қарорлари совет кишилари ҳаётини янада оқилона ташкил этиш, тағин ҳам кўпроқ моддий таъминланган, маънавий бой, адолатли, юксак социал ва маънавий қадриятларга мўлжалланган тарзда бўлиши тўғрисида ғамхўрлик билан сугорилгандир.

Инсон тўғрисида ғамхўрлик, социал сиёсат масалалари — партиянинг диққат эътиборида бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Меҳнаткашларнинг ҳаётий манфаатларига алоқадор давлатимизнинг иқтисодий фаолияти натижалари айни социал соҳада рўёбга чиқмоқда. Худди шу соҳада социалистик тузумнинг инсонпарварлик табиати, унинг капитализмдан сифат жиҳатдан туб фарқи бирмунча кенг ва яққол кўринади.

КПСС социал сиёсатни мамлакат социал-иқтисодий ривожланишининг, омманинг меҳнат ва ижтимоий-сиёсий активлиги юксалишининг, янги киши шаклланишининг, жамият сиёсий барқарорлигининг муҳим омили сифатида социалистик турмуш тарзи қарор топишининг қудратли воситаси деб билади.

Бизнинг социал ютуқларимиз катта ва шак-шубҳасиздир. Партиямиз эришилган муваффақиятларни муносиб баҳолаган ҳолда ўтмиш сабоқларидан тўғри хулоса чиқарди. Ўтмишда социал-маданий соҳаларнинг етилган муаммоларига зарур даражада аҳамият берилмаган, кишиларнинг турмуш ва дам олиши, ишлаб чиқаришнинг социал соҳасига эътибор сусайган, социал-адолат принциплари бузилишига йўл қўйилган эди. Эндиликда давр талабларини ҳисобга олган ҳолда бу проблемани ривожлантириш вазифалари, актив, яхлит социал сиёсатнинг экономика самарадорлигини ошириш, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма томонларига таъсирини кучайтириш вазифалари кўриб чиқилмоқда.

Иқтисодий ислоҳот ва қайта қуриш умуман инсонни биринчи ўринга актив равишда олиб чиқмоқда. Социал адолат биздан шахснинг индивидуал қобилиятларига кўпроқ эътибор беришимизни, бошқаларга намуна кўрсатиб, яхшироқ ва кўпроқ ишлаётган кишиларни маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантиришни талаб қилмоқда.

Мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш ишидаги ҳар қандай конкрет қадам социалистик турмуш тарзи асосларини такомиллаштиришга — меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга, инсонийлик принципларини янада тўлароқ амалга оширишга, социал группа ва қатламларни янада яқинлаштиришга, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутни бартараф эта боришга имкон беради.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида, республика партия ташкилотининг XXI съездида Ўзбекистон ССРда аввало кишиларнинг турмуш ва меҳнат шароитларини сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш, етилган социал-иқтисодий муаммоларни оперативлик билан ҳал этиш, майда буржуа психологияси ва ахлоқи кўринишларини таг-томири билан йўқотиш, социалистик турмуш тарзи нормаларидан ҳар қандай чекинишларни бартараф этишга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилди.

Партиянинг иқтисодий стратегияси тарзини такомиллаштириш учун мустаҳкам моддий база яратади. Хўжалик фаолиятида фантехника тараққиётини жадаллаштириш, меҳнат самарадорлиги ва сифатини ошириш, хўжалик механизмини такомиллаштириш — буларнинг ҳаммаси халқнинг моддий ва маънавий ҳаётини яхшилаш йўлида амалга оширилмоқда.

Партия халқ фаровонлигини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш вазифасини кўймоқда. Ўн иккинчи беш йилликда аҳоли жон бошига реал даромадларни 13—15 процент ўстириш, совет кишиларининг товарлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондиришни анча яхшилаш, социал инфраструктура ҳамма тармоқларини комплекс ривожлантириш мўлжалланмоқда. Умумий саҳни 565—570 миллион квадрат метрга тенг бўлган уй-жойлар қуриш режалаштирилган. Бу 2000 йилга бориб ҳар бир оилани алоҳида квартира билан таъминлаш имконини беради. Коммунал-маиший хизмат ҳажми ортади. Қишлоқларни социал жиҳатдан қайта қуриш жадаллаштирилади.

КПСС XXVII съездининг икки йиллигига

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлиги Совети саломатликни муҳофаза қилишни ривожлантириш, соғлиқни сақлашни қайта қуришнинг ўн иккинчи беш йилликка ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари тўғрисида қарор қабул қилдилар. Пенсия таъминоти тўғрисидаги янги қонун тайёрланяпти. Оналик ва болаликни муҳофаза қилишни яхшилаш чоралари кўрилаяпти. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига жиддий ёндаша бошланди. Ҳозир фан-техника ютуқларини актив жорий этиш, лойиҳалар сифатини яхшилаш планлаштирилмоқда, экологик тарбия кучаймоқда.

Оилани янада мустаҳкамлаш, ота-оналарнинг болаларни тарбиялаш учун масъулиятларини ошириш, хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш ҳам партиянинг диққат марказида турипти. Бу тадбирлар оналикни улуғлаш билан бир қаторда аёлларнинг меҳнатда ва ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этишларини таъминлашга қаратилган. Бозорни хилма-хил товарлар билан тўлдириш ва хизмат турларини кенгайтириш социал масалалар ичида энг муҳим вазифалардан биридир. Хизмат кўрсатиш соҳасини такомиллаштириш, эҳтиёж ва имконият ўртасидаги тафовутни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Бунда кооперативлар муҳим роль ўйнаяпти.

Ўн иккинчи беш йиллик охирига бориб Ўзбекистонда ижтимоий истеъмол фондлари 7,9 миллиард сўмликни ташкил этади. Бу 1985 йилдагидан 22,5 процент кўп демакдир. Шу даврда умумий саҳни 37 миллион квадрат метрдан кўпроқ турар-жой қуриш, чакана товар оборотини 33,4 процентга кўпайтириш мўлжалланмоқда. Қишлоқ жойларда 44 та район маданият уйи ва 145 та клуб қурилади. Соғлиқни сақлашни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади. Жумладан, 23 минг ўринли касалхоналар ва бир кунда 45 минг кишини қабул қиладиган поликлиникалар ишга туширилади.

Социал тараққиёт атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишни ҳам назарда тутади. Республикада ҳаво ҳавзасини соғломлаштириш учун кўп куч сарфланмоқда. Шаҳарларни кўкаламзорлаштириш, уларни тоза ичимсув билан таъминлашни шилаш чоралари кўрилаяпти. Орол денгизини тиклаш биатни муҳофаза қилишлидаги улкан вазифадир. Бутун мамлакатдаги каби бизнинг республикамизда ҳам жамият ва инсон саломатлиги йўлида ичиликбозлик, гиёҳвандлик, фоҳишабозлик ва бошқа ярамас ҳодисаларга қарши кураш кучайиб кетди.

Аҳолининг ишламай юрган қисмини меҳнатга жалб қилиш иқтисодий, социал ва сиёсий аҳамиятга эга бўлган мураккаб ва долзарб вазифалар орасида партия ва жамоат ташкилотлари учун жуда муҳим аҳамиятлидир. Биргина Тошкент шаҳрининг ўзида ўн мингдан граждан-лар ижтимоий меҳнатга тортилмаганлар. Туб аҳоли ҳисобига саноат ишчилари синфи сонини кескин даражада ошириш Ноқоратупроқ, Сибирь, БАМ зонаси, Узоқ Шарқни ўзлаштиришда қатнашаётган ўзбекистонликларнинг вакилларини кўпайтириш республикамиз учун муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Ҳар бир киши — у қайси соҳада ишламасин зўр ғайрат-шижоат ва самарали меҳнат қилган тақдирдагина планларимиз рўёбга чиқишини алоҳида таъкидлаш керак. Шунинг учун ҳозир партия ташкилотларининг куч-ғайрати ва ташаббускорлигини ошириш, кишиларда меҳнатга онгли муносабатни қарор топтириш ғоят муҳимдир.

Бу йил кучга кирган Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонун хўжалик ҳисобини кенг жорий қилиш, меҳнаткашларнинг моддий манфаатларини оширишга қаратилгандир. Бунда социализмнинг асосий принципи ҳисобланган ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга меҳнатига яраша деган принцип ўз ифодасини топмоқда.

Социал адолат принципи жамият манфаатларига, шунингдек ҳалол меҳнаткашомма манфаатларига мос тушади. Социал адолатга ҳамма соҳада — меҳнатга ҳақ тўлашда, турар-жойларни тақсимлашда, бошқа имтиёзлар берилишида қатъий амал қилиниши зарур.

Партиянинг социал сиёсати совет кишилари томонидан тобора кўпроқ қўллаб-қувватланмоқда. Бу сиёсатни қатъий амалга ошириш ҳозир энг муҳим вазифадир. Бунда кадрларнинг социал йўналтирилганлиги, партия, совет, хўжалик ташкилотлари, ҳар бир раҳбар ходимнинг қатъийлиги, ташаббускорлиги ютуққа эришишнинг ҳал қилувчи омилидир.

Партия планлаштириш ва бошқарув органлари, марказий ва маҳаллий ташкилотлардан социал соҳа эҳтиёжларига томон кескин бурилиш қилишга, экономика ривожланиши, фан-техника тараққиётининг социал йўналишини кучайтиришга даъват этмоқда. Мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш борасида партия қўйган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишнинг гарови ана шундадир.

В. ШАПОВАЛЕНКО,
В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети профессори.

Жамоатчилик Советининг кўчма қабули Пискент районида

ИЖРОСИ НАЗОРАТДА БЎЛАДИ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газета редакцияси ҳузуридаги ҳуқуқ, социалистик қонунчиликни пропаганда қилиш жамоатчилик Совети навбатдаги қабулни Пискент районида халқ судининг биносида ўтказди.

ҚАБУЛДА область ижроия комитети юстиция бўлими бошлиғининг ўринбосари, жамоатчилик Советининг раиси Т. Пидаев, область социал таъминот бўлими колхозчилар пенсияси ва нафақалар бўлимининг ходими А. Сиддиқов, юрист А. Ҳасанов, Пискент район Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Н. Ғуломов, район прокурорининг ёрдамчиси Р. Абдумўминова, ички ишлар бўлимининг бошлиғи О. Турғунбоев, халқ судининг раиси Э. Холматов, социал таъминот бўлимининг мудири А. Тўлаганов ва бошқа ўртоқлар иштирок этди. Кўчма Қабулни жамоатчилик Советининг раиси Т. Пидаев бошқарди.

МАЪЛУМКИ, ҳар бир шикоят ўз-ўзидан вужудга келмайди. Унинг бирон сабаби бўлади. Меҳнаткашлардан тушаётган шикоятларнинг тури ҳар хил бўлишига қарамай, уларнинг манбаи бир. Тегишли ташкилотларга ёрдам сўраб мурожаат қилишади. Лекин меҳнаткашларнинг ҳақли эътирозини ўз вақтида амалга ошириб, унинг талабини қондириш ўрнига кўп ҳолларда эътиборсизлик билан қаралиб, уларнинг талабини амалга ошириш пайсалга солинади.

— Пискент районидаги «Партия XXVI съезди» совхози территориясидаги Фрунзе номли мактаб ошхонасида ошпаз бўлиб ишлайман,— деб ёзади Қумри Ортиқова. — 1986 йилнинг ёзги каникули вақтида болаларга лагерь очдик. Мен совхоздан турли озиқ-овқат маҳсулотлари олиб, овқат пишириб бердим. Район халқ маорифи бўлими ва мактаб маъмурияти келишиб, совхоздан олинган озиқ-овқат маҳсулотлари қийматини тўлаймиз дейишди. Кейинчалик лагерь рухсатсиз очилган, деб 200 сўм пулни ҳамма ҳужжатлари бўлишига қарамай, тўлашмади. РайОНО бухгалтерияси эса ўша пулни энди менинг ёнимдан тўлашга мажбур қилмоқда. Тўламасам, ишдан бўшатишар эмиш».

Яна шу райондан келган бир хатда Свердлов номли колхознинг 8-бригадаси бошлиғи М. Абдуллаевнинг ўз вазифасини суиистеъмол қилаётганлиги кўрсатилган эди. Ҳар икки хат автори ҳам тегишли ташкилотларга мурожаат қилишган. Лекин уни ҳал қилиб бериш натижасиз қолмоқда. Ана шу ва бошқа хат-шикоятларни ҳисобга олиб, жамоатчилик Совети бу масалаларни районнинг ўзида ҳал этиш мақсадида бу сафарги йиғилишни Пискентда ўтказди. Тайёргарлик даврида тушган саволларнинг мазмунига қараб унга алоқадор бўлган ташкилотларнинг вакиллари қабулга таклиф этилдилар.

Район маиший хизмат кўрсатиш бирлашмасининг ишчиси Н. П. Чернакнижная биринчи бўлиб савол берди:

— Мен 1982 йилдан бери ўзим ишлайдиган бирлашмада квартира олиш учун навбатга турган эдим. Навбатим биринчи эди. Район ижроия комитети раисининг ўринбосари Н. Ғуломов мени навбатдан чиқариб ташлаб, ҳужжатларимни умр йўлдошим ишлайдиган ташкилотга юборди. Ў ерда дастлаб навбатимиз 35-бўлса, орадан бироз вақт ўтгач, 49-бўлиб қолдик. Шу тўғрими?

Т. ПИДАЕВ:—район ижроия комитети сизнинг навбатингизни бошқа ташкилотга кўчириб, нотўғри иш қилган. Ўй-жой тақсимлашдаги белгиланган тартиб-қоида бузилган.

Н. ҒУЛОМОВ:— Н. П. Чернакнижная бошқа киши яшайдиган квартирага ҳали уй эгаси бўшатиб бермасдан ўзбошимчалик билан кўчиб кириб олган. Шунинг учун биз уни навбатдан чиқариб, ташлаб, умр йўлдоши ишлайдиган жойга ҳужжатларини жўнатдик.

М. Н. ЛИ, Собир Раҳимов кўчаси, 54-уй.

— Мен ҳам 1981 йилдан бери квартира олиш учун район ижроия комитетида навбатда турар эдим. Мени ҳам район ижроия комитети навбатдан чиқариб ташлаб, ўртоғим ишлайдиган қурилиш ташкилотига ҳужжатларимни юборди. Мени квартира олиш учун ҳақким борми, йўқми?

Т. ПИДАЕВ:— Квартира олишга ҳар бир гражданнинг ҳуқуқи борлиги қонунларда кўрсатилган. Район Советидагилар сизга нисбатан ҳам нотўғри йўл тутишган.

С. ҒУЛОМОВА, марказий район шифохонасининг ҳамшираси, Садовая кўчаси, 37-уй.

— 1985 йилда уй-жой қуриш учун ер сўраб ариза берган эдик. Район ижроия комитетидаги ўртоқлар, шаҳсан раис ўринбосари Н. Ғуломов ваъда беришдан нарига ўтмаяпти.

Н. ҒУЛОМОВ,— квартира олиш учн навбатга турган Н. П. Чернакнижная, М. Н. Лиларни навбатдан чиқариб, мен хатога йўл қўйганман. Район прокуратураси ҳам бу масалани кўриб чиқиб уй-жой тақсимлашда жиддий камчиликларга йўл қўйилганлигини кўрсатди. Уларнинг ҳар иккаласи масаласини ҳал қилиб берамиз. С. Ғуломованинг ер сўраб берган аризаси ҳам район Советида кўриб чиқилди. Унга яқин кунларда уй-жой қуриш учун ер ажратиб берилади.

Ўмуман, квартирага муҳтож кишиларнинг талабини тўлароқ қондириш учун районда ҳар йили 17 минг квадрат метрдан уй-жой қуриб фойдаланишга топшириш лозим. Шу кунларда район Советида квартира учун 140 киши навбатда турибди. Булардан ташқари, 250 киши уй-жой қуриш учун томорқа сўраб ариза берган. Йил охиригача райондаги имкониятлар ҳисобга олиниб, навбатдаги 70 кишига квартира берилади. Қолган 70 таси эса келгуси 1989 йилда белгиланган тартиблар асосида квартиралик бўлишади.

«1-Пискент» совхози ўз территориясида иморат қуриш учун ер сўраган кишилардан 75 нафарининг талаби район Совети билан келишилган ҳолда қондирилди. Бундан ташқари ер сўраб ариза берган кишилардан 100 кишининг талаби шу йилнинг охиригача, қолган 150 нафари эса келгуси йил ер билан таъминланади.

З. КОМИЛОВ, Садовая кўчаси, 40-уй.

— 1979 йили ўғлимга уй-жой қуриш учун ер сўраб ариза берган эдим. Йўлланма билан бошқа ерга ишга ўтди. Навбати сақланадими, йўқми?

Н. ҒУЛОМОВ:— Албатта, сақланади. Буни назоратга оламиз.

И. МАҲМУДОВ, Бўка районидаги Ҳамза номли колхознинг 6-участкасида яшайди. Бензин ташийдиган машина шофери.

— Аслида 1931 йилда туғилганман. Ҳужжатларимда 1935 йил бўлиб кетган. Кўрсатилган даврда туғилганлигимга 10 дан ортиқ гувоҳларим бор. Қандай қилиб ҳақиқий туғилган йилимни ҳужжатлаштириб олишим мумкин?

А. ТЎЛАГАНОВ, район социал таъминот бўлимининг мудири:— Сиз район ижроия комитети ҳузурида тузилган ёшни аниқлайдиган комиссияга мурожаат қилишингиз мумкин. Агар улар ёшингизни сиз айтгандек топиб қарор чиқаришса, суд бу масалани кўриб чиқиб, ёшингизни тасдиқловчи ҳужжат бериш ҳақида ажрим чиқаради. Шундагина сизнинг ҳужжатларингиз алмаштириб берилади.

Район социал таъминот бўлимининг мудири А. Тўлаганов нафақа тўлаш ҳақидаги кейинги имтиёзлар ҳақида, пенсионерларга кўрсатилаётган ёрдам ҳақида қабул иштирокчиларидан тушган қатор саволларга жавоб қайтарди.

Х. РАСУЛОВА, 1-Май проспекти, 16-уй.

— Умр йўлдошим Ш. Дадаматовни қўшнилар уришди. У маст эди. Суд даврида шу урган қўшниларимиз яна гувоҳликка ҳам ўтишди. Ёш болаларим боғлигини, медицина хулосасини ҳисобга олмай, унга 3,5 йил қамоқ жазоси берилди. Бу ноҳақликни нима деб баҳолаш мумкин?

Х. Расуловнинг саволига халқ судининг раиси Э. Холматов жавоб қайтарди. Ш. Дадаматов устидан чиқарилган ҳукмни область суди кўриб чиқди ва уни тўғри деб кучида қолдирди. Бундан ташқари икки марта область судининг коллегиясида, икки марта Президиумда кўрилди.

Халқ судининг раисига тушган бошқа саволлларга ҳам жавоб қайтарилди.

А. ЭШОНҚУЛОВ, «Ташоблтеплоэнерго»да хизматчи.

— 1975 йили уй-жой қуриш учун ер сўраб ариза берган эдим. Район ижроия комитети 600 квадрат метр ер ажратиб берди. Иморат қурдим. Лекин бу уйга кириб-чиқиш учун йўлни қўшнилар беркитиб қўйган. Район ташкилотларига мурожаат қилдим. Ҳеч қандай ёрдам кўрсатишмаяпти. Ана шу йўлни беркитиб қўйган қўшниларимнинг эса 5 та томорқаси бор. Бу қайси қонунларга асосланган?

Район прокурорининг ёрдамчиси Р. Абдумўминова ва ички ишлар бўлимининг бошлиғи О. Турғунбоевлар бу масалани ўша жойнинг ўзига бориб ўрганиб чиқиш ва А. Эшонқуловга ёрдам беришни ўз назоратларига олишди.

Кейинги даврларда Пискент районида аҳоли ўртасида қонунчиликни мустаҳкамлашга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Натижада жиноятлар сони кескин камайди. Агарда 1986 йилда 269 та жиноят содир бўлган бўлса, 1987 йилда улар 195 тага қисқарди. Районда алкоголизмга ва ичиликбозликка қарши кураш ҳам кучайтирилди. Спиртли ичимликлар сотиш кескин камайтирилди. Лекин шу борада сўз билан амалий иш бир-бирига мос эмаслигини фактлар кўрсатиб турибди. Район территориясида бор-йўғи 3 жойда спиртли ичимликлар сотилишига рухсат берилган. Шундай бўлишига қарамай хушёрхона меҳмонларининг сони кескин кўпайди.

Агар 1986 йилда район бўйича 183 киши хушёрхонада тунаган бўлса, 1987 йилда уларнинг сони 263 тага етди. Шуларнинг 60 нафари Олмалиқ шаҳридан, деб изоҳлайди ички ишлар бўлимининг бошлиғи О. Турғунбоев.— Қизиғи шундаки, олмалиқлик ичиликбозлар спиртли ичимликни шаҳардан олиб келиб Пискент райони территориясида ичишаётган эмиш.

Ички ишлар бўлими бошлиғининг берган жавобига кўра ўтган йил давомида бор-йўғи 4 та самогон тайёрловчи фош этилган бўлса, милиция ходимларининг ва жамоатчиликнинг ёрдами билан бу йилнинг ўтган бир ярим ойи мобайнида 14 та самогон тайёрловчи қўлга тушган. Уларнинг ҳар бирига 100 сўмдан жарима солинди.

Фактлар ўжар бўлади. Оғир жиноятлар сони камайгани яхшию, ичиликбозлик авж олиб, хушёрхонага тушаётганларнинг кўпайишини нима билан изоҳлаш мумкин? Кўпчилик оғир жиноятлар ичкилик оқибатида содир бўлиши сир эмаску! Мана биргина мисол С. Абдиқулов маст ҳолда Охунбобоев номли колхознинг дала шийпонига бориб давлат нархи 140 сўмлик турадиган «Меридиан-210» маркали приёмникни ўғирлаб кетади. Милиция ходимлари С. Абдиқуловнинг жиноятини фош этишди. Район халқ суди уни икки йилга озодликдан маҳрум этди. Бундай фактларни кўплаб келтириш мумкин. Қабул пайтида меҳнаткашлар ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан берган саволларга жавоблар олишди.

Райондаги «Партия XXVI съезди» совхозидаги мавсумий болалар боғчасида ишлаган Қ. Ортиқова, Свердлов номли колхоздан М. Самандаров, Олмазор кўчаси 26-уйда яшовчи пенсионер М. Аъзамов ва бошқа ўртоқлар томонидан ўртага ташланган масалалар, кўтарилган қатор муаммолар ўрганиб чиқилиши лозимлиги, уларни ҳал этиш, маблағ билан боғлиқ бўлганлиги учун назоратга олинди.

А. МИРЗААҲМЕДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ПАРТИЯ АЪЗОСИНИНГ СОФ ВА ҲАЛОЛ ҚИЁФАСИ УЧУН

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ «ПАРТИЯГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА ПАРТИЯ САФЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ БОРАСИДА ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ИШИДАГИ ЖИДДИЙ КАМЧИЛИКЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИНИНГ КОМПЛЕКС ХАРАКТЕРИ ВА УНИНГ ОБЛАСТДА БУТУН ПАРТИЯ ИШИНИ ҚАЙТА ҚУРИШГА ТАЪСИРИ

Т. А. АЛИМОВ,

Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари

БИЗ область партия ташкилотининг фаолиятини КПСС XXVII съездининг стратегик йўли билан яна бир бор солиштириш, КПСС Марказий Комитетининг «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент область партия ташкилотининг ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қарорининг амалга оширилишини мушоҳада қилиш, қайта қуришнинг янги босқичида ҳаракатларимизнинг бундан кейинги программасини коллектив бўлиб ишлаб чиқиш учун тўпландик.

Бизнинг илмий-амалий конференциямизнинг мақсади — партия сафларининг сифатли ташкил топиши ва мустаҳкамланиши, уларнинг жамиятни демократлаштириш туб ислоҳот шароитларида партия ташкилотларининг жанговарлигини оширишга таъсири муаммоларини коллектив равишда таҳлил этиш ва конкрет тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Коммунистик партия ўз тараққиётининг ҳамма босқичларида ўз составининг яхшиланишига, коммунистлар ижодкорлиги ва масъулияти ошишига алоҳида аҳамият бериб келди, партия аъзоларининг соф ва ҳалол қиёфаси учун қатъий кураш олиб борди.

Партияга аъзолик принципларининг аниқ таърифини В. И. Ленин РСДРПнинг II съездидаёқ, партиянинг ташкилий асосларига замин ҳозирланаётган пайтдаёқ айтиб берган эди. Тарихда бўлиб ўтган съездларнинг ҳаммасида партия сафларини ўстириш ва мустаҳкамлаш бўйича ишлар у ёки бу формада муҳокама қилиб келинган. Бу масалада КПСС Марказий Комитетининг 1965 йилда Харьков область партия ташкилоти, 1976 йилда Қирғизистон Компартияси бўйича қабул қилган қарорлари бу соҳадаги конкрет тадбирлардан бўлди.

Агар аъзоликнинг ленинча принциплари партия яшаб келаётган бутун давр ичида ўзгармай қолаётган бўлса, бу принципларни амалга ошираётган конкрет нормалар мунтазам такомиллаштирилиб, янги мазмун билан бойитиб борилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Тошкент область партия ташкилоти бўйича қабул қилган қарори совет жамиятини революцион қайта ўзгартиришнинг ҳозирги босқичида партияга аъзолик тўғрисидаги ленинча таълимотни ижодий ривожлантиришга янги ҳисса бўлиб қўшилди.

Бу умумпартиявий ҳужжат биз пойтахт области коммунистлари учун ғоят актуал ва ниҳоятда муҳимдир. Айниқса, **қарорнинг комплекс характерини** таъкидлаб ўтиш керак. Қарорда ғоявий-назарий, сиёсий-тарбиявий, ташкилотчилик ва хўжалик фаолияти бирлигига, турғунлик ва консерватизмнинг ҳар қандай кўринишларига қарши шафқатсиз курашишга, пайдо бўлаётган муаммоларни самарали ҳал этишни ижодий тарзда излашга принципиал аҳамият берилди. Ҳақиқатан ҳам КПСС Марказий Комитетининг қарори моҳият-эътибори билан область сиёсий, иқтисодий ва социал ҳаётининг барча томонларини қамраб олган.

Область партия ташкилоти учун бу амалий, программ ҳужжат чинакам бурилиш аҳамиятига эгадир, у партия сафларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш проблемаларига бизнинг тамомила бошқача назар билан ёндашишимиз керак-лигига даъват этди.

Сиз яхши билган кўпгина салбий ҳолатларнинг илдизи бизнинг партия сафларимиз ёт унсурлар билан ифлосланишига бориб тақалганлиги, партия ташкилотларининг принципиаллик ва жанговарликни йўқотиб қўйганлигида эканлигини энди биз яққол кўриб турибмиз.

Область партия комитети, унинг бюроси ва секретариати, шаҳар ва район партия комитетлари қуйи партия ташкилотлари муайян босқичда бу жуда муҳим соҳани назардан қочирдилар. Биз бошимиздан кечирган турғунлик даври жамият ҳаётида ҳам, партия ташкилотлари ҳаётида ҳам ишчанлик ва ахлоқий талаблар сусайишига олиб келди. Партия билетидан манфаат кўриб қолишга интилган, нопок, товламачи, ғаразгўй кишилар йўлига қарши мустаҳкам ғов қўйилмади.

Бироқ ўша вақтда ҳам **анчагина бошланғич партия ташкилотлари, коммунистлар принципиал позицияларда тура олдилар**, хушомад қилиш ва ҳамма нарсани қилишга йўл қўйиб беришдек чиркин муҳитга берилмадилар. Партиядаги бу соғлом кучлар ядросини биринчи навбатда ишчилар синфи вакиллари ва оддий колхозчилар ташкил этдилар. КПСС Марказий Комитети қарорини бажариш юзасидан область партия ташкилоти ишида кескин бурилиш қилишда худди ана шулар таянч бўлдилар. Кенг партия активини жалб қилиб, ишлаб чиқилган тадбирлар комплекс планини амалга оширишдаги дастлабки қадамлар янги талабларга мувофиқ келадиган ҳаракат усулларини ишлаб чиқишда область партия ташкилотининг йўли тўғрилигига ишонч ҳосил қилдиримоқда.

Партия комитетлари раҳбарликнинг сиёсий усулларини яхшироқ эгалламоқдалар, инсон омилини намоён этиш ва активлаштиришга интилмоқдалар, ишда коммунистларнинг авангардлик ролини таъминлашга ҳаракат қилмоқдалар. **Бу тадбирлар область социал-иқтисодий ҳаётидаги айрим ижобий силжишларда конкрет ифодасини топмоқда.**

Меҳнат коллективлари ривожланишнинг интенсив йўлига ўта бориб, халқ хўжалигида туб ислоҳотни амалга оширмоқдалар. Саноатни бошқарув структураси қайта кўриб чиқилмоқда, кўп, сменали иш режими жорий этилмоқда. Хўжалик ҳисоби, ўзини ўзи қоплаш ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш кучга кирмоқда, маҳсулот сифатини яхшилаш юзасидан иқтисодий таъсирлар кучаймоқда. Планлаштиришнинг норматив-ресурс усуллари кенг ёйилмоқда. Бригада ва оилавий пудрат қулоч ёймоқда, агросаноат комплексида интенсив технология жорий этилмоқда. Қурилиш ташкилотлари, транспорт, савдо, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоқларида ҳам ишлар маълум даражада яхшиланиб бормоқда.

Экономиканинг социал йўналиши кучаймоқда, уй-жой, соғлиқни сақлаш, халқ маорифи, маданият объектлари қуриш суръатлари ўсмоқда. Меҳнат коллективларида маънавий-ахлоқий шароитлар яхшиланиб, аҳолининг гражданча онглилиги ўсмоқда. Меҳнат коллективларида партия ташкилотларининг обрўси мустаҳкамланиб бормоқда.

Меҳнаткашлар янгиланиш йўлида партия тутаётган йўлни қўллаб-қувватламоқдалар. Шундай бурилиш даврида ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва зиёлиларнинг энг илғор вакиллари партияга киришга қарор қилиб, содир бўлаётган революцион ўзгаришларга муносиб ҳисса қўшишга интилмоқдалар.

Ғарчи йирик, баъзан кескин чоралар кўрганлигимизга қарамай, туб ўзгаришлар, қайта қуришда етарлича жадаллаштиришга ва динамизмга биз ҳали эришганимиз йўқ. Партия комитетларини, халқ депутатлари Советларининг кўпгина ижроия комитетларини, жамоат ташкилотлари, корхоналар ва хўжаликларни тозалаш юзасидан муайян иш қилинди.

Шу билан бирга область экономикасининг айрим соҳалари, агросаноат комплексида, халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ишлар барбод қилинаётганлиги ҳоллари учраб турипти.

Бу — салбий ҳолатларнинг **илдизлари биз ўйлагандан ҳам чуқурроқ эканлигидан далолат беради.** Уларга қарши курашда биз фақат юқори қатламнигина олишга муваффақ бўлдик.

Маънавий чириш бу қадар чуқур илдиз отганлигига омма кенг қатламининг ижтимоий ва сиёсий пассивлиги, уларнинг турғунлик билан муроса қилиб келишидадир. Кейинги икки йил ичида, худди ўн йиллар аввалгига ўхшаб, жиноятга ёки суиистеъмолга йўл қўйган биронта раҳбар бошланғич партия ташкилоти ташаббуси билан эгаллаб турган лавозимидан бўшатилгани йўқ. Бундай ёндашиш Устав талабларини бажаришдан бош тортишдан бошқа нарса эмас. Устав талаблари коммунист зиммасига партия ва давлатга зиён етказувчи ҳар қандай хатти-ҳаракатларга қарши кескин курашиш вазифасини юклайди.

Фақат партиявий ишлар марказида инсон бўлгандагина КПСС XXVII съезди олға сурган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш, социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш мумкин. Одамларга яна ҳам яқинроқ бўлиш, жонли иш билан шуғулланиш, партиявий ишни тубдан қайта қуриш мазмунини билдиради. Шундагина меҳнат коллективларининг авангарди бўлган коммунистлар роли ортади.

Қайта қуриш даврида ҳар бир партия ташкилоти роли ва ҳиссасини сезишимиз зарур. Давр актив ҳаракат қилишни талаб этмоқда.

Партия комитетлари пленумлари, партия активлари, ветеранлар билан бўлган учрашув ва суҳбатлар давомида область партия ташкилоти ҳисобидаги ҳар бир коммунистнинг фаолиятини жиддий таҳлил этиш, унинг қайта қуришга бўлган муносабатини ва иштирокини баҳолаш зарурлиги уқтирилди.

Бугунги кунда ишимизнинг ҳамма йўналишларида партия таъсирини кучайтириш зарурлиги ишлаб чиқаришнинг ҳар бир участкасида, ҳар бир ишчи ўрнида ижро интизомини сўзсиз йўлга қўйиш яққол сезилиб турибди.

Шу муносабат билан меҳнат коллективларининг бошида турган коммунистлар роли ниҳоятда ўсмоқда, уларнинг ўз ишини ҳаёт талабларига мувофиқ қура билиши, конкрет тарихий вазиятни аниқ ҳисобга олиши, янги вазифаларни кўра олиши муҳимдир.

Партия аъзоларидан КПСС Уставининг 9-параграфига мувофиқ ўз бурчларини бажармаганликлари учун янада қатъий талаб қилиш зарур деб топилди. Булар ҳаммаси **коммунистлар аттестацияси ўтказиш ғояси**га асос бўлиб қолди.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, аттестация коммунистларга эски ёшдашув ва одатлар юкидан халос бўлишга, вазиятни чуқурроқ тушуниб олишга, ёрдамга муҳтож кишиларга зарур даражада кўмак бериб, уларни қўллаб-қувватлашга имкон бермоқда. Аттестация пассивлик учун ҳам талабчанлик, ҳам жазолашдир, айни чоқда, у ўз хатти-ҳаракатлари ва фаолиятсизлиги билан коммунист номига доғ тушираётганлардан қутулиш воситаси ҳамдир.

Партия XXVII съездига Сиёсий докладда таъкидланганидек «... КПСС сафларини тозалаш юзасидан махсус кампания ўтказишга зарурат йўқ». Шу билан бирга съездда айтилдики, «Бизнинг партиямиз — соғлом организмдир, у... олға томон ҳаракатимизга ҳалақит бераётган барча қотиб қолган, консерватив нарсаларни тугатмоқда, ёмон иши ва номуносиб хулқ-атвори билан ўз обрўсини тушириб юборган кишилардан халос бўлмоқда».

Коммунистлар аттестациясини ўтказишга шу маънода асос бор эди. Шуни айтиш кифояки, область партия ташкилотида ҳар йили мингга яқин киши КПСС сафларидан ўчириб келинган, ундан ҳам кўпроқ кишига партиявий жазо берилган эди. Шахсий ишларни кўриш чоғида коммунистларнинг кўпчилиги авваллари ҳам пассивлик, катта ва кичик ишда интизомсизлик қилганлиги, ўз позицияси билан аслида партия ташкилотининг жанговарлигини ва коммунист деган юксак номга путур ёткизганлиги аниқланмоқда. Ҳозир ҳам партия ташкилоти ҳаётидан деярли ажралиб қолган, ўзини баъзан айрим партиясизлардан ҳам ёмон тутадиган ва ёмон ишлайдиган партия аъзолари ҳам оз эмас.

Ҳозирги вақтда областда аттестация жараёнига партия ташкилотларининг учдан икки қисми қиришдилар. Шаҳар, район партия комитетлари ҳузурида, бошланғич партия ташкилотларида 1 мингга яқин аттестация комиссиялари тузилди. Улар составига энг обрўли, принципиал коммунистлар, партия ва меҳнат ветеранлари, партия ходимлари киритилди.

Мутлақ кўпчилик партия ташкилотларида аттестацияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш фактининг ўзи коммунистларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий-сиёсий активлиги ортишига, маънавий муҳитнинг соғломланишига самарали таъсир қилмоқда.

Бу ўринда «Узбекшахтострой» трестидан мисол келтириш мумкин. 1987 йил май ойида Ангрен шаҳрида биринчилардан бўлиб, шу партия ташкилотида коммунистлар аттестацияси бошлаб юборилган эди. Аттестация коммунистларни сафарбар этишга, уларнинг меҳнат коллективларидаги таъсирини оширишга ёрдам берди. Шартли равишда аттестация қилинган ва партиявий йўл билан жазоланган 9 коммунист орасида бўлинмаларнинг уч раҳбари ҳам бор эди. Трест ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётида кескин ўзгаришлар сезила бошлади. Ўтган йил якунларига кўра пландаги 1,8 миллион сўмлик ўрнига 2,5 миллион сўмлик фойда олинди, маҳсулот таннархи анча камайди, иш сифати ортди, бир кишига ҳисобланган нормага нисбатан 104,7 процент иш бажарилди. Маънавий муҳит ўзгарди. Прогуллар сони ва ходимларнинг ҳушёрхонага тушиши ҳоллари уч баравар қисқарди. Кадрлар қўнимсизлиги камайди, одамлар ўз кучларига ишона бошладилар, партия ташкилотининг обрўси ўсди.

Бундай мисоллар тобора кўпайиб бормоқда.

Шаҳар, район партия комитетлари ҳузуридаги, бошланғич партия ташкилотларидаги комиссиялар билан бирга тармоқ комиссиялари ҳам пайдо бўлди, қишлоқ жойлари учун регионал ва тармоқ комиссиялари бирмунча мақсадга мувофиқ бўлиб чиқди. Масалан, Сергели районида аралаш комиссиялар тузиш йўлидан боришди. Райком ҳузурида 11 та комиссия тузилган. Улар составига турдош тармоқлар корхоналари партия ташкилотларининг вакиллари, район партия комитети аъзолари ва ходимлари кирган.

Аттестацияни ўтказиш, ўрганилиши лозим бўлган партия аъзолари доирасини аниқлаш тартибидаги хилма-хилликлар тўғрисида ҳам гапириш мумкин. Бизнингча, В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ташкилотидаги ёндашув қизиқарли туюлади. Бу ерда аттестацияни, аввало, аттестация комиссияси составига таклиф қилинган партия аъзоларидан бошладилар. Шуни айтиш керакки, таклиф қилинган ҳамма номзодлар учун ҳам коммунистлар ишонч билдиришмади. Лекин аттестация комиссиялари аъзоларининг ваколатлари ўз дўстларининг ишлари ва ҳатти-ҳаракатларини баҳолашда қўшимча маънавий ҳуқуқ билан мустаҳкамланди.

Аттестация қилинаётганларни ўрганиш практикасида ҳам хилма-хил усуллардан фойдаланилмоқда. Шу мақсадларда дастлабки тарздаги суҳбатлар олиб борилмоқда, иш жойи ва истиқомат жойидан фикрлар сўралмоқда, характеристикалар партбюро мажлисларида, йиғилишларда муҳокама қилинмоқда.

Бошқача қилиб айтганда формалар, усуллар ва методларнинг хилма-хиллигида биз **партия ташкилотлари изланишлари ўсиб бораётганлигини** кўрамиз, бу қайта қуришнинг ҳозирги босқичи учун жуда зарурдир.

Аттестациянинг тарбиявий ролини ҳали ҳамма ерда етарли даражада тушуниб етганлари йўқ.

Масалан, Чиноз районидаги 5-Олмазор авторемонт заводи бошланғич партия ташкилотида аттестация қилинаётганларнинг иш, ахлоқий ва сиёсий ҳислатлари чуқур таҳлил қилиниши ўрнига комиссия улар билан юзаки суҳбатлашиш билан чекланиб қолмоқда. Натижа, очиқ айтиш керакки, ташвишлантирарлидир. 37 коммунистдан 22 нафари кўрикдан ўтиб бўлишди. Уларнинг ҳаммаси давр талабларига «жавоб берар» эмиш. Ҳаммаси ими-жимида бўлди, ваҳоланки, бу заводда ишлар яхши эмас: ўтган йилнинг реализация плани атиги 87 процент, меҳнат унумдорлиги бўйича план 89 процент бажарилди, шартномалар бўйича мажбуриятлар барбод қилинди, меҳнат ва жамоат интизоми оқсамоқда.

Бундай мисоллар, афсуски, шугина эмас.

Шартли равишда аттестация қилинган ва партия йиғилишларида муҳокама этилган коммунистлардан фақат 75 процентги жазо олди. Йиғилишларда аттестация қилинмаганлардан фақат иккидан бири партиядан ўчирилди.

Бундан қандай хулосалар чиқариш мумкин?

Кўпинча партия йиғилишларида аттестация комиссиясининг коммунистга берган баҳоси билан партия ташкилотининг уни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарори ўртасида номутаносиблик пайдо бўлмоқда.

Бир томондан, масалаларни муҳокама қилиш чоғида коммунистларнинг ошна-оғайнигарчилик муносабатлари кўриниб қолмоқда, сохта бирдамлик ҳисси баъзан устунлик қилмоқда. Бундай позиция, шубҳасиз, принципсизликни вужудга келтиради, либерал қарорлар қабул қилишга олиб келади. Иккинчи томондан индивидуал ёндашув йўқлиги оқибатида аттестация комиссияларининг коммунистларга нисбатан холис бўлмаган фикри, шошма-шошарлик билан, ҳаддан ташқари қатъий хулосага келиш ҳоллари содир бўлмоқда.

Бундай вазиятларда ҳар томонлама пухта ўйланган, объектив ва принципиал қарор қабул қилиш муҳимдир.

Партиядан ўчирилган ёки жавобгарликка тортилган коммунистларнинг кўпчилигини оддий ишчилар ва колхозчилар ташкил қилмоқда. Чамаси аттестация комиссиялари, партия бюролари ва партия комитетлари инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг имкониятлари ва қайта қуришга реал ҳиссаларини баҳолашга ҳамма вақт ҳам етарлича принципиаллик билан ёндашмаяптилар. Баъзан аттестациянинг бориши ва унинг якунига лавозим обрўси таъсир қилаётган ҳоллар ҳам учраб турибди. Объектив сабаблар туфайли аттестация комиссиялари, партия ташкилотлари бошқарув соҳасида банд бўлган коммунистларга нисбатан талабчанликни оширишлари, суҳбатлар чоғида уларнинг ишлаб чиқариш ва жамоат ҳаётидаги фаолиятини баҳолашга қаттиқроқ мезон билан ёндашишлари керак.

Бошқарув бўғини, илмий, техника ва ижодкор зиёли коммунистларни аттестация қилиш пайтида, бизнингча, кадрларнинг профессионал аттестацияси натижаларини ҳисобга олмаслик асло мумкин эмас. Лавозим вазифаларини бажаришга нисбатан муносабатни баҳолашда уларни коммунистлар сифатида аттестация қилиш пайтидаги хулосалар асос қилиб олиниши керак. Бу КПСС Уставининг 2-параграфи қоидаларидан келиб чиқади. Унда коммунистнинг бошқа вазифалари қатори «меҳнатда ўрнак кўрсатиш... ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга ... жамики янги, прогрессив нарсаларнинг актив тарафдори бўлиш, мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга энг кўп ҳисса қўшиш» талаблари ифодаланган.

Шу нуқтаи назардан илмий-тадқиқот ва конструкторлик муассасаларидаги, ижроия комитетлар аппаратидаги, маданият, соғлиқни сақлаш, маориф системасидаги коммунист мутахассис сифатида аттестация қилинмаган бўлса, у партияда бўлишга лойиқми, деган масалани қўйиш ўринлидир.

Сир эмаски, бошқарув аппаратида, илмий ходимлар орасида бундай номига олим бўлиб юрганлар, иш вақтини беҳуда ўтказаётганлар, бекорга маош олаётганлар талайгина.

Бироқ партия ташкилотлари, бизнингча, улар фаолиятини баҳолашга ниҳоятда либераллик билан ёндашмоқдалар. Айтайлик, «Узбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ташкилотида (коммунистларнинг 36 процентини мутахассислар ташкил этади) ҳозирча бирон коммунист — инженер-техник ходим шартли равишда аттестация қилинган ёки аттестация қилинмаган ҳол учрагани йўқ. Касб аттестациясидан ҳамма мутахассислар қоқилмасдан сип-силлиқ ўтиб кетмоқдалар. Бундай юмшоқ кўнгиллилик, ёнбосиш кимга керак?

Чамаси, принципиал талаб йўқлиги учун ҳам республикамиз колхоз ва совхозлари ниҳоятда муҳтож бўлиб турган самарали пахта териш техникасини яратиш ҳаддан ташқари чўзилиб кетмоқда.

Г. С. Зайцев номидаги Бутуниттифоқ селекция ва пахта уруғчилиги илмий тадқиқот институти илмий ходимларини аттестация қилиш вақтида партия ташкилоти ана шу ҳолларни ҳисобга олиши зарур. Кўпчилик ходимлар бу ерда фанда иқтисодий ислоҳот тўғрисидаги қоидаларни эгаллаб олмаганлар. Яқинда республика Компартияси Марказий Комитетининг бюроси таъкидлаганидек, беш йиллик бошидан буён тадқиқотларга 2 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Бироқ яратилган навларнинг 95 процентги рақобатга бардош беролмайдиган бўлиб чиқди. Ўтган йили давлат нав синовларига пахтанинг бирон навн ҳам берилгани йўқ. Бундай шароитда аттестация жараёнида либераллик, юзаки ёндашишга йўл қўйиб бўлмайди.

Бу ерда аттестация комиссияларининг составлари тўғрисидаги масалага эътиборни жалб қилиш ўринлидир. Практика шуни кўрсатмоқдаки, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг қатор партия ташкилотларида комиссия составларига инженер-техник ходимлар, хизматчилар, раҳбар кадрларни кўплаб киритиш ҳамма вақт ҳам ўзини оқламаяпти. Айни вақтда савдо, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, соғлиқни сақлаш системаси сингари халқ хўжалиги тармоқларида аттестация комиссиялари составларига кўпроқ партия ва меҳнат ветеранларини, пенсионерлар, партия ходимларини киритиш лозим. Улар ҳар бир коммунистнинг фаолияти тўғрисида лавозими ва аввалги хизматларини юз—хотир қилмай очиқ ва ошкора гаплар айта оладилар. Бу билан ана шу тармоқлардаги камчиликларга қарши курашиб, вазиятни соғломлаштиришга фақат ёрдам берадилар.

Ҳамма партия ташкилотлари ҳам **аттестациядан ўтган коммунистлар билан бундан буёнги ишлашнинг самарали механизмини ишлаб чиқа олганлар,** деб бўлмайди. Айниқса, шартли равишда аттестация қилинган ёки жиддий эътирозларга сазовор бўлган кишилар ғамхўрлик ва эътиборга муҳтождирлар.

Юқорида айтилганларнинг ҳаммаси аттестация жуда мураккаб ва нозик жараён эканлигини, ҳар қандай янги, ривожланаётган иш сингари у ҳам такомиллаштирила бориши лозимлигини кўрсатади.

Область партия ташкилотларида ҳар бир КПСС аъзоси вақти-вақти билан, беш йилда камида бир марта ўз ўртоқлари олдида ҳисоб бериб туриши кераклиги тўғрисида йўл тутилди.

Тарбия мақсадларида **коммунистлар хатти-ҳаракатларини партия йиғилишларида муҳокама қилиш** муҳим аҳамиятга эга. КПСС Марказий Комитетининг қарорида таъкидланганидек, бу биринчи галда коммунист раҳбарларнинг партиявий масъулиятини муҳокама қилишга тааллуқлидир. Бу борада айрим силжишлар юз берди.

Коммунистик партия ўзининг бутун тарихи давомида партия сафларини тўлдиришнинг сифатини оширишга алоҳида аҳамият бериб келди.

Ўтган йилдан бошлаб область партия ташкилотлари партияга янги аъзоларни қабул қилишни деярли икки баравар қисқартирдилар. Лекин бу уларнинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатмади. Бу билан ленинчи хулоса яна бир бор тасдиқланди. Партия ташкилотларининг кучи ва жанговарлигини коммунистларнинг сони эмас, балки, аввало, уларнинг сифат состави, ғоявий-сиёсий ва ахлоқий қиёфаси белгилайди.

Ҳозирги босқичда, чамаси, партияга қабул қилишни шундай даражада олиб бориш мақсадга мувофиқки, у халқ хўжалигининг энг муҳим участкаларида партия таъсирини кучайтириш имконини берсин.

Ўтмиш хатоларидан сабоқ чиқариб ва область партия ташкилоти ривожи ва мустаҳкамланишининг етилган эҳтиёжларини ҳисобга олиб, область партия комитетининг VII пленуми **партияга танлаб олишнинг икки йиллик системаси** мажбурий бўлиши лозимлигини тасдиқлади.

Ўрта ва олий мактабни қайта қуришнинг боришини муҳокама қилган КПСС Марказий Комитетининг февраль (1988 йил) Пленуми кўрсатмаларидан келиб чиқиб, биз педагогик коллективлар, ижодий союзлар, маданият ташкилотларида партия сафларини мустаҳкамлашга бирмунча кўпроқ эътибор беришимиз зарур.

Партия сафларини тартибга солиб туриш механизми меҳнат коллективларининг интернационал структурасини назарда тутиши, халқ хўжалигида банд бўлган хотин-қизларни ҳисобга олиши керак.

Областнинг кўпгина партия ташкилотлари партияга якка тартибда танлаб олишнинг бутун системасини янги мазмун билан бойитишга, уни КПСС Уставининг ўсган талабларига тўла мувофиқ ҳолга келтиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Бу системанинг энг муҳим бўғинларидан бири КПССга қабул қилиш тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилувчи йиғилишлардир. Ўтган партияга қираётганларга нисбатан талабчанликни кучайтиришнинг таъсирчан мактабидир.

Асосан партияга қабул қилиш бўйича ҳамма йиғилишлар очиқ равишда ўтказилмоқда, бу партияга қираётганлар тўғрисида фақат коммунистларгина эмас, шу билан бирга партиясизларнинг ҳам фикрини тўлиқроқ ҳисобга олиш имконини бермоқда.

Умуман, партияга қираётганларнинг бирмунча тўлиқ характеристикаси, уларни объектив тавсия этиш, **партиясиз ўртоқлар фикрини ҳисобга олиш** масалалари партияга қабул қилиш чоғида энг муҳим моментлардан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Кейинги пайтда нообъектив рекомендация берганлиги учун, **партияга кандидатликка қираётган кишига ёки ёш коммунистга кандидатлик стажини ўташ пайтида ёрдам бермаганлиги учун коммунистларга нисбатан талабчанлик** анча кучайди. 1987 йил давомида 450 нафар партияга кандидат КПСС аъзолигига қабул қилинмади. Оқибатда уларга тавсия берган 430 коммунистга партиявий жазо берилди. Шуни айтиш керакки, илгари бундай ҳоллар бизда жуда камдан-кам учрарди.

Бошланғич партия ташкилотларида партияга кандидатларни қолоқ коллективларга ишга юбориш билан синаб кўриш формаси кўпроқ қўллана бошланди. Ўтган йили партияга кандидатликка қабул қилинганларнинг ҳар олтидан бири қолоқ ёки ишнинг бирмунча мураккаб участкаларига юборилди.

Партияга янги қабул қилинганларни тарбиялаш ишида область партия ташкилоти КПСС Марказий Комитетининг кўрсатмаларига қатъий амал қилиб, ҳар бир партия ташкилотида кандидатларнинг ўз стажини қандай ўтаётганлиги тўғрисидаги ҳисоботларини мунтазам эшитиб бормоқда. Биргина ўтган йилнинг иккинчи ярмида 2230 ҳисобот тингланди. Бу бутун 1986 йилдагидан икки баравар кўпдир. Биргаликда ҳисоботларни: кандидатлар ва уларга рекомендация берган коммунистларнинг ҳисоботларини тинглаш ҳам йўлга қўйилган.

Ёш коммунист мактабини ташкил этишга янгича ёндашув ҳам ана шу мақсадларга хизмат қилади. 6 та шаҳар ва район партия комитетида туғилган ва синовдан ўтган мактабларнинг янгича иш формаси эндиликда ҳамма жойда қўлланилмоқда. Унинг моҳияти шундан иборатки, тингловчиларнинг ўқув группалари кварталда бир марта, КПСС аъзолигига кандидатлардан улар партияга киришига қараб комплектланмоқда, машғулотлар эса календарь йили давомида узлуксиз турқум бўйича олиб борилмоқда. Ўқув жараёни асосан КПСС Программаси ва Уставини ўрганишга қаратилган.

Партия сафларини ўстириш ва мустаҳкамлаш, ёш коммунистларни тарбиялаш билан боғланган ҳамма масалаларда партия ташкилотларининггина эмас, **шу билан бирга, секретарларнинг** ҳам роли ортиб бормоқда.

Коммунистларнинг меҳнат коллективлари иқтисодий ва социал ҳаёти ҳамма соҳаларида роли ва обрўсини ошириш вазифасини **кадрлар сиёсатига ёндашувларни** ўзгартирмай туриб, рўёбга чиқариб бўлмайди. Бу тадбирларнинг бутун бир системаси бўлиб, унга фақат зарур сифатларга эга бўлган қобилиятли истиқболли ходимларни ўрганиш ва танлашгина эмас, айни вақтда уларни назарий билимлар ва амалий тажриба билан қуроллантириш ҳам киради. Ўзини қуйи партия бўғинларида яхши томондан кўрсатган ва юқори лавозимларга кўтариш учун резервга киритилганлар аппарат иши мактабини ўтамоқдалар. Кадрлар резерви билан ишлашдаги расмиятчилик ва турғунликни бартараф этиш учун резервдагиларни вақти-вақти билан мажбурий янгилаб туриш, ишончни оқламаганларни резервдан ошкора чиқариш жорий этилмоқда. Бу ўз навбатида катта тарбиявий аҳамиятга эгадир, раҳбар ходимларни танлашда йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоликлардан халос бўлишга ёрдам беради.

Меҳнат коллективлари ўз раҳбари тўғрисидаги масалани ўзлари ҳал қилаётган жойлар тобора кўпайиб бормоқда. Бир неча номзоддан овоз бериш йўли билан турли даражадаги 5 минг раҳбар сайланди. Ишлаб чиқариш соҳасидаги кадрларни конкурс билан танлаб олиш практикаси қарор топмоқда. Пленумларда демократик асосда шаҳар, район партия комитетларининг беш нафар секретари, тўрт нафар бўлим мудири сайланди ва тасдиқланди. Бу форма совет ва комсомол раҳбар ходимларини сайлашда ҳам қўлланилмоқда.

Область партия ташкилотида кадрлар сиёсатини амалга оширишга самарали ёндашувнинг фундаментал асоси демократик негизда **кадрлар резервини шакллантириш** бўлиб қолди.

Раҳбарлик лавозимларига партиясиз активларни кўтариш юзасидан кенг имкониятлар очилди. Ҳозирги вақтда областда меҳнат коллективлари томонидан сайланган 670 дан ортиқ партиясиз раҳбар ўз вазифаларини муносиб бажариб келмоқда, уларнинг ҳар бешдан бири биринчи шахс ҳисобланади.

Шунга қарамай, кадрлар билан ишлашда бизда дадил, қатъий ҳаракатлар етишмаяпти. Айниқса, раҳбарлик ишларига хотин-қизларни кўтаришда шундай бўлмоқда. Ҳатто, енгил саноат, соғлиқни сақлаш, маориф, савдо ва маиший хизмат каби нуқул хотин-қизлардан иборат коллективларда ҳам аёл раҳбарлар ҳозирча кам.

Кўпчилик шаҳар ва район партия комитетларида лавозим номенклатурасининг ҳаддан ташқари кенгайиб кетганлиги оқибатида кадрлар корпусини тартибга солиш механизми роль ўйнамай қолди. Агар область партия комитети номенклатурадаги кадрларни тартибга солган ва қисқартирган бўлса ҳам, барча шаҳар ва район партия комитетлари лавозимларни қайта кўриб чиққани, уни қайта қуриш ва социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришнинг энг асосий талабларига мослаштиргани йўқ. Партия комитетларида, бошланғич партия ташкилотларининг партия бюроларида лавозимлар номенклатураси бўлишининг мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисидаги масала ҳам шу билан узвий боғланган. Бизнингча, шундай наменклатуранинг бўлиши меҳнат коллективларида кадрлар билан ишлашнинг аҳволи устидан анча таъсирлироқ назоратни олиб бориш, ошна-оғайнигарчилик ва қариндош-уруғчиликни, мансаб мавқеини суиистеъмол қилишларни бартараф этиш имконини берган бўлар эди.

Шаҳар ва район партия комитетлари бу ишда анча манфаатлироқ позициями эгаллашлари, бошланғич партия ташкилотларига халқ хўжалиги олдида турган вазифаларнинг мураккаблигига, партиянинг социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришга қаратилган бош йўлига мувофиқ кадрлар резервини шакллантиришда ёрдам беришлари керак.

Коммунистларнинг ишлаб чиқариш ва жамоат ҳаётида авангардлик ролини ошириш юзасидан КПСС Марказий Комитети қароридан келиб чиқадиган вазифалар орасида **идеологик фаолиятни** янада чуқурлаштириш ва ҳар томонлама **такомиллаштириш** ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Онгни қайта қуриш — ўзгаришлар ясаш ишидаги энг мураккаб муаммодир.

Область партия ташкилотида бу йўналишда айрим қадамлар қўйилди. Партия ишининг идеология ва экономика, идеология ва маданият, идеология ва фан-техника тараққиётини ривожлантириш каби муҳим таркибий қисмлари ўзаро боғлиқликда кўриб чиқиладиган бўлиб қолди. Шаҳар ва район партия ташкилотларининг ярмида партия ўқуви системасида эксперимент олиб борилмоқда.

Оммавий-сиёсий ишлар практикасини қайта кўриб чиқиш, унинг ташкилий структурасини такомиллаштириш ва агитация бўғинларининг вазифаларини аниқлаб олиш тадбирлари кўрилмоқда. Агитация-оммавий ишлар маркази, асосан, тарбиявий таъсирдан четда қолган кишилар даврасига кўчирилмоқда. Ҳар бир коммунист ўзи истиқомат қилаётган жойда агитатор бўлиши, эскилик қолдиқларига қарши муросасиз кураш олиб бориши керак. Сир эмаски, гапи бошқа-ю, яқин кишилар атрофида қиладиган ишлари бошқа одамлар партия аъзолари орасида ўзи учраб турибди.

Айрим коммунистларнинг иккиюзламачилиги, айниқса, динга муносабатда яққол намоён бўлмоқда. Партия аъзоларининг анчагина қисми атеистик ишда шахсан иштирок этишдан четга чиқиб қолмоқда, аҳоли олдида мусулмончилик ақидалари ва бошқа дин сарқитларини ошкора танқид қилишдан юз ўгирмоқдалар.

Феодал-бойлар ахлоқи, патриархал одатларга, айниқса, қишлоқда оилада хотин-қизларни камситиш ҳолларига қарши ниҳоятда бўш, журъатсиз кураш олиб борилмо

ПАРТИЯ АЪЗОСИНИНГ СОФ ВА ҲАЛОЛ ҚИЁФАСИ УЧУН

(Давоми. Бошн 3-бетда).

Меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялаш муаммолари тўғрисида анча асосли, ҳар томонлама шуғулланиш ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керак. Бизда интернационализм анъаналари чуқур ва мустаҳкам илдиз отган. Бироқ бизнинг ютуқларимиз бу масалаларда муаммолар йўқ деган тушунчани вужудга келтирмаслиги керак, яқин вақтгача шундай деб ҳисоблаб келинган эди. Шуни айтиш керакки, кўпгина партия комитетлари ва идеология органларининг фаолиятида фақатгина аниқ система бўлмай, қайта қуриш, демократияни ва ошкораликни ривожлантириш даврида тарбиявий ишни қандай олиб бориш тўғрисида аниқ тушунча ҳам йўқ.

Ҳозирги вақтда идеология ишининг бутун комплекси кучини **шахсни шакллантириш**, ҳар бир совет кишисининг ижтимоий онги ва маънавий маданиятини шакллантиришга томон буриш зарур бўлиб қолди.

Айниқса, ёшлар, комсомол аъзоларига нисбатан шундай қилиш муҳимдир. Яқин вақтларгача яшаб келган мураккаб социал вазият ёш авлодга ҳам таъсир қилди. Лекин мамлакатда авж олиб кетган қайта ўзгартишлар йиғит-қизларнинг онги ва қалбига самарали таъсир кўрсата бошлади.

Ёшларни тарбиялаш масалаларида партия ташкилотлари зиммасига икки томонлама масъулият юклатилади. Бир томондан, биз мамлакатимизнинг муносиб гражданларини тайёрлашимиз, иккинчи томондан эса партия, бизнинг жанговар резервимиз бўлган ёшлар ҳисобига ўз сафларини кенгайтиради, янги-янги кучларни жалб қилади. Ёш авлоднинг дунёқараш тушунчалари ва маънавий қадриятларни ўзлаштириши ҳал қилувчи даражада коммунистларнинг келажак авлоди ёшларнинг ахлоқий потенциалига боғлиқдир.

Партияга қабул қилиш, коммунистларни тарбиялаш билан боғланган КПСС Марказий Комитети қарорини бажариш бўйича комплекс масалалар **оммавий ахборот воситаларн** олдига янги вазифалар қўймоқда. Бизнинг матбуотимиз ҳозирча ҳаётда юз бераётган ижобий ўзгаришлар, янгиликларни ёритиш юзасидан дастлабки қадамларнигина қўймоқда. Агар область газеталари қайта қуришга ҳалақит бераётган камчиликларни фош этиш, демократлаштиришнинг чуқурлашуви жараёнларига бирмунча кенгроқ ёндашиш йўлларини топа бошлаган бўлса, шаҳар, район газеталарининг кўпчилиги ва айниқса, кўп нусхали газеталар ҳақида ҳозирча бундай деб бўлмайди.

Журналистлар, редакцияларнинг ходимлари партия сафларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш практикасида партия ташкилотларида **пайдо бўлаётган янги тажриба куртаклари**ни **активроқ** қидириб топишлари, ёритишлари ва **тарғиб қилишлари лозим.** Уларнинг ижодий потенциалидан партия ташкилотлари фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишда, камчиликларни, консерватив фикр юритишларни кескин танқид қилиш йўлида фойдаланиш лозим. Материаллар таъсирчанлигига эришиш ғоят муҳимдир.

Бу ерда кўп нарса партия комитетларининг оммавий ахборот воситаларига раҳбарлигига боғлиқ. Қаерда партия ходимларининг журналистлар билан алоқаси йўлга қўйилган бўлса, ўша ерда яхши натижаларга эришилмоқда.

Революцион ўзгаришлар даври сиёсий жиҳатдан етук фикрлаш ва ҳаракат қилишни ўрганишни кун тартибига қўйиб, партия комитетларининг бутун иши мазмуни ва услубига принципиал тузатишлар киритмоқда.

Қайта қуришга раҳбарлик юзасидан сайлаб қўйиладиган раҳбар органлар ҳисоботлари партия ташкилотлари жанговарлигини оширишга ёрдам берувчи муҳим восита бўлиб қолди. Ҳисоботлар партия комитетлари ва бюролар фаолиятига баҳо беришда коммунистларнинг талабчанлиги ўсганлигини кўрсатди.

Шу билан бирга бўлиб ўтган йиғилишлар ва пленумлар якунларидан айрим сабоқлар чиқариш ҳам зарур. Ўз ҳисоботларида хўжалик муаммолари доирасидан ташқарига чиқолмаган, меҳнат коллективларида партиявий-сиёсий ишни ташкил этишга етарли эътибор қилмаган партия комитетлари ўз обрўларига жиддий путур етказдилар.

Кейинги вақтда партия комитетларининг фақат ишлаб чиқариш, хўжалик вазифаларини муҳокама қилиш практикасидан воз кечиш ҳоллари сезила бошлади. Турли хил йиғилиш ва мажлислар камайди. Қабул қилинаётган қарорлар сони қисқарди. Секретарлар, бюро аъзолари, область партия комитети аппарати ходимларининг жойларда бўлиш вақти кўпайди. Қўйи партия бўғинларига ёрдам кўрсатиш ишига сайлаб қўйиладиган органлар аъзолари бирмунча актив жалб қилинмоқда.

Шу билан бирга сайлаб қўйиладиган партия органлари ва уларнинг аппаратлари инерциядан, консерватизмдан, тадбирбозликдан ҳали ҳам секинлик билан халос бўлмоқдалар. Бошланғич партия ташкилотларида ҳам ҳамма иш силлиқ кетяпти, деб бўлмайди.

Биз партия XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қўйган вазифаларни, Тошкент область партия ташкилоти бўйича партия Марказий Комитетининг қароридан келиб чиқадиган вазифаларни ҳал этишда олға силжиш учун кўп куч-ғайрат сарфлашимиз, қизғин ижодий меҳнат қилишимиз, активлик кўрсатишимиз керак.

ПАРТИЯ САФЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ, БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ЖАНГОВАРЛИГИНИ ОШИРИШ—ҲОЗИРГИ КАДРЛАР СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛЛАРИ

П. В. ДОГОНКИН,

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири

Қайта қуриш ҳаётимизнинг барча соҳаларини революцион янгилаш, демократлаштириш, тубдан иқтисодий ислоҳот, янги хўжалик механизмини ўзлаштириш йўлида пайдо бўлаётган катта вазифаларни ҳал қилишнинг янги йўллари, янги усулларини қидириб топиш ташаббусини ўз зиммасига олган партиянинг куч-ғайрати, собитқадамлиги, ўзининг намуна кучи билан белгиланади. Партия барча бўғинлари ишининг мазмуни, фаолиятининг усуллари олдимизда турган вазифаларнинг характери, чуқурлиги, миқёслари ва янгилигига тўла равишда мос бўлиши жуда муҳимдир.

Ҳамма эскилик ва ўз умрини тугатган нарсаларни бартараф этиш, ҳаётимизда актив тарзда топаётган кенг демократлаштириш ва ошкоралик, партияга аъзоликнинг ленинча принциплари янги, янада чуқурроқ мазмун билан тўлаётган шароитларда партияга сиёсий актив, коммунистик эътиқодли, ахлоқий соф ва социализмни янгилаш, қайта қуриш учун довюрак жангчилар керак. Барча бошланган ишларимиз ва планларимизнинг тақдири ҳал қилувчи даражада бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлиги ва ташаббускорлигига, уларнинг кишиларни ҳаётни революцион янгилаш учун ўз ортидан эргаштириб бориш қобилиятларига боғлиқдир.

КПСС Марказий Комитети ўтган йили худди шу позициялардан туриб Тошкент область партия ташкилоти ишини кўриб чиқди. Бу масала бўйича қабул қилинган қарорда партия ташкилотлари ҳаётидаги турғунлик ҳолатларининг, характери ва сабаблари чуқур ва объектив таҳлил қилинди, партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш ишидаги катта камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этиш юзасидан аниқ чоралар белгиланди.

Бугунги илмий-амалий конференцияда биз дастлабки натижаларни якунлашимиз, КПСС Марказий Комитетининг қарорини бажариш юзасидан иш аҳволига аниқ баҳо беришимиз, бундан кейинги истиқбол учун амалий тавсияларни ишлаб чиқишимиз лозим.

Область партия комитетининг секретари ўртоқ Т. А. Алимовнинг докладида КПССга танлаш ва унинг составини мустаҳкамлаш практикасини такомиллаштириш бўйича область партия ташкилотининг фаолияти ҳар томонлама таҳлил қилиб берилди. Областда партия ички ҳаётининг бу муҳим участкасида қайта қуришнинг эътиборга лойиқ муайян тажрибаси тўпланди.

КПСС Марказий Комитетининг қарори умуман республика партия ташкилоти учун ҳам принципиал аҳамиятга эгадир. КПСС сафларига қабул қилишни асосиз тезлаштириш, партия аъзолигининг ленинча принциплари ва индивидуал танлаш нормаларини инкор этиш республикадаги барча область, шаҳар ва район партия комитетлари учун амалда характерли эди. Биз бу ва шунга ўхшаш камчиликлар, бузилишларни бартараф этмасдан туриб, аҳволни соғломлаштириш жараёнининг қайтарилмаслигига ишона олмас эдик. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотларининг куч-ғайратини партия сафларини бундан буён тўлдириш учун танлашнинг бутун системасини расмиятчилик ва бош-бошдоқлик қурумидан табиий тозалашга йўналтирмоқда. Марказий Комитет бу ишга республика партия ташкилоти барча бўғинларининг жанговарлигини, ташаббускорлигини оширишнинг муҳим омили деб қарамоқда.

Бу муҳим масала Марказий Комитет пленумида, республиканинг барча партия ташкилотларида кўриб чиқилди, ҳамма жойда патияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш ишидаги катта камчиликларни бартараф этиш юзасидан тадбирларнинг комплекс планлари ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

Амалга оширилган ишларнинг дастлабки натижалари қандай бўлди?

Область комитетлари КПСС сафларига қабул қилинаётганларнинг механик равишда тартибга солиш, миқдор ва социал составини қаттиқ чеклашдан воз кечдилар, шаҳар ва район партия комитетларига бу масалаларни мустақил равишда ҳал қилиш ҳуқуқи берилди. Комсомол орқали ёшларни қабул қилиш 8 процент қисқарди. 1987 йилда қабул қилинганларнинг ярмидан кўпроғи кадр ишчиларидир, совхоз ишчилари ва колхозчилар ўртасида эса бу асосан чорвачиликда ва деҳқончиликда банд бўлган механизаторлардир.

Инженер-техник ходимлар, ўқитувчилар, врачлар, фан ва маданият арбоблари ўртасида партия ядросини мустаҳкамлашга кўпроқ эътибор берила бошланди. Республика бўйича КПССга қабул қилинганлар составида халқ хўжалиги мутахассисларининг сони 27,5 процентдан 29 процентгача ошди. Шуниси принципиал муҳимки, бундай натижага КПСС Уставининг биринчи параграфида берилган ҳуқуқларни шаҳар ва район комитетлари даражасида илгари амалда бўлган чеклаш йўли билан эмас, аввало, бошланғич партия ташкилотларининг бу ишни йўлга қўйиш учун масъулиятини ошириш ҳисобига эришилди.

Партия ташкилотларида ўсиш базасини яратиш, ўз тақдирини партия билан боғлашни истаганларни танлаш жараёнларини демократлаштириш бўйича шунга мувофиқ чоралар кўрилди. Тошкент область партия ташкилотларининг КПСС аъзолигига бўлажак кандидатлар резервини ошкора танлаш, партия комитетлари ва партия бюролари ҳузурида аризаларни олдиндан кўриб чиқиш бўйича штатсиз партия комиссияларини, бўлажак коммунистлар мактабларини ташкил этиш бўйича тажрибаси Қорақалпоғистон АССР, Бухоро ва Жиззах областлари партия комитетларида қўллаб-қувватланмоқда ва тобора кенг ёйилмоқда.

Партия сафига кирмоқчи бўлганларнинг аризаларини партия группалари ва цех партия ташкилотларида муҳокама қилиш қоидага айланиб қолди. Навоий областида ўтган йили партия кандидатлигига қабул қилиш билан боғлиқ бўлган барча масалалар қўйи бўғинлар орқали кўриб чиқилди. Республикада КПСС сафига қабул қилиш бўйича ҳар ўн иншинг саккизтаси очиқ партия йиғилишларида Бухоро, Жиззах, Наманган, Хоразм областларида эса 95—100 процента очиқ партия йиғилишларида муҳокама қилинди. Рекомендация берувчиларнинг масъулиятини оширишга қаратилган чоралар кўрилди. 1987 йилда КПСС аъзолигига номзодларнинг шахсий ишини кўриб чиқишда уларга рекомендация берган 600 га яқин коммунист партиявий жавобгарликка тортилди.

Кишиларни уларнинг бўлажак лавозимга тайинланиши муносабати билан партияга қабул қилишни боғлашга уринишларнинг олди олинмоқда. Бу масалада Тошкент область партия ташкилоти яхши намуна кўрсатмоқда. Ҳозирги вақтда область партия комитетлари номенклатурасига киручи лавозимларда 668 нафар партиясиз ишламоқда, шу жумладан, 193 киши корхона ва ташкилотлар раҳбарларидир, 43 киши советлар, 19 киши касаба союз ва 77 киши комсомол ходимларидир.

Шаҳар ва район партия комитетлари ҳузуридаги партия комиссияларининг роли ва масъулияти сезиларли даражада ошди. Улар партияга қабул ва коммунистларнинг шахсий иши масалаларини тез-тез жойларга бориб, партиянинг оддий аъзолари билан кўпроқ маслаҳатлашиб ўрганадиган бўлиб қолдилар. Жиззах, Навоий, Самарқанд ва Хоразм областларининг партия комиссиялари ҳар уч шахсий ишнинг бирини, партияга қабул қилиш бўйича ишларнинг 30—40 процентини жойларга бориб кўриб чиқмоқдалар.

Амалга оширилган тадбирлар натижасида республика партия ташкилотида партия сафларини ўстиришни тезлаштиришни муайян даражада тўхтатишга эришилди. КПСС аъзолигига қабул қилиш тўртдан бир баравар қисқарди. Бунда патиянинг синфий ва социал состави ҳақидаги талабларга асосан риоя қилинди, қабул қилинаётганлар орасида ишчилар ва колхозчиларнинг нисбати илгариги даражада қолди, бу уларнинг халқ хўжалигида банд бўлганлари сонига мувофиқдир.

Биз эндигина дастлабки қадамлар қўйдик. КПСС Марказий Комитетининг қарорида кўрсатилган катта камчиликларни бартараф этиш бўйича иш сust олиб борилмоқда. Шундай бўлгач, партия комитетлари бу қарорни амалга ошириш бўйича ташкилий ва сиёсий ишни анча кучайтиришлари лозим.

Биринчи навбатда партия сафларини ўстиришни тезлаштириш механизмини қаттиқ тартибга солишни охиригача етказиш лозим. Партия аъзолигига бўлажак кандидатларнинг резервини ошкора шакллантириш негизида КПСС сафларига танлашни **тартибга солишнинг янги механизмини** шакллантириш ҳам кам аҳамиятга эга эмас. Бу йиғилишда муайян тажриба ҳозирдаёқ тўпланди, эндиликда уни янада мустаҳкамлаш, барча партия комитетлари ва ташкилотларининг мулкига айлантириш лозим.

Бошланғич партия ташкилотларининг роли ва масъулиятини ошириш барча бу вазифаларни **ҳал қилишнинг асосий воситаси** бўлиб қолиши керак. Бу ташкилотларнинг қайта қуришнинг барча йўналишларидаги жанговарлигини кучайтириш даркор. КПСС Марказий Комитетининг қарорини бажариш юзасидан ишнинг бошланиши шуни кўрсатдики, қуйи партия бўғинларига раҳбарлик қилишнинг шакллари ва усулларида инерцияни бартараф этиш ниҳоятда муҳимдир.

Сайланган органларнинг ўтган ҳисоботлари янги куч билан шуни тасдиқладики, бугунги кунда биз бошланғич партия ташкилотлари ишига йиғилишларнинг вақтида ўтказилиши, аъзолик бадаллари тўланиши ва ахборотларни бериб туришига, бу муҳим бўлса ҳам, қараб эмас, аввало, коллективдаги ҳақиқий обрўси, жанговарлиги, ишнинг актив форма ва усулларини излаши ҳамда фойдаланишига қараб баҳо беришимиз керак.

Афсуски, биз ҳозирча кўпинча, тескари аҳволни кўраяпмиз. КПСС Марказий Комитетининг секретари Г. П. Разумовский яқинда Ўзбекистонда бўлган вақтида биз ҳали кўпчилик партия ташкилотларининг, айниқса кам сонли партия ташкилотларининг турғунлик, бефарқлик, хотиржамлик ва сусткашлик билан курашида потенциалини рўёбга чиқаришга эришмаганлигимизни ниҳоятда одилона таъкидлади. Бошланғич ташкилотларнинг кўпчилиги ҳали ҳам эскича ишламоқда, нўноқ раҳбарларнинг хўжасизликлари билан муроса қилмоқда, уларга эргашмоқда.

Бугун бошланғич партия ташкилотлари ишини қайта қуришдаги энг муҳим нарса нима?

Аввало шуни айтиш керакки, ҳар бир партия ташкилотида ишнинг жонли жўшқинлик услубини, принципиаллик ва талабчанлик, конструктив танқид ва ўз-ўзини танқид ҳолатида сўз ва ишнинг бирлигини ҳар томонлама таркиб топтириш учун куч-ғайратни марказлаштиришдир. Уларнинг ҳар бирига қайта қуриш жараёнларидаги ўз ўрнини белгилашда ёрдам кўрсатиш лозим.

Бунинг учун шаҳар ва район партия комитетлари аппарати ишини ташкил этишни қатъий кўриб чиқиш лозим. Вазифа фақат шундай қўйилиши мумкин — партия комитетининг ҳар бир секретари, бўлим мудири, инструктори **ўз иш вақтининг камида ярмини** бошланғич партия ташкилотларида ва меҳнат коллективларида ўтказишлари лозим. Бунинг устига уларнинг ҳаёти билан боғлиқ бўлган барча масалаларни ҳал этишда фаол қатнашиши, уларнинг муаммоларини чуқур ўрганиши, уларнинг активи ва секретарларига таъсирли амалий ёрдам кўрсатиши лозим.

Қайта қуришнинг қудратли резерви ҳисобланган **сайланган партия активини** ишга жалб қилишга амалда киришиш вақти келди. Шаҳар ва район партия комитетларининг, бошланғич партия ташкилотлари партия комитетлари ва партия бюроларининг ҳар бир аъзоси аниқ партия топшириғини бажариши, партия иши практикасини ўрганиш ва умумлаштиришда, қабул қилинаётган қарорларни ижросини назорат қилиш ва уюштиришда фаол иштирок этиши қоида бўлиб қолиши лозим. Бу ишга **оддий коммунистларни ҳам** кенг жалб этиш керак.

Шу муносабат билан **жанговарлик кўригига** катта вазифалар юкламоқдамиз. Ҳозирги вақтда бу кўрик Фарғона области партия ташкилотлари негизида яна кенг ёйилмоқда. Жанговарлик кўриги қайта қуриш ва жадаллаштириш масалаларини муваффақиятли ҳал этишга, барча коммунистларни амалда сафарбар этишнинг ишончли ва таъсирчан механизми бўлиши, партия аъзолари, аъзоликка кандидатлар ва барча меҳнаткашларни кенг демократия шароитида яшаш ва актив ишлашга ўргатишга хизмат қилмоғи керак.

Тошкент область партия ташкилотида **коммунистларнинг аттестацияси** бундай кўрикнинг формаларидан бири сифатида намоён бўлмоқда ва эътиборга сазовордир. Аттестация коммунистларнинг авангардлик ролини ва тошширилган иш учун масъулиятини оширишга, партия ташкилотларининг ўзларини обрўсизлантириб қўйган шахслардан холос бўлишига ёрдам беради

Коммунистларга КПСС Устави ва ўз вазифаларини бажариш учун талабчанликни ошира бориб, ҳар бир партия ташкилотида шундай вазиятни яратишга эришишимиз керакки, у **КПСС аъзолигига кандидатлар ва ёш коммунистларнинг** партия сафларида бўлишларининг биринчи кунлариданоқ **ишга актив киришишларига** энг яхши даражада ёрдам берсин.

Бугунги конференцияда қилинган докладларда **ёш коммунистлар мактаби** орқали партия аъзолигига кандидатларни сиёсий ва ғоявий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, партия топшириғига бўлган масъулиятни ошириш бўйича тўпланган дастлабки тажрибалар баён этилди. Бундай тажрибалар республиканинг бошқа партия ташкилотларида ҳам кўзга ташланмоқда. Кейинги пайтларда тематик кечалар, давра суҳбатлар, партия ва меҳнат ветеранлари, партия ва совет органлари раҳбарлари билан учрашувлар тез-тез ўтиб турибди. Партия аъзолигига кандидатларнинг ҳисоботлари мунтазам тарзда тинглаб борилаяпти. Партияга қабул бўйича аризаларни кўриб чиқишда бошланғич партия ташкилотларининг принципиаллиги ортди. Биргина Тошкент области партия ташкилотлари бўйича ўтган йили 104 кишини партия аъзолигига кандидатликка қабул қилишдан воз кечилди. Бинобарин, яқин-яқинларгача республикада бундай ҳоллар жуда ҳам кам учрарди. Бир сўз билан айтганда бошланғич партия ташкилотлари ёш коммунистлар тарбиясига эндиликда расмиятчилик билан қарамайдиган бўлиб бораяптилар.

КПСС Марказий Комитетининг Тошкент область партия ташкилоти бўйича қарорини бажариш юзасидан дастлабки якунлар ва бу ишни янада кенгайтириш вазифалари тўғрисида гапирганда шуни таъкидлаш керакки, бу иш анча кенг аҳамиятга эгадир, у партияга қабул қилишни такомиллаштириш, партия ташкилотлари сафларини мустаҳкамлаш ва уларнинг жанговарлигини ошириш доирасидан четга чиқади. Аслини олганда шундай механизм ишлаб чиқилмоқдаки, бу механизм бизнинг ташкилотчилик ва сиёсий фаолиятимизнинг барча йўналишларида ва аввало, партиявий раҳбарликнинг энг асосий ҳал қилувчи бўғини **кадрлар билан ишлашимизда** сезиларли даражада **олға силжишимизга** имкон беради.

Бу соҳада ҳозиргача қандай ишлар қилинди?

Сўнгги йилларда кадрлар корпусини жиноятчи ва ўз обрўсини туширган шахслардан тозалаш, партия, совет, хўжалик раҳбарлигининг барча участкаларини партия ишига содиқ, ҳалол кишилар билан мустаҳкамлаш юзасидан анчагина ишлар қилинди. Бу ишнинг миқёслари, ўткирлиги бу ердаги активга яхши маълум. Биз унинг натижаларини аввало ижобий ўзгаришларда, республикада маънавий-сиёсий вазиятнинг соғломланишида ҳис қилмоқдамиз.

Келинг, қуйидаги масалалар устида ўйлаб кўрайлик. Биз кадрлар сиёсатида ошна-оғайнигарчилик, ҳамюртлик, раҳбарларни шахсий содиқлик ва қариндош-уруғчилик принципи бўйича юқори лавозимларга кўтариш каби ёт иллатларни таг-томири билан йўқ қилиш учун ҳамма ишни қилдикми? Биз ишончли ҳимоя механизмини яратдикми? Бу саволларга фақат ижобий жавоб бериш учун, афсуски, бизда асос йўқ.

Агар очиқ гапирадиган бўлсак, фақатгина қилмаслигимиз мумкин бўлмаган ишни қилдик, қурумлар ва салбий ҳамда турғунлик ҳолатларидан холос бўлдик. Албатта, бундан уч йил олдин қўйилган бу вазифа кўп жиҳатдан ҳал қилинди, бироқ, ҳушёрликни сусайтирмаслик керак. Бунинг устига бу участкада ҳали ҳам камчиликларга, сусткашликларга кўпинча ўз обрўсини йўқотган ходимлар ишлашига кўрабила туриб йўл қўйилмоқда.

Бу кўп томондан Тошкент область партия комитетларига хосдир. Область партия комитети номенклатурасидаги тўртдан бир қисмдан ортиқроқ ходимлар 1984—1987 йилларда суиистеъмолликлари ва бошқа хатти-ҳаракатлари учун лавозимларидан бўшатилган эдилар, улар эгаллаб турган лавозимларига ўхшаш ёки ундан пастроқ лавозимларга ўтказилди. Масалан, қуёш нуридан муҳофаза қилиш қурилмалари заводининг собиқ директори А. А. Аветисов ўзининг хизмат лавозимини суиистеъмол қилгани учун 1984 йилда ишдан бўшатилган ва қаттиқ партия жавобгарлигига тортилган эди. Ҳозир эса у «Узбеккинодеталь» заводида директор бўлиб ишлаяпти. Молиявий интизомни бузганлиги ва ўз мансабини суиистеъмол қилганлиги учун Тошкент шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари вазифасидан озод қилинган С. Т. Алиев орадан кўп вақт ўтмай республика ҳунар-техника таълими Давлат комитетида бошқарма бошлиғи қилиб тайинланди. Ўз обрўсини йўқотган ва шу сабаблар бўйича лавозимидан озод қилинган Ғалаба район ижроия комитети раисининг собиқ ўринбосари Ҳ. Р. Аҳмедов ўз вақт оддий ишда ишлагач, агросаноат ходимлари касаба союзи район комитетининг секретари қилиб сайланди.

Сўнгги уч йилда фақатгина область прокуратурасининг маълумотларига кўра жиноий жазоланиши лозим бўлган 140 нафардан ортиқ коммунист у ёки бу сабаблар билан жиноий жавобгарликдан озод этилдилар. Бироқ, фақатгина улардан уч кишига нисбатан партиявий жазо чоралари кўрилди.

Ўз обрўсига путур етказган ва шу муносабат билан кейинги уч ярим йил мобайнида ишдан озод қилинган Марказий Комитет номенклатурасидаги собиқ 45 ходим ва область партия комитети номенклатурасидаги собиқ 110 ходим ҳамон масъулиятли ва раҳбарлик лавозимларини эгаллаб турибди.

Энг аввало, шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари бу масалаларда қатъий партиявий позицияни эгаллашлари, ўзини обрўсизлантирган, топширилган ишни барбод этган ходимларни фақат оддий хизматларга юбориш устидан назорат қилишлари, йўл қўйилаётган камчиликлар учун уларни жавобгарликдан сақлаб қолишга ҳаракат қилиб, «иссиқ жой» ҳозирлашга бўлган ҳар қандай уринишларга кескин қарши туришлари зарур.

Ўтган даврда республикада партия, совет, хўжалик ташкилотларини мустаҳкамлаш мақсадида мамлакатнинг турли регионларидан салкам 400 ходим юборилди. Қисқа вақт ичида улар маҳаллий кадрлар ва меҳнаткашлар билан ҳамкорликда интизомни, уюшқоқликни мустаҳкамлаш, республикани иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг етилган масалаларини ҳал қилиш бўйича актив чораларни амалга оширдилар.

Республика партия, совет ходимларининг марказий регионларда ва йирик партия ташкилотларида бир-икки йил давом этадиган стажировкаси бошланди. Тингловчиларни мамлакатнинг етакчи олий партия юртларига қабул қилиш кенгаймоқда. Ҳозир бундай мактабларда республиканинг 200 дан ортиқ вакили таълим олаяпти.

Кадрлар резерви ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Сўнгги вақтларда бу ишда муайян ижобий силжишлар бўлмоқда. Тошкент областининг айрим партия комитетлари, Навоий областининг Хатирчи район партия комитети, республиканинг бошқа партия ташкилотлари бу масалаларда ижобий тажриба тўпладилар.

Бироқ, замон талаблари бўйича гапирадиган бўлсак, бу ишни ҳали биз тўла йўлга қўйганимиз йўқ. Бугунги ҳаёт, қайта қуриш практикаси биз кадрлар резерви билан ишлашда расмиятчиликдан қатъий халос бўлишимиз, ҳар бир партия ташкилотида ва меҳнат коллективида жонли ташкилотчилик ишини олиб боришимиз ёш, истиқболли, ўсадиган, амалда қайта қуришнинг прораблари бўлишига қодир ходимларни амалий кўникмалар билан қуролантириш, ўқитиш бўйича жонли ташкилотчилик ишига ўтишимиз керак.

Кадрлар составини тозалаш қатори уни янги кучлар билан мустаҳкамлашда кадрлар билан ишлашнинг ягона системасини яратиш вазифаси муҳим аҳамиятга эгадир. Бу шундай механизм бўлиши керакки, у на фақат йўл қўйилган камчиликлар ва бузилишларнинг такрорланиши имкониятларини бартараф этибгина қолмай, айни вақтда барча даражадаги ходимларни қайта қуриш шароитларида янгича, ижодий юксак куч-ғайрат билан ишлашга бўлган интилишини кучайтирсин.

Бу йўлда нима қилинмоқда?

Ҳамма жойда партия комитетлари кадрлар билан ишлашнинг барча категориядаги раҳбарларни ошкора юқори лавозимларга кўтариш, сайланган органлар олдида ва партия йиғилишларида уларнинг ҳисоботларини тинглаш каби формаларини тобора кўпроқ практикага жорий қилмоқда. Ўтган йилдан бошлаб барча даража ва бўғин раҳбарларини сайлаш практикаси кенгаймоқда.

Бироқ, кўпгина партия комитетлари ва партия ташкилотлари кенг демократия шароитларида ишлашга ҳали тайёр эмасликлари маълум бўлиб қолмоқда. Улар меҳнат коллективларига айрим ҳолларда ўз таъсирларини ўтказа олмаяптилар. Биз ҳозир халос бўлишга интилаётган қариндошуруғчилик, юртдошлик каби ярамас одатлар бўйича ўзига «қулай» одамни кўтаришга бўлган уринишлар йўлига мустаҳкам ғов сола олмаяптилар.

Биз кадрлар билан ишлашдаги демократик формаларни расмиятчилик сарқитларидан қатъий тозалашимиз, уларни замон талабларига жавоб берувчи мазмун билан тўлдиришимиз керак. Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги қонуннинг кучга кириши билан раҳбарларни сайлаш билан боғлиқ бўлган бутун вазифалар комплексини амалда ҳал қилиш биринчи планга сурилади. Бошланғич партия ташкилотлари биринчи навбатда қайта қуришнинг ҳал қилувчи босқичларида меҳнат коллективлари юксак малакали, принципиал, фидокор, партия ишига содиқ, унинг қарорларини ҳаётга ишнинг кўзини билиб татбиқ қилишга қодир кишиларни сайлашларини таъминлаш учун жавоб берадилар.

Биз кадрлар билан ишлар эканмиз, бу масала барча тия бўғинларида, республика экономикаси ва социал ҳ нинг барча соҳаларида қайта қуриш учун ҳал қилувчи миятга эга эканлигини эътиборда тутишимиз керак. нуқтаи назардан КПСС Марказий Комитетининг «Партия... қабул қилиш ва патия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент область партия ташкилотининг ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қарори талаблари асосида партия комитетлари ва ташкилотлари олдида қандай вазифалар турибди?

Биринчидан, бу кадрлар составини турли хил мослашувчилар ва айниқан шахслардан тозалашга қаратилган принципиал йўлни изчиллик ва қатъийлик билан ҳаётга татбиқ этишдир. Шуни доим назарда тутиш керакки, биз бу вазифани охиригача ҳал қилмасдан олға томон силжий олмаймиз, қайта қуриш жараёнларига тўсқинлик ва қаршилик қилиш механизмини бартараф эта олмаймиз.

Иккинчидан, кадрларни танлаш ва юқори лавозимларга кўтариш учун резервни шакллантиришнинг бутун системасини сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш лозим. Бу ерда, келажаги бор, юксак малакали, ижодий фикрлайдиган ва ҳаракат қиладиган ходимларни, қайта қуришни олиб боришга қобилиятли бўлган талантли ташкилотчиларни қидириб топиш бўйича жонли ишни йўлга қўйиш вазифаси олдинга сурилади.

Қисқаси, ишнинг бу участкаси бошқа соҳаларга нисбатан ўзига кўпроқ эътибор бериш ва ижодий ёндашувни талаб этади. Шуниси принципиал жиҳатдан муҳимки, резервга киритилгандан бошлаб то юқори лавозимларга тайинланишгача бўлган барча босқичларда бу ишни партия ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг фикрига суянган ҳолда ошкора, очиқ олиб бориш, кадрлар билан ишлашнинг қайта қуриш жараёнлари томонидан вужудга келган демократик тадбирларининг ҳаммасидан тўла даражада фойдаланиш лозим.

Учинчидан, бу кадрларни мунтазам тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш, уларда мустаҳкам сиёсий эътиқодлар ва қарашларни, замонавий иқтисодий фикрлашни, қайта қуриш ва туб иқтисодий ислоҳот шароитларида амалий ишлай билиш ва кўникмаларни шакллантиришдан иборатдир. Бу ишда кенг умумий иқтисодий ва ҳуқуқий таълимни ташкил этиш катта аҳамиятга эгадир. Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги қонун хўжалик ходимлари ва меҳнат коллективларига қандай ҳуқуқлар беради ва уларнинг зиммасига қандай вазифалар юклайди, бригадаларнинг вазифаси нималардан иборат, молия ва хўжалик органлари эндиликда нима билан шуғулланмоқдалар ва нима билан шуғулланадилар, фойда ва иш ҳақи қандай пайдо бўлади ва уларни оширишнинг қандай йўллари бор, брак ва шартнома мажбуриятларига риоя қилмаслик қандай зарар келтиради — бу ва шунга ўхшаш бошқа масалаларни раҳбарлар ҳам, ишчилар ҳам, партия ҳамда совет органлари аппаратлари ҳам чуқур билишлари керак. Жойларда ўқувга деярли барча категориядаги партия, совет, хўжалик кадрлари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари жалб қилиниши лозим. Бунинг устига ўқувни олимлар, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, турли соҳаларнинг етук мутахассисларини жалб қилган ҳолда юксак назарий ва профессионал даражада уюштириш лозим.

Ниҳоят **тўртинчидан**, барча раҳбар ва масъулиятли ходимларнинг фаолияти устидан назоратни изчиллик билан кучайтириш, уларнинг ҳисоботларини тинглаш давомида аниқ мазмунлар билан бойитиш, улар учун характеристикаларни тасдиқлаш, кадрлар билан суҳбатлашиш ва уларни аттестациядан ўтказишдир. Яъни, ҳар бир партия ташкилотида шундай принципиаллик ва талабчанлик вазиятини вужудга келтириш керакки, у юқорида таъкидлаб ўтилганидек, илгари вақтда йўл қўйилган нуқсонлар ва бузилишларнинг содир бўлишига имкон бермасин, барча даражадаги раҳбарларни ижодий, ташаббускорона, фидокорона ишлашга ундасин.

Шундай қилиб, биз кўрганимиздек, ҳозирги замон кадрлар сиёсатини амалга оширишнинг биринчи навбатдаги ва истиқболдаги вазифалари партия сафлари мустаҳкамлигини ва партия ташкилотларининг жанговарлигини ошириш масалалари билан боғланмасдан муваффақиятли ҳал қилиниши мумкин эмас, бу вазифалар КПСС Марказий Комитети қарори талабларини изчиллик билан амалга оширишни бош омил сифатида назарда тутади.

Республика партия ташкилоти сафларини мустаҳкамлаш, унинг барча бўғинлари роли ва масъулиятини ошириш, партия раҳбарлигини тўла таъминлаш йўли билангина биз, кадрлар партия комитетлари ва ташкилотларнинг иш услубини, партиявий таъсир воситалари ва усулларини янги ҳўжалик юритиш, демократия жараёнини чуқурлаштириш шароитларига мувофиқ тарзда жадал такомиллаштириб боришимиз зарур.

Биз КПССнинг Бутуниттифоқ XIX конференциясга тайёргарликнинг муҳим босқичида турибмиз. Маълумки, бу конференция партия XXVII съезди қарорлари амалга оширила боришини, ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи ярми асосий якунларини ва қайта қуриш жараёнини чуқурлаштириш бўйича партия ташкилотларининг вазифаларини атрофлича кўриб чиқади. Шунингдек, конференция партия ва умуман жамиятимиз ҳаётини янада демократлаштириш юзасидан тадбирлар белгилайди.

Конференциягача қолган вақт ичида бирорта ҳам партия ташк

ПАРТИЯ АЪЗОСИНИНГ СОФ ВА ҲАЛОЛ ҚИЁФАСИ УЧУН

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАЙТА ҚУРИШ ШАРОИТЛАРИДА ПАРТИЯ ЖАНГОВАРЛИГИНИ ОШИРИШДА УНИНГ СИФАТ СОСТАВИНИНГ АҲАМИЯТИ ТЎҒРИСИДА

И. Н. ЮДИН,

тарих фанлари доктори, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академияси партия қурилиши кафедраси профессори

Қайта қуриш, жамиятимизни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш шароитларида партия сафларини шакллантириш, уларнинг сифат составини яхшилаш билан боғлиқ бўлган муаммо ниҳоятда кенг қамровли эканлигини назарда тутиб, бу муаммонинг фақат қуйидаги томонлари ҳақида тўхталиб ўтишни истар эдим.

Биринчидан, турғунлик даврида сусткашлик, адашиш, партияда аъзоликнинг партия ҳаёти ва фаолиятидаги ўрни ва аҳамиятини белгилашга етарли баҳо бермаслик нимада намоён бўлганлигини кўрсатиш ва шундай вазиятда умумий формада бўлса ҳам партия ва мамлакатимиз ривожланишининг ҳозирги шароитларига мувофиқ бу муаммога янгича ёндашувнинг моҳиятини очиб бериш;

Иккинчидан, КПСС XXVII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг бундан кейинги Пленумлари томонидан қайта қуриш ва мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш вазифаларидан келиб чиқадиган талабларнинг ҳозирги замон даражасига мувофиқ партиянинг сифат состави ва уни тушунишни белгиловчи ва очиб кўрсатувчи ҳозирги замон мезонларининг ишлаб чиқилган умумлашган концепциясига эътиборни қаратиш;

Учинчидан, инсоннинг «онглилиги» тушунчасини белгилашга комплекс ёндашувнинг моҳиятини шакллантиришга уриниб кўриш, чунки бу ҳозирги шароитларда партияга қабул қилиш, коммунистлар, раҳбар кадрларнинг, барча меҳнаткашларнинг фаолиятига баҳо бериш, уларни тарбиялаш мақсадлари учун муҳим ва лозимдир;

Тўртинчидан, умуман партия сафларини янги кадрлар билан тўлдириш ва унинг состави сифатли бўлишини қандай йўллар, воситалар билан таъминлаш ва бу ишларнинг нимага боғлиқ эканлигини очиб кўрсатиш, бунда КПССга аъзолик муаммоларини ҳал қилишда қайта қуриш партияга якка тартибда қабул қилиш, унинг ўсиши ва сифат составини тартибга солишнинг тарихан таркиб топган механизмидан мазмунлироқ ва сифатлироқ фойдаланишга янгича ёндашувларнинг чуқур тушуниб етилишини ишлаб чиқишга таъсир кўрсатишга даъват этилгандир.

Партия аъзоларининг сифатли шаклланиши, унинг сафларининг ғоявий ва ташкилий мустаҳкамлиги жуда катта аҳамиятга ва масъулиятга эга бўлган ишдир. Яқин ўтмишда, яъни, турғунлик даврида партияга аъзоликнинг ўрни ва муаммоларининг аҳамиятини тушуниш, шу билан боғлиқ бўлган масалаларни амалий ҳал қилиш партиянинг айрим қисмида сусткашлик, адашиш кўпроқ таъсир кўрсата бошлади. Кўпинча бу иш яхши назарий қоидаларни ҳаммага маълум қилиш билан чекланилди. КПСС Устави томонидан партияга қабул масалаларини ҳал қилиш юзасидан бошланғич партия ташкилотларига берилган ҳуқуқлар, уларнинг ташаббускорлиги [illegible]ланиб қолди. Шуларнинг ҳаммаси коммунистларнинг ак[illegible]игига салбий таъсир кўрсатди, уларнинг масъулиятини [illegible]йтирди, партияга қабул қилиш, партия сафларини шакл[illegible]риш масалаларини муҳокама қилиш ва ҳал қилишга то[illegible], лоқайдлик билан муносабатда бўлишни вужудга ке[illegible]нди. Шунинг учун ҳам айрим жойларда партия таш[illegible]лари анчагина ёт шахслар билан тўлиб қолганлиги [illegible]ланарли эмасди.

Шунинг учун ҳам ҳаётнинг ўзи, амалиёт, қайта қуришнинг, жамиятимизни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришнинг барча мураккаб вазифалари партия аъзолиги муаммосига ҳақиқий ленинча ёндашувни тиклаш ва бойитишни қатъий талаб этмоқда.

Шуни эсдан чиқармаслик керакки, партия ички ҳаётининг барча томонлари даражаси кўп жиҳатдан партия сафларининг сифат составига боғлиқдир. Бу коммунистларнинг активлиги, барча комитетлар ва ташкилотларнинг коллегиал ишлаши, уларнинг таҳқид ва ўз-ўзини таҳқиддан оқилона фойдалана олишлари, партия ички муносабатларининг, партия ички ҳаётининг барча бошқа томонларидир. КПСС Марказий Комитетининг «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент область партия ташкилотининг ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қарорида таъкидланганидек, партияга қабул партия сафларининг, уларнинг жипслигини ғоявий-ташкилий мустаҳкамлашнинг самарали воситаси бўлиб қолиши керак. Бу масала алоҳида эътиборга моликдир. Чунки, кўпинча, партия сафларининг жипслигини мустаҳкамлаш муаммоси аллақачон ҳал бўлган ва бамисоли кун тартибидан олинган деган тушунчага дуч келинмоқда. КПСС Программаси ва Уставини партия XXVII съезди олдидан муҳокама қилишнинг бориши давомида айрим коммунистлар ва партиясизлардан тушган мулоҳазалар ва таклифлар ҳам ҳозирги босқичда партия сафларининг якдиллиги ва жипслиги учун кураш муаммосини етарли баҳоламасликдан гувоҳлик беради. КПСС Марказий Комитети Тошкент область партия ташкилоти бўйича қарорида партия сафларини жипслигини мустаҳкамлаш муаммоси партиянинг сифат составини шакллантириш иши билан боғлиқ эканлигини яна бир бор таъкидлади, бирдамлик ва жипслик учун кураш партия ривожланишининг умумий қонуняти эканлигини яна бир бор эслатиб ўтди.

Партиянинг якдиллиги ва жипслигини ифодаловчи маслакдошлик ва бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиш турли оппозициячилар билан курашдагина эмас, балки ҳар доим зарурдир. Шунинг учун ҳам бу муаммо партия бор экан, муҳим бўлиб келди, ҳозир ҳам ва бундан кейин ҳам муҳим бўлади.

Ҳозирги вақтда жипслик учун кураш нимада кўринади? Аввало ҳар бир коммунистнинг, совет кишисининг, раҳбарнинг қайта қуришга муносабатидадир. Шуни эслатиб ўтиш кифояки, айрим коммунистлар, раҳбарлар қайта қуришга муносабатда ўзига хос ўнг томонда турибдилар, яъни улар қайта қуришни тан олмаяптилар, ёки қайта қуриш қандай бўлишини кутиб турибдилар. Ҳатто, ҳозирги вақтдаёқ сўллар, «революцион иборали» кишилар ҳам борки, улар қийинчиликларга дуч келган вақтда шошма-шошарлиқ билан издан чиқиш ва ҳаддан ошишларга йўл қўймоқдалар.

Ҳозирги туб бурилиш босқичида партиянинг бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлаш аввало, унинг аъзолари бўлган ҳамманинг ғоявий-сиёсий савиясини, уларнинг қайта қуриш иши учун масъулиятини, уюшқоқлигини, фаоллигини ошириш демакдир, ҳар бир коммунистнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдан четда туриш, бефарқлик, интизомсизлик, расмиятчилик, бюрократизм ва омма кўз олдида коммунистларнинг обрўсига путур етказувчи бошқа иллатлар кўринишларига қарши муросасиз кураш олиб боришини билдиради.

Шу ерда партияга аъзолик фанимизда ҳам, амалда ҳам узоқ вақт давомида кадрлар сиёсатидан ажратилган ҳолда кўриб чиқилганлигига эътиборни қаратишни истар эдик. Партияга аъзолик тўғри ишлаш вақтида кадрларни тайёрлашнинг яхши мактаби бўлиши лозим ва бўлиши керак. Ва бу юқори лавозимларга кўтариш учун кадрлар резервининг энг муҳим манбаларидан биридир.

Ниҳоят биз Ленин бир неча бор таъкидлаганидек, партиянинг сифат состави кўп жиҳатдан унинг революцион кураш ва янги жамият барпо этишда раҳбарлик ва йўналтирувчи кучнинг сиёсий авангарди ролини бажаришга қобилиятини белгилашини унутмаслигимиз керак.

КПСС XXVII съездининг хизмати шундаки, у партия ҳаёти ва фаолиятининг энг муҳим масалаларидан бири — биздаги туб ўзгариш даврида, қайта қуриш даврида коммунист қандай бўлиши керак деган саволга чуқур ва ҳар томонлама жавоб берди.

КПСС XXVII съезди ҳозирги даврда партия сафларининг сифат состави қандай бўлиши тўғрисидаги ўз қоидасини асослашда ҳам сиёсий, ҳам амалий жиҳатдан муҳим бўлган қатор ҳолатларни ҳисобга олди. Бу ҳолатлар қандай? Биринчидан, съезд «партиянинг сифат состави» деган тушунчага илгари қатор ташкилотларда англанишига нисбатан анча кенг позициялардан ёндашди. Съезд томонидан «партиянинг сифат состави» тўғрисидаги ленинча тушунча қайта тикланибгина қолмади, шу билан бирга бу тушунча ҳозирги шароитларга мувофиқ бойитилди. Агар яқин ўтмишдаги партия сафларининг сифат состави тушунчасини белгилаш ва унга баҳо беришни чуқур таҳлил қиладиган бўлсак, айрим партия ташкилотлари бу тушунчага бир томонлама, гоҳ бир, гоҳ иккинчи кўрсаткични, социал, миллий маълумоти бўйича состав каби кўрсаткичларни бўрттириб, бир томонлама ёндашганликларини, бунда партия сафларининг сифат состави кўрсаткичининг бирлигини эсдан чиқариб қўйганликларини кўрмаслик мумкин эмас. Турғунлик даврида қатор партия ташкилотларида ғоявий-сиёсий позициянинг даражаси, коммунистнинг ишчанлик, ахлоқий сифатлари каби муҳим кўрсаткичлар тобора кўпроқ четда қолаверди. Ваҳоланки, агар коммунистларнинг сифатига берилган ленинча баҳони эслайдиган бўлсак, шуни айтиш керакки, у партия алоҳида нарсаки,у онгли, ўзини-ўзи фидо этишга тайёр кишиларни талаб этади, деб таъкидлаган эди. У коммунистнинг энг асосий ижобий фазилатларидан бирини шундай деб ҳисоблаган эди.

КПСС XXVII съездининг хизмати шундаки, у «партиянинг сифат состави» концепциясини яратди. Шунга мувофиқ бир ёки бир қанча кўрсаткичлар очиб ташланмасдан, балки бундай кўрсаткичларнинг коммунистларнинг шахсий фазилатлари (яратувчилик, интизомлилик, партия ғоялари ва ишига садоқатли, сўз билан иш бирлиги, уюшқоқлик ва бошқа шу каби кўрсаткичлар) ва КПСС бутун составининг умумий характеристикаси (социал, миллий состави, унда авлодларнинг ворислиги, коммунистларнинг умумий билим даражаси ва ихтисоси ҳамда бошқа томонлари) билан диалектик бирликда ва ўзаро алоқадаги бутун мажмуи очиб кўрсатилади.

Иккинчидан, КПСС XXVII съезди «партиянинг сифат состави» тушунчасининг ўзи ҳамма вақт ҳам ўзгармас бўлиб қолмайди, деб ҳисоблайди. Агар у ўзгармайдиган бўласа, иш осон кўчарди. Бир марта партиянинг яхши сифат составига эришилса, ҳамма иш кўнгилдагидек бўларди. Аслида эса бу узлуксиз жараёндир.

КПСС XXVII съезди партия сафларининг сифати нуқтаи назаридан уларнинг составини таҳлил этиб, ифодали қилиб айтганда коммунистларнинг олдинга қадам ташламаган, ўзининг ижобий фазилатлари мазмунини бойитмасдан аксинча, кўп ҳолларда орқага қадам ташлаган қисмига эътиборни қаратди ва уни қаттиқ танқид қилди. Партия айрим партия аъзолари, раҳбарларга хос бўлмаган кўпгина ҳолатларни айниш деб баҳолашга мажбур бўлди. Сифат нуқтаи назаридан орқага қадам қўйган, айниган коммунистлар орасида дуруст коммунист бўлган кишилар ҳам бор. Бироқ, партия ташкилотлари томонидан бир вақтлар назоратнинг йўқлиги ёки коммунистлардан талабнинг сусайганлиги, ўз устида ишлашнинг, шу жумладан ғоявий-сиёсий соҳада ишлашнинг муттасил пасайганлиги бу коммунистларнинг ана шундай ҳолатларга тушиб қолишларига сабаб бўлди.

Партия XXVII съезди олдидан партияда тозалаш ўтказиш тўғрисида кўпгина таклифлар тушди. Съезд бу масала юзасидан ўз фикрини айтди. Бу ерда партия сафларини номуносиблардан тозалаш юзасидан чоралар кўриш зарур деб тушуниш муҳимдир. Бу соҳада аттестация ўтказиш тажрибаси муҳим роль ўйнаши мумкин. Бу тажриба чуқур ўрганишга лойиқдир, деб ўйлаймиз.

Учинчидан, съезд бу ижобий тенденцияларни ва барча камчиликларни кўрсатиш билан партия составига баҳо беришга реал ёндашув деб ҳисоблади. Съезд эътибори марказида, унинг ҳужжатлари, делегатларнинг нутқларида коммунистларнинг бир қисмида ғоявий-сиёсий тайёргарликнинг, ишчанликнинг камайиб кетиши, ахлоқий бузуқликлар ва ҳоказо фактларнинг кўпаяётганлигига эътибор берилди, бу ҳақда қайғуриб гапирилди. Бизнингча, бундай фактларга ўз вақтида зарур баҳо берилмаганлиги ана шундай ҳолатларнинг юзага келиши сабабларидан бири бўлди. Мисол учун коммунистларни партия сафидан ўчиришни олиб кўринг. Афсуски, КПСС Уставининг 8- ва 16-параграфлари бўйича партия сафидан ўчирилган ва чиқиб кетганларнинг анчагина қисми ахлоқий-маиший нопоклик, ичкиликбозлик, безорилик, талон-торож қилиш, пора олиш, турли хил суиистеъмолликлар, шунингдек, интизомсизлик кўринишлари, меҳнат, партия, давлат интизомини бузиш билан боғлиқдир. Шу фактларнинг ҳаммаси, салбий иллатлар партия комитетларига маълум эди, статистик ҳисоботларда бу ҳақда хабарлар бериларди. Чамаси, бундай иллатлар ҳақида ўз вақтида чора кўрилмади.

Партия сафларининг сифат составини яхшилаш нимага боғлиқ ва қандай йўллар билан таъминланади? Аввало, сифат состави объектив шароитларга, мамлакатдаги социал синфий ҳолатга, социал базанинг ривожланиш даражасига боғлиқдир. Партия шунга таянади ва шу ҳисобга ўсади.

Социал негиз партиямизнинг ўсиши учун ниҳоятда мустаҳкамдир. Ишчилар синфи ҳам сифат томонидан, ҳам миқдор томонидан ўсмоқда. Унинг иттифоқчилари аҳволи яхшиланмоқда. Бироқ, шу социал базани тушунишга ва ундан фойдаланишга, шу жумладан, ишчилар синфини баҳолашга ёндашишда камчиликлар ҳам бор. Айрим ҳолларда синфнинг ички анъаналари ва хусусиятларига табақалашган ёндашув бўлмайди. Мисол учун ишчилар синфини олиб кўрайлик. Бу мураккаб организмдир. Унинг составида юксак малакали, тажрибали, сиёсий етук кадр ишчилар бор, шу билан бирга буржуазия психологияси, қарашлари, одатлари ва бошқа шу каби эскилик қолдиқлари кўринишларидан халос бўлмаган кишилар ҳам бор. Кўриниб турибдики, партияга қабул қилиш вақтида ҳатто ишчилар, колхозчилар ёки зиёлилар сафидан ким партия аъзоси бўлишга кўпроқ тайёр эканлигини синчиклаб, илмий текшириб кўриш керак.

Сифат состави партиянинг сафлари ортишини тартибга сола билишга ҳам боғлиқ. Айрим вақтларда тартибга солиш тушунчасига ниҳоятда тор доирада қаралади. Ҳамма иш партияга танлаш вақтида, қабул вақтида қўлланадиган чоралардан иборат бўлиб қолади. Аслида эса тартибга солиш партияга қабул қилишдан анча илгари бошланади, у партия ташкилотининг меҳнат коллективи билан, омма билан алоқаларини мустаҳкамлашдан, партия ташкилоти теварагида партия сафига кириш учун яқин, кўпроқ тайёргарлик кўрган ва унга кириш истагини билдирган партиясиз активни вужудга келтиришдан бошланади.

Шу билан бирга, тартибга солиш механизмига партия ташкилотлари танлаш, қабул қилиш вақтида кўрган барча чоралар, составнинг ривожланишидаги ижобий тенденцияларни таҳлил қилиш имконини берадиган коммунистлар ҳаракатини ҳисобга олиш билан боғлиқ бўлган барча тадбирлар ҳам киради.

Ниҳоят, партия сафларини номуносиблардан тозалашнинг бутун системаси ҳам тартибга солишга киради. Сифат состави бу партия аъзолари ва кандидатларини тарбиялаш, ғоявий чиниқтириш демакдир. Ҳеч ким туғилгандан кейин табиий равишда коммунист бўлмаслиги ҳам ҳаммага аён. Кураш давомида, ўз устида ишлаш давомида, тарбияланиш давомида коммунист бўлади.

Бу йўналишларнинг бирортасига ёки партия сифат составини таъминловчи чораларга эътиборнинг сусайиши албатта, эртами-кечми қандайдир камчиликлар, хатоликлар партия сафлари составида салбий ҳолатлар кўринишида намоён бўлади.

КПСС Уставига мувофиқ партия аъзолигига онгли, актив, ва коммунизм ишига содиқ бўлган ишчилар, деҳқонлар ва зиёлилар сафидан гражданлар қабул қилинади. Онглилик, бу кенг қамровли тушунчадир. Кўпинча ким плани бажарса, ошириб уддаласа, ёки ўзининг хизмат вазифаларини яхши амалга оширса, у онглиликни ўзида мужассамлаштирган деб ҳисоблашга мойил бўлган тушунча таркиб топади. Бошқа ҳолларда онглилик, маълумот ва бошқа шунга ўхшаш нарсалар билан уйғунлаштирилади. Ваҳоланки, бир ёки иккита қандайдир кўрсаткичларни ажратиб олиш практикаси онглиликни белгилашда ҳавфлидир. Онглилик тушунчасига комплекс ёндашиш зарур. Аввало, кишининг бутун дунёқараши, унинг ғоявий-сиёсий позицияси онглилик кўрсаткичи бўлади. Онглилик кишининг меҳнат муносабати билан белгиланади. Агар у меҳнатга ўргатилмаган бўлса, енг шимариб ишламаса, ҳақиқий онглиликдан анча узоқда бўлади. Онглиликни тушунишда инсоннинг бутун бойлигимизга, социалистик мулкка муносабатининг таҳлили муҳимдир. Агар инсон давлат чўнтагига қўл солса, жамоат мулкини талон-торож қилса, уни кўпайтириш ҳақида қайғурмаса, бу онглиликка ҳеч қандай таллуқли бўлмайди. Инсоннинг онглиги унинг бошқаларга ғамхўрлиги, талаб ва эҳтиёжларига муносабати билан белгиланади. Шу нуқтаи назардан Лениннинг ўзи ҳақида, ўзининг яқинлари ҳақида ғамхўрлик қилувчи онгли эмас, балки барча узоқлари ҳақида, бутун жамият ҳақида қайғурувчилар онгли ҳисобланади, деган фикри жуда ибратлидир.

Соф ахлоқий сифатларга ҳам эътибор бериш муҳимдир. Партия Марказий Комитетининг КПСС XXVII съездига Сиёсий докладида айтилганидек, соф, одамшаванда, виждонли, ўзига талабчан бўлмаган киши илғор ғояли бўла олмайди. Кишининг интернационализмга, ватанпарварликка муносабати ҳам унинг онглилигини белгилайди.

Якка тартибда танлаш механизмидан самаралироқ фойдаланиш ҳақидаги масала ҳам фавқулодда муҳимдир. У тарихан таркиб топди ва ўзини оқлади. Ариза, рекомендациялар, партия бюроси ва партия йиғилишида муҳокама қилиш ҳамда кандидатлик муддати ва бошқалар унинг таркибий қисмидир. Бу механизмда партияга қабул қилишнинг якка масъулияти коллектив масъулияти билан уйғунлашиб кетади. Афсуски, айрим партия ташкилотларида униси ёки бунисига етарли баҳо берилмаган давр бўлди.

Узоқ вақт давомида рекомендация берувчини ўз масъулиятини чуқур сезмаганлиги учун тартибга чақириб қўйилган мисолни топиш қийин эди. Эндиликда янгича ёндашув бўлмоқда. Партия йиғилишларида партияга кирувчини муҳокама қилиш давомида унинг ижобий, салбий томонлари ҳақида очиқ айтилаётганлиги тажрибаси ҳам маъқуллашга лойиқдир.

Партияга кирувчининг аризаси ҳақида алоҳида гапириш керак. Ариза партия ташкилотига, коммунистлар коллективига партияга киришнинг сабабларини чуқур таҳлил этиш вазифасини юклайди.

Шундай қилиб, танлаш механизмининг ҳар бир элементи муҳимдир.

ПАРТИЯДА ЛЕНИНЧА ПРИНЦИПЛАР ВА АЪЗОЛИК НОРМАЛАРИГА РИОЯ ЭТИШ, ПАРТИЯ АЪЗОСИНИНГ СОФ ВА ҲАЛОЛ ҚИЁФАСИ УЧУН КУРАШ—ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ БИРИНЧИ ДАРАЖАЛИ ВАЗИФАСИ

М. ИСКАНДАРОВ,

Тошкент олий партия мактабининг ректори, тарих фанлари доктори, профессор

БУ ЙИЛ марксистик партия—янги типдаги партияга Ленин томонидан асос солинганига 85 йил тўлади.

Бугунги кунда, илгаригидек, биз улуғ Лениннинг ўлмас генийсига, Владимир Ильич чинакам революцион партияни ташкил этиш учун курашни авж олдириб юборган ўша даврга такрор ва такрор мурожаат қиламиз. XX аср бошларида у: бизга революционерлар ташкилотини беринг, биз Россияни ўзгартириб юборамиз, деб башорат қилган эди. Ана шундай ташкилот вужудга келтирилди.

В. И. Ленин янги типдаги партия тўғрисида изчил таълимот яратди, унинг ғоявий-назарий ва ташкилий принципларини ишлаб чиқди. В. И. Ленин партия состави тўғрисидаги масала партия қурилишининг туб масаласи ҳисобланади, деб ҳамиша таъкидларди. Чунки партия барча ташкилотларининг мустаҳкамлиги ва жанговарлиги, партиянинг меҳнаткашлар доҳийси, ташкилотчиси ва раҳбари сифатидаги тарихий вазифасини муваффақиятли бажариши партия составига боғлиқдир. Пролетар партиясининг кучи унинг сафларида қанча одам борлиги билангина эмас, балки кўпроқ даражада юксак сифати, ғоявийлиги, уюшқоқлиги, интизоми билан белгиланади.

Ишчилар синфи ва барча меҳнаткашлар манфаати йўлидаги кураш муваффақияти учун партия сафларининг мустаҳкамлиги, саботлилиги, софлигини сақлаш, партия аъзоси номини ва аҳамиятини тобора юқори кўтариш қанчалик муҳим эканлигини ҳаёт кўрсатди.

Орадан ўнлаб йиллар ўтди. Бу вақт ичида партиянинг иш шароити кескин ўзгариб борди, КПСС Устави бир неча бор қайта кўриб чиқилди, унга турли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилди, лекин партия аъзолигининг энг муҳим ленинча принциплари ва шартларини белгилаб берувчи биринчи параграфининг моҳияти ўзгармай келди ва партия қурилишининг мустаҳкам асоси бўлиб қолмоқда.

КПСС XXVII съездида тасдиқланган Уставда шундай деб ёзиб қўйилган: «Партия Программаси ва Уставини эътироф этувчи, коммунизм қуришда актив қатнашувчи, партия ташкилотларидан бирида ишловчи, партия қарорларини бажарувчи ва аъзолик взносларини тўловчи Совет Иттифоқининг ҳар бир граждани КПСС аъзоси бўла олади».

Бу таърифда партия аъзолигининг ленинча принциплари тўлиқ ифодаланган, партия аъзоси бўлиш учун кими қандай талабларга жавоб бериши аниқ белгилаб берилган.

Хўш, партиянинг ўз составини шакллантиришга ёндашувни белгилаб берувчи бу ленинча чуқур, илмий асосланган қоида — принципларнинг моҳияти нимадан иборат?

Биринчидан, КПСС — бу маслакдош кишиларнинг кўнгилли жанговар иттифоқидир. Унга барча коммунистлар билан бирга ишчилар синфи, бутун меҳнаткаш халқ идеалларини амалга ошириш учун курашиш мақсадида ғоявий эътиқод бўйича кирадилар. Партия ташкилий структурасини ва партия ички ҳаёти тартибларини белгиловчи асосий қоидалар партиянинг Уставида мустаҳкамлаб қўйилган.

Шунинг учун партия, табиийки, ўз сафларига фақат партиянинг Программа ва Уставини эътироф этадиган, унинг мақсадлари, бош йўли, фаолият принципларини аниқлаб олган ва уларга тўлиқ қўшиладиган ҳамда умумий иш учун партияда мавжуд тартибларга бўйсунишга тайёр турган кишиларнигина қабул қилади.

Иккинчидан, КПСС—ҳаракат партиясидир. Уни сўз ва иш бирлиги, меҳнаткашлар манфаатларига жавоб берувчи ғояларни олдинга суриш, тўғри шиорларни ўртага ташлашни билишгина эмас, шу билан бирга уларни изчиллик, қатъият билан амалда рўёбга чиқариш ҳам характерлайди. Партияга фақат эътиқодли кишиларгина эмас, шу билан бирга, актив, фаол жангчилар ҳам керак.

Партиямиз янги аъзоларни танлаб олаётганда ленинча талабга қатъий амал қилади. У ўз сафларига бирон-бир манфаат кўриш учун эмас, балки фидокорона ишлаб, коммунизм қурилишида актив иштирок этиш учун партияга келаётганларнигина қабул қилишга интилади. Партия XXVII съездида қабул қилинган КПССнинг янги таҳрирдаги Программасида шундай деб таъкидланган: «Кишиларнинг сиёсий ва ишчанлик хислатлари, халоллик ва бутун кучини коммунизм ишига бахш этишга шай туриш партия сафларига қабул қилишнинг асосий шартлари бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади. Партияга амалпарастлик мақсадида киришга уринишларнинг пайи қатъиян қирқилиши керак».

Партия аъзоси меҳнатда ва хулқ-атворда, ижтимоий ва шахсий ҳаётда намуна бўлиши керак. У шундай яшаши ва меҳнат қилиши керакки, ҳар бир меҳнаткаш киши «Ҳа, бу ҳақиқий коммунист» деб айта оладиган бўлсин.

Учинчидан, коммунист партиянинг бирон ташкилотида ҳисобда тургандагина партиянинг умумий ишида активроқ қатнашиши мумкин. Айни шу ерда, ўртоқлари даврасида, биргаликдаги ишда у ғоявий чиниқади, партия аъзоси учун зарур бўлган кўникма ва хислатларга эга бўла боради. Айни партия ташкилоти орқали у умумпартия ишларини муҳокама қилиш ва ҳал этишга бевосита алоқадор бўлади. Партия ташкилоти эса унинг партия фаолиятида қатнашиши учун шароит яратади, ишни тақсимлайди ва унинг ижросини текширади, коммунистлар активлигини ошириб боради, уларнинг партия сиёсатини ҳаётга жорий этиш учун чинакамига курашиш маҳоратини оширади.

Тўртинчидан, партия нафақат маслакдошлар, шу билан бирга, бирга ҳаракат қилувчилар иттифоқини ўзида мужассамлаштирган вақтда чинакамига кучли, фаолияти самарали бўлади. Бунга эса ҳар бир коммунист ўзининг кўпчилик ўртоқларининг иродасига бўйсуниб, партия қарорларини оғишмай, сўзсиз бажарган пайтдагина эришиш мумкин.

Қарор қабул қилингандан сўнг ҳамма коммунистлар уни бажариш учун бир жон-бир тан бўлиб ҳаракат қиладилар. Партияга аъзоликнинг қатъий принципи ана шундай. Агар партия аъзоси партия қарорларини бажаришга масъулиятсизлик билан муносабатда бўлса, боз устига бу қарорларга қарши борса, у ўзини партия сафларидан четга қўяди.

Бешинчидан, партия нормал иш олиб бора олиши учун у тегишли пул маблағларига эга бўлиши керак. РСДРПнинг II съездида сўзга чиқиб Ленин Уставнинг 1-параграфи таърифига моддий қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги сўзлар киритилишини қатъий талаб қилди. «Сиёсий партия тузиш масаласида, — деб таъкидлади у, — маънавий мулоҳазаларгагина таяниш кифоя қилмайди».

Партия взносларини ўз вақтида тўлаб туриш партияга аъзоликнинг муҳим принципларидан бири, коммунистларнинг энг муҳим бурчи ҳисобланади.

Партияга аъзоликнинг ленинча принциплари ана шундай. Улар партия аъзолари учун асосий мезондир.

Кейинги йилларда қабул қилинган янги Устав нормалари партияга аъзоликнинг ленинча принципларини янада мустаҳкамлаш, уларни коммунистларга нисбатан тўхтовсиз ўсиб бораётган талабларга мувофиқ тарзда, уларнинг сиёсий чиниқиши ва маънавий қиёфасига мувофиқ тарзда изчил ҳаётга жорий қилишни таъминлаш мақсадини ўз олдига қўйган.

Партиямиз қўллаётган ленинча принцип-метод —партияга якка тартибда қабул қилиш системаси ҳам ана шу мақсадларга хизмат қилади. Бу партияга кираётган ҳар бир кишининг қатъий якка тартибда қабул қилинишини билдиради.

Партияга қабул қилиш партия аъзоларининг умумий мажлисида, фақат бошланғич партия ташкилоти орқали амалга оширилади.

КПСС Уставига мувофиқ партияга қабул қилиш тўғрисидаги масала район ва шаҳар партия комитетларида узил-кесил ҳал қилинади. Партияга кираётган ҳар бир киши район ёки шаҳар партия комитетининг бюросига таклиф қилинади, қабул қилиш тўғрисидаги иш. албатта, унинг иштирокида кўриб чиқилади. Марказий Комитет район ва шаҳар партия комитетларида қабул қилинаётган ҳар бир кишига энг кўп эътибор, объективлик ва партиявий принципиаллик кўрсатилишини талаб қилмоқда. Партиянинг тўхтовсиз ривожланиши ва мустаҳкамланиши, унинг сафларининг бузилмас жипслиги ҳозир совет жамияти олдига қўйилаётган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишнинг гаровидир.

Айрим статистика маълумотларини келтираман. Улар КПССнинг ташкилий-сиёсий потенциали, унинг составидаги сон ва сифат ўзгаришлари, партия сафларининг мустаҳкамланиши, партиянинг омма билан алоқасининг кенгайиши тўғрисида яққол тасаввур беради. Агар 1977 йил 1 январида КПСС сафларида қарийб 16 миллион киши бўлган бўлса, 1987 йил бошига келиб улар сони 19,3 миллион атрофида бўлди, ўтган йилнинг 1 июлида эса 19,4 миллион кишидан ортди. КПССнинг XXVI съезди билан XXVII съезди ўртасидаги давр ичида партиянинг сон состави қарийб 1,6 миллион кишига ёки 8,9 процент кўпайди. Мамлакат катта ёшдаги аҳолиси орасида коммунистлар 9,7 процентни ташкил этмоқда. Партия составида 45,3 процентни ишчилар, 11,6 процентни колхозчилар, 20 процентга яқинни фан, адабиёт, санъат арбоблари, маориф, соғлиқни сақлаш, бошқарув аппарати ходимлари, ҳарбий хизматчилар ташкил қилади. Шундай қилиб, партияда кўпчиликни ёки 56,9 процентни ишчи ва колхозчилар ташкил этадилар.

Ўтган олти йил ичида КПСС аъзолигига 3 миллион 782 минг киши қабул қилинди. Партия ташкилотлари партияга қабул қилишга жиддийроқ ёндашадиган бўлиб қолдилар, партия сафларига кираётганларга нисбатан талабчанликни оширдилар. Партияга кираётганларнинг сиёсий ва ахлоқий хислатларини текширишда кандидатлик стажидан яхшироқ фойдаланилмоқда. Шуни айтиш керакки, кандидатлик стажини ўташ вақтида ҳамма ҳам синовга бардош беролмаяпти. Чунончи 1981—1985 йиллар ичида 101 мингдан ортиқ кандидат партия аъзолигига қабул қилинмади (умуман КПСС бўйича). Кўпгина партия ташкилотлари составида хотин-қизларнинг салмоғи КПСС бўйича ўртача даражадан анча юқори бўлиб, 35—47 процентни ташкил этади. Афсуски, бизнинг Ўрта Осиё регионимиз ва Тошкент области партия ташкилоти бу кўрсаткич бўйича анча орқада қолмоқда.

Партияга қабул қилиш, одатда, очиқ партия йиғилишларида амалга оширилмоқда. Уларда партияга кираётганларнинг хислатлари, етуклиги ва уларнинг партия топшириқларини бажаришга тайёрлиги муфассал муҳокама қилинади.

Лекин шу билан бирга баъзи жойларда партия сафларини ўстиришни жадаллаштиришга, қабулда пала-партишликка йўл қўйилмоқда. Натижада партияга баъзан тасодифий, номуносиб кишилар кириб қолмоқда, улар коммунист деган шарафли номга доғ туширмоқдалар, умуман, партиянинг юксак обрўсига путур етказмоқдалар. КПСС Марказий Комитети «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент область партия ташкилотининг ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қарорида бу ҳолларга йўл қўйиб бўлмасликни кўрсатди. Тошкент область партия комитети, шаҳар, район партия комитетлари ва областнинг бошланғич партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитетининг бу қарорини бажариш чораларини кўриб, партияга қабул қилинаётганларнинг сифат составини яхшилаш, партия интизомини мустаҳкамлаш ва коммунистлар тарбиясини кучайтириш юзасидан аниқ мақсадга қаратилган ишлар олиб борa бошладилар. Ҳамма ерда сон жиҳатдан ҳам, сифат жиҳатдан ҳам кўрсаткичларнинг контрол рақамлари деб аталган кўрсаткичлардан воз кечдилар. Партияга қабул қилишни жадаллаштириш тўхтатилди.

(Давоми 6-бетда).

ПАРТИЯ АЪЗОСИНИНГ СОФ ВА ҲАЛОЛ ҚИЁФАСИ УЧУН

(Боши 5-бетда).

Партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари партияга кираётганларга нисбатан талабчанликни оширдилар. 1987 йилда партия аъзолигига қабул қилинаётганлардан 145 киши қабул қилинмади. 1986 йилда бу рақам 33 кишини ташкил қиларди. КПСС Уставининг 16-параграфи бўйича эса 455 кандидат партияга қабул қилинмади (1986 йилда 131 киши эди). Айни вақтда бу рақамлар кандидатлар билан етарли равишда иш олиб борилмаётганлиги, янги аъзоларни партияга танлаб олишга етарлича талабчанлик қилинмаётганлигини кўрсатди.

Ўтган йил ичида 22 та шаҳар ва район партия ташкилотида коммунистлар составида ишчилар салмоғи камайиб кетди. Олмалиқ, Ангрен шаҳарлари, Сергели, Акмал Икромов, Ҳамза район партия ташкилотларида бундай камайиш 1,5 процентдан 2 процентгача бўлди.

Бекобод, Оржоникидзе, Ўрта Чирчиқ, Тошкент район партия ташкилотларида партияга қабул қилинганлар орасида чорвадорлар ва механизаторлар салмоғи асоссиз равишда камайтириб юборилди. Калинин район партия ташкилотида эса партияга қабул қилинган ҳар уч колхозчидан бири моддий ишлаб чиқариш соҳасида ишламайди. Айни чоғда, масалан, Янгийўл районида чорвачилик фермалари коллективларининг қарийб учдан бир қисмида бironта ҳам коммунист йўқ. Бу бир қатор партия комитетларида КПСС Марказий Комитетининг қарори қониқарсиз бажарилаётганлигидан далолат беради.

Область партия комитетининг танқидига қарамай, Олмалиқ, Чирчиқ шаҳарлари, Пискент, Оржоникидзе, Оҳангарон район партия комитетлари тўққиз ой якунларига кўра ва 1987 йилнинг тўртинчи кварталида ҳам партияга қабул қилишни одатда очиқ партия йиғилишларида амалга ошириш зарурлиги тўғрисидаги Устав талабини бузишда давом этдилар.

Айрим партия комитетлари кандидатлик стажини ўташни назорат қилишга ҳамон етарли эътибор бермай келмоқдалар.

Тошкент область партия ташкилоти партия аъзосининг соф ва ҳалол қиёфаси учун мақсадга йўналтирилган кураш олиб бориб, партияга суқилиб кириб олган шахслардан — мансабпарастлар ва хушомадгўйлардан, порахўр ва ғаразгўйлардан, интизом бузувчилардан ва қўшиб ёзиш ҳамда кўзбўямачилик билан шуғулланувчи алдамчилардан қатъий халос бўлиб бормоқда. Ўтган йили қўшиб ёзишлар, порахўрлик ва бошқа жиноятлари учун 869 партия аъзоси ва аъзоликка кандидат партия сафларидан ўчирилди, 313 киши 8-параграф бўйича партия сафларидан чиқарилди. Айни вақтда партия ҳаёти нормаларидан оғишларга йўл қўяётган партия аъзоларининг ҳатти-ҳаракатларига баҳо беришда партия ташкилотлари томонидан либералларча муносабатда бўлиш ҳолларига суст барҳам берилмоқда. Ана шу сабабга кўра шаҳар ва район партия комитетлари жазо бериш тўғрисидаги бошланғич партия ташкилотларининг 247 та қарорини бекор қилиб, уларни партиядан ўчириш билан алмаштирдилар.

Партия аъзосининг юксак номи тўғрисидаги ленинча кўрсатма замирида коммунистлар зиммасига юкланадиган масъулиятлар ётади. Коммунистик партиянинг аъзоси бўлиш—ўз истак ва ҳаракатларини партия программаси ва ҳаракатлари билан бўғиш, ўзини батамом партия ишига бағишлаш демакдир.

Партия коммунистнинг маънавий қиёфасига ҳамиша катта эътибор бериб келган ва шундай бўлиб қолади. КПСС Марказий Комитетининг январь (1987 йил) Пленуми буни яна бир бор таъкидлаб ўтди. Пленумда кадрларимиз ғоявий қатъиятлилик, халоллик, тўғрилик, камтарлик, социалистик ахлоқ нормаларидан ҳар қандай чекинишларга муросасизликнинг намунаси бўлишлари кераклиги уқтирилди.

Агар республикада юз берган ҳодисаларга шу нуқтаи назардан баҳо берадиган бўлсак, айтиш керакки, партия билетига эга бўлган собиқ раҳбарларнинг айниши, ахлоқий, маънавий юз тубан кетиши, кўп миқдорда халқ бойлигини ўғирлашлар ва қўшиб ёзишлар шу қадар чуқур илдиз отган эдики, бизнинг совет воқелигимиз, совет турмуш тарзига номуносиб, зид бўлган бу иллатларнинг ҳаммасига қарши узоқ вақт, сабот билан ва қатъий кураш олиб боришимизга тўғри келмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IX пленумида айрим ўртоқлар биз ўзимизни танқид қилишни кўпайтириб юбормадикми, тўхтатиш вақти келмадими, деган фикрни айтаётганликлари таъкидланди. Шуни айтиш керакки, танқиддан танқиднинг фарқи бор. Ҳозир ҳам кўпинча танқид юзаки тусда бўлмоқда, фақат салбий ҳолатларни таъкидлаб, амалий фикрлар кам таклиф қилинмоқда. Ҳа, бундай танқид эҳтимол етарлидир, лекин бизга аввалгидек чуқур, таҳлилий танқид керак, барча салбий турғун ҳолатларни келтириб чиқарган сабабларни очиб берувчи танқид керак. Биз бу ярамас ҳодисаларга бевосита алоқадор бўлган ҳамма кишиларни танқид қилишимиз керак.

Танқиддан чўчимаслигимиз керак. Бошқа нарсадан чўчиш керак: танқид умумий бўлиб қолмасин.

Партия аъзосининг соф ва ҳалол қиёфаси учун кураш иллатларни, салбий ҳолатларни, суиистеъмоллар ва жиноятларни очиш, фош этиш билангина чегараланиб қолмасдан, уларни келтириб чиқарган сабаблар ва шарт-шароитларни ҳам очиб бериш керак. Бу курашга ҳаётийлик бахш этиш учун уни бизнинг порлоқ коммунистик идеалларимизга доғ туширувчи ҳамма иллатларни бартараф этиш йўли билангина эмас, ўша ошкоралик, бизнинг оғзаки, босма, радио ва телевизион агитация ва пропагандамиз ёрдамида ҳам, бадиий адабиёт, театр санъати асарлари, тасвирий санъат ижодиёти орқали, мақолалар эълон қилиш ёрдамида, қисқаси, қўлимиздаги ҳамма шакл ва воситалар билан партия аъзосининг соф ва халол қиёфасини очиб беришимиз ва кўрсатишимиз, намойиш этишимиз ва тарғиб қилишимиз керак. Бу социалистик турмуш тарзи қарор топиши, коммунистик ахлоқ учун курашнинг жуда самарали, яратувчилик формаси бўлади.

КОММУНИСТЛАР АКТИВЛИГИНИ ОШИРИШ—КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ «ПАРТИЯГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА ПАРТИЯ САФЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ БОРАСИДА ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ИШИДАГИ ЖИДДИЙ КАМЧИЛИКЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИШНИНГ ҚАТЪИЙ ШАРТИ

Ш. С. ЗИЁМОВ,

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти директори, тарих фанлари доктори

КПСС XXVII съезди томонидан ижтимоий ҳаётни қайта қуриш, иқтисодий-социал ва маънавий соҳаларда революцион ўзгаришларни амалга ошириш бевосита Коммунистик партиянинг сиёсий, ташкилотчилик ва идеологик фаолияти даражасини оширишни талаб этади. Зарур даражага эришилишини таъминлаш эса бевосита ҳар бир партия ташкилотининг жанговарлигини, ҳар бир коммунистнинг фаоллигини ошириш билан боғлиқдир. Сўнгги вақтда партия ташкилотлари, кўпчилик коммунистларнинг фаолияти бир мунча жонланди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг қайта қуришга раҳбарлик бўйича ҳисоботида таъкидланганидек, «биз коммунистларнинг фаоллиги ошиб бораётганлигини, уларнинг камчиликлар билан бундан буён муроса қилишчи истамаётганликларини, камчиликларни кескин бартараф этишга интилаётганликларини ҳис қилдик». Бироқ, ҳали барча партия ташкилотларида ҳам бу интилишдан фойдаланилмаяпти, қайта қуриш вазифаларини амалда ҳал қилишга сафарбар этилмаяпти. Бу ерда давр талаблари билан революцион жараёнда ўзининг ролини охиригача тушуниб етмаган партия аъзолари айрим қисминнинг фаолиятидаги муайян қарама-қаршилик ҳам бор. Бу айрим партия ташкилотларининг сиёсий ва ташкилий бўшашувчанлиги, ташаббуссизлиги билан изоҳланади. Барча коммунистларни фаол ва тўлақонли ҳаётга жалб этиш, уларнинг қайта қуриш тақдири учун, бизнинг социалистик Ватанимиз тақдири учун шахсан масъул эканликларини тушунишларида ёрдам бериш партия ташкилотларининг муҳим вазифасидир.

Коммунистларнинг фаоллиги, уларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий-сиёсий ҳаётда авангард роль ўйнаши коммунистлар, меҳнаткашларнинг социал активлигини оширишга, уларни тарбиялашга самарали таъсир кўрсатиш имконини берадиган муҳим омилдир. Унда партия раҳбарлигининг асосий усули — ишонтириш, сўз билан, иш билан, шахсий намуна билан ишонтириш усули мужассамланган. В. И. Ленин таъкидлаганидек, «агар коммунистлар... пролетариат революциясининг ривожланишини ва унинг галабасини ҳаммадан юқори қўя олишларини, унинг учун энг оғир қурбонлар беришдан ҳам қайтмасликларини амалда иш билан исбот қилолмас эканлар, ҳеч қандай программанинг ва энг тантанали гапларнинг ҳам бир чақалик қиммати бўлмайди».

Партия такомиллашган социализм шароитларида ҳар бир коммунист қайта қуриш ва жадаллаштириш учун курашувчилар сафининг олдида боришига эришмоқда. КПСС Марказий Комитетининг XXVII съездга Сиёсий докладида таъкидланганидек, агар ҳар бир коммунист ҳаётни олдига томон боришини, меҳнатнинг самарадорлигини оширишни таъминлай оладиган амалий ҳаракатларнинг катта аҳамиятини тушуниб олмаса, ҳеч қандай туб бурилиш бўлиши мумкин эмас.

Коммунистлар ишчилар синфининг В. И. Ленин юқори баҳо берган энг яхши фазилатлари — онглилик ва уюшқоқлик, синф манфаатларини ҳимоя қилишдаги изчиллик ва қатъийлик, ўз атрофига меҳнаткашлар оммасини жипслаштиришга қодир ва унинг уддасидан чиқадиган, ҳеч иккиланмай белгиланган мақсад сари борадиган фазилатларни ўзларида жамлайдилар, ифода этадилар.

Коммунистларнинг активлигини уларнинг умумий таълим ва касб тайёргарлиги юқорироқ даражадалиги, ташаббускорлиги, коллектив учун масъулият ҳисси анча ривожланганлиги ҳам белгилайди. Фаолликнинг мазмуни ва шакллари революцион ҳаракатнинг, социалистик қурилишнинг аниқ босқичига хос хусусиятлари, унинг ўзига хос вазифалари билан бевосита алоқадордир.

Коммунистларнинг фаоллиги ўз ҳолича шаклланмайди, у партия ички муносабатларининг бутун системаси, партия ташкилотларининг ленинча принциплари ва партия турмуши нормаларига, партия ишида ленинча услубга қатъий риоя этиш негизида аниқ мақсадга қаратилган кундалик фаолияти билан таъминланади.

Кўриб чиқилаётган муаммо хусусида қуйидаги масала тўғрисида тўхтаб ўтиш муҳимдир. Кўпчилик партия ташкилотларида, бу ғайри-табиий бўлмаса ҳам, пассив ва активлар «мавжуд». Буни қандай изоҳлаш мумкин? Зероки, КПСС сафига қўшилаётган ҳар бир киши партиянинг сиёсатини актив қўллаб-қувватлайман, коммунизм бунёдкорларининг олдинги сафида бўламан, деб ишонтиради. Бироқ, партияга кириб олгандан сўнг айрим кишиларнинг сўзи билан ишида фарқ бўлади. Бунинг сабаблари кўп. Кўринишидан бу сабабларнинг энг асосийлари партия ташкилотларининг коммунистларнинг фаоллиги ва масъулиятини ошириш бўйича лозим даражада ташкилий, ғоявий-тарбиявий иш олиб бормасликлари, партия ходимлари ва активларининг муайян қисми шу фаолликни шаклантиришга таъсир этувчи омилларни билмаслигидир.

Бунда шуни таъкидлаш зарурки, ҳозирги вақтда партия аъзоларининг пассивлиги сабаблари ҳали ҳам суст ўрганилмоқда. Коммунистларнинг фаоллигини оширишнинг муҳим шартларидан бири КПССга қабул қилишни яхшилаш, партия сафларининг сифат составидир. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев партия XXVII съездида кўрсатиб ўтганидек, «Бизнинг вазифамиз — партия сафларининг софлиги ҳақида тинмай ғамхўрлик қилишдан, партияга тасодифий кишилар кириб қолишига мутлақо йўл қўймасликдан, партияга мансабпарастлик ёки бошқа ғаразли мақсадлар билан кирмоқчи бўлган кишилар йўлига қатъий ғов солишдан иборат».

Шунга қарамай, 70—80-йилларда республика партия ташкилотида партияга аъзоликнинг ленинча принципларини қўпол бузиш ҳоллари юз берди. Шу даврда сифатга зарар равишда янги аъзоларни жадал қабул қилиш амалга оширилди. 1976 йилдан бошлаб қабул республика партия ташкилоти коммунистларининг умумий сонига нисбатан 4,4 процент даражада олиб борилди. Худди шу вақтда умуман партия бўйича эса бу кўрсаткич 2,2 процентни ташкил этди. Партияга қабул қилишга бундай нотўғри ёндашув партия ташкилотларининг етарли даражада саботли, изчил бўлмаган, ҳатто ёт унсурлар билан ифлосланишига олиб келди. Бу партия ички оқибатларга олиб келди.

КПСС Марказий Комитетининг «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент область партия ташкилотининг ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қарорида бу ва шунга ўхшаш камчиликларга принципиал баҳо берилди. КПСС Марказий Комитети КПСС сафларига қабул қилиш «партия ташкилотларини ғоявий ва ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлашнинг, қайта қуришнинг боришига улар таъсирини кучайтиришнинг, иқтисодий ва ижтимоий турмушнинг барча томонларини янгилашнинг самарали воситаси бўлиши лозим», деб талаб қилди. Партия Марказий Комитетининг қарори 1987 йилнинг ўрталарида бўлиб ўтган бошланғич партия ташкилотлари йиғилишларида, партия комитетлари пленумларида, шу жумладан, Тошкент область партия комитетининг VII ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VI пленумларида атрофлича муҳокама қилинди ва бу қарорни бажариш юзасидан аниқ тадбирлар белгиланди.

Партия сафларининг ўсишини тезлаштиришга барҳам бериш, партияга қабул қилинаётганларнинг сон ва сифат составини қаттиқ чеклаш муҳим чоралардан бири бўлди. Тошкент область партия комитетида у 50 процент қисқарди.

1987 йилда республиканинг кўпгина партия ташкилотларида КПССга қабул бўйича ишларни системага солиш, коммунист бўлишни истаган меҳнаткашларнинг сиёсий, ахлоқий сифатлари ва меҳнатдаги фаоллигини, уларнинг тайёргарлигини тўлароқ ўрганиш мақсадларида партияга танлашнинг икки йиллик системаси жорий қилина бошланди. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, айрим партия ташкилотлари фақат резервни шакллантириш билан чекланиб қолмасдан, резервдагиларни актив ишга жалб қилмоқдалар, уларни тайёрламоқдалар. Резервга киритилганларга доимий топшириқлар бериш одат бўлиб қолди. Уларнинг анчагина қисми ишлаб чиқариш характерида бўлиб, қайта қуриш, жадаллаштиришнинг аниқ вазифалари билан боғлиқдир. Шу билан бирга барча партия ташкилотларида резервни танлаш, шакллантириш бўйича ишлар талаб даражасида олиб борилмаётганлигини таъкидлаш лозим. Республикада шундай партия ташкилотлари ҳам борки, улар бу муҳим ишга расмиятчилик билан ёндашдилар. Шундай ташкилотлар ҳам борки, улар лозим даражада тажрибанинг йўқлиги, айрим район ва шаҳар партия комитетлари томонидан етарли методик ёрдам олмаётганликлари учун резервга киритилган кандидатлар билан ишлашда, уларни танлашда камчиликлар ва нуқсонларга йўл қўймоқдалар. Резерв шакллантирилгандан сўнг эса улар билан зарур ташкилотчилик ва тарбиявий иш олиб бормайдилар, уларни партия ташкилоти фаолиятига суст жалб қиладилар, уларда зарур ғоявий-сиёсий, ишчанлик сифатларини шакллантиришга етарли таъсир кўрсатмаяптилар.

КПСС XXVII съезди қарорларида, КПСС Марказий Комитетининг «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент область партия ташкилотининг ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қарорида партия социал составида ишчилар устун мавқени эгаллаш лозимлиги қайд қилинган эди. Партия ташкилотлари шунга амал қилиб партия сафларига тайёргарлиги кўпроқ бўлган сиёсий етук ишчилар синфи вакилларини қабул қилишга эътиборни кучайтирдилар, қабул қилиш ҳақидаги масалани ҳал этишда партия сафига қўшилаётганларнинг ишчанлик, сиёсий ва маънавий сифатларини чуқур ўрганадиган ва қатъиқ баҳолайдиган бўлиб қолдилар. КПСС Марказий Комитетининг қароридан кейин Тошкент области партия ташкилотида КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилинганлар орасида ишчилар бир мунча қисқарди.

Партия сафларини бундан буён тўлдириш масаласи ҳақида шуни таъкидлаш керакки, унда ишчилар сони анча кўпайгани ҳолда (КПСС съездларининг шунга тааллуқли қарорларига жавоб беради, ишчилар синфининг жамиятимиздаги етакчи ролини акс эттиради) партияга қабул қилинаётган колхозчилар сони қисқарди. Бу биринчидан, колхозчиларнинг умумий сони камайганлиги, иккинчидан, қишлоқда фан-техника тараққиёти таъсири туфайли ўз меҳнатининг характери жиҳатидан ишчиларга яқин турувчи ходимларнинг кўпайиши билан изоҳланади.

Шуниси характерлики, КПСС аъзолари сафига қўшилаётган колхозчилар орасида механизатор кадрлар муттасил ортиб бормоқда. Умуман партияда шундай бўлаяпти. Ўзбекистон партия ташкилотига келганда шуни айтиш керакки, бу ерда ҳам муайян хусусиятлар бор. Бу хусусиятлар бир томондан партияга қабул қилинаётганлар орасида колхозчиларнинг нисбатан кўплигида акс этмоқда. Улар 1981—1985 йилларда КПСС аъзолигига кандидатлар орасида 17 процентни ташкил этди, 1987 йилда эса 18 процентдан ошди. Бу умумий партия маълумотларидан анча юқоридир. Иккинчи томондан партия аъзолигига кандидатлар орасида механизатор колхозчилар 20 процентдан сал кўпроқни ташкил этди. 60 процентдан кўпроғини чорвачилик, далачилик, сабзавотчилик ва боғдорчиликда банд бўлган малакасиз меҳнат кишилари ташкил этди. Бу рақамлар Ўзбекистон Компартиясининг қишлоқдаги социал базасини объектив акс эттиради.

Бу масалада аҳволнинг яхшиланиши Ўзбекистон партия ташкилотининг қишлоқдаги социал базасини яхшилаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига механизацияни кенг жорий этишга боғлиқдир.

80-йилларда партияга совет эпелилари вакилларининг оқими давом этмоқда. Бу уларнинг фан-техника революциясини амалга ошириш, халқ маданиятини янада юксалтиришдаги ролининг ортаётганлиги билан изоҳланади. Шуниси диққатга сазоворки, агар 1983 йилда бу категориядаги кишилар партия аъзолигига кандидатликка қабул қилинганлар орасида 26 процентни ташкил этган бўлса, 1987 йилга келиб 29 процентгача кўпайди.

Хотин-қизлар ва ёшларни КПССга қабул қилиш масаласида ҳам муайян ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Партияга қабул қилинаётганлар орасида ўзбеклар, руслар, татарлар, арманлар, озарбайжонлар, бошқирдлар, туркманлар ва ўзбекистонда яшаётган бошқа кўпгина миллатлар ва элатларнинг вакиллари бор. 1987 йилда Ўзбекистон Компартияси ўз сафларида 86 миллат ва элат вакилларини бирлаштирди.

Айни вақтда КПСС Марказий Комитетининг «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент область партия ташкилотининг ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қарорида таъкидлаб ўтилганидек, КПСС сафига танлашда область аҳолисининг кўп миллатли структураси лозим даражада ҳисобга олинмайди, туб бўлмаган миллатнинг илғор меҳнатчиларини қабул қилишга етарли эътибор берилмайди.

Тошкент область партия ташкилотида КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилинганлар орасида маҳаллий миллат вакиллари 1986 йилдаги 53 процент ўрнига 50 процентни ташкил этди. Айни вақтда ўзбек ва рус миллати вакилларининг партия аъзолигига кандидатликка қабул қилишнинг нисбати меҳнат қилаётганлар ўртасида шу миллат вакиллари нисбатидан ўртача 25 процент фарқ қилди. Тошкент область партия комитетининг 1987 йил декабрда бўлиб ўтган бюросида бу кўрсатилди.

Кандидатлик муддати ҳақиқатан ҳам илғор ва актив кишиларни партияга синчковлик билан танлашни таъминлашда, партия аъзолигига кандидатларни тарбиялашда, уларнинг ишчанлик ва сиёсий сифатларини баҳолашда муҳим роль ўйнайди. Партия Владимир Ильич Ленин таклифи билан партиянинг амалий ишига киритилган кандидатлик муддатига катта эътибор бериб келди ва ҳозир ҳам катта эътибор бермоқда. Партиянинг ҳозирги шароитларда кандидатлик муддати ролини ошириш тўғрисидаги талаби КПСС Марказий Комитетининг «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент область партия ташкилотининг ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги қарорида яна конкретлаштирилди. Партия ташкилотлари олдига КПСС аъзолигига кандидатларда коммунистик эътиқодни, партия йўлини амалга оширишда актив позицияни, юксак маънавий сифатларни, социалистик интернационализм ва совет ватанпарварлиги ҳиссини шакллантириш вазифасини қўйди.

Сўнгги вақтларда бу масалалар кўпчилик партия комитетларининг пленумлари, бюролари мажлисларида, бошланғич партия ташкилотлари йиғилишларида муттасил кўриб чиқилмоқда. Ёш коммунистлар томонидан партия топшириқларининг бажарилиши, улар томонидан умуман кандидатлик муддатининг ўталиши устидан назорат қилиш мақсадларида кандидатларнинг партия йиғилишларида, партия бюролари ва партия комитетлари мажлисларида ҳисоботларини тинглаш кенгаймоқда. 1987 йилда Тошкент область партия ташкилотларида 2 мингдан ортиқ шундай ҳисоботлар тингланди. Бу ишларнинг ҳаммаси КПСС аъзолигига кандидатларни интизомли қилмоқда, уларнинг ғоявий-сиёсий савиялари, иш малакалари ошишига масъулиятини кучайтирмоқда, улар томонидан партия сиёсатининг актив амалга оширилишида ёрдам бермоқда.

Ўн йилликлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, коммунистларни партиянинг актив жангчилари қилиб тарбиялашда, коллектив раҳбарликни амалга оширишда партия йиғилишлари муҳим ўрин эгаллайди. Бундай йиғилишларда коммунистлар ўзларининг партиянинг сиёсати ва амалий фаолияти, унинг раҳбар органлари ва ўз ташкилотлари сиёсати ва амалий фаолияти масалаларини эркин муҳокама қилиш, таклифлар киритиш ва камчиликларни танқид қилиш ҳуқуқларини амалга оширадилар.

Партия XXVII съезди партия йиғилишларининг ролини янада ошириш, уларни ўтказишда олдиндан ташкил этиш ва чеклашларни бартараф қилишни кўрсатди. Сўнгги вақтларда йиғилишларни ўтказиш практикаси бой эди. Уларда қайта қуриш вазифалари, коммунистларнинг коллективлардаги иш аҳволи учун масъулиятини, активлигини ошириш, интизомни мустаҳкамлаш тўғрисида кўпроқ гап бормоқда.

Партия йиғилишлар, партия комитетларининг бюролари, пленумлари, қарорларининг ижросини назорат қилиш ва уюштиришга эътиборни кучайтиришга йўналтирмоқда. Ижрони назорат қилиш ва текшириш ҳақида гапирганда кўпгина партия ташкилотларида тарбиявий таъсирнинг бу синалган қуролидан ҳали ҳам лозим даражада самарали фойдаланилмаётганлигини, бу эса коммунистларнинг фаоллигини оширишга ёрдам бермаётганлигини таъкидлашни истардик. Кўпинча, қарор қабул қилингач, унинг ижроси бўйича ташкилотчилик иши бошланмайди.

Коммунистларни актив ишга жалб этишнинг синалган воситаси партия топшириғидир. Кўпгина бошланғич партия ташкилотлари бундай топшириқларни тақсимлашга табақалашган муносабатда бўлишга, ҳар бир коммунист, бутун партия оммасини ижтимоий ишларни олиб боришга жалб қилишга ҳаракат қилмоқдалар. Улар топшириқларнинг характерини партия ички ҳаётининг ҳозирги тараққиётини ҳисобга олиб ўзгартирмоқдалар, уларнинг ижроси устидан назорат формаларини такомиллаштирмоқдалар.

Партия ташкилотларида танқидни ва ўз-ўзини танқидни янада ривожлантириш ҳам коммунистларнинг фаоллигини оширишнинг муҳим омилидир. КПСС XXVII съездидан кейин у партия ташкилотларида анча ривожланди.

Танқидий мулоҳазаларни объектив ва оператив кўриб чиқиш у ёки бу масалани ўз вақтида ҳал қилиш имкониятинигина бериб қолмай, шу билан бирга мавжуд камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш имконини беради, энг муҳими коммунистларнинг активлигини ошириш, ходимларни тўғри тарбиялашга ижобий таъсир кўрсатади. Бироқ, афсуски, танқиднинг қўлами коммунистлар мулоҳазалари ва таклифларининг кўпайиши ҳозирги вақтда ҳам барча партия комитетлари, бюролар, бошланғич партия ташкилотлари томонидан уларни амалга ошириш бўйича активликнинг ошиши билан бирга бораётгани йўқ.

Коммунистларда юксак ғоявий ва маънавий сифатларни шакллантириш уларнинг активлигини оширишга таъсир кўрсатувчи яна бир муҳим омилдир. Бу ғоявий-тарбиявий ишнинг мағзи ҳисобланади. Партия XXVII съезди партия ташкилотларидан партия аъзолари ва кандидатларининг сиёсий онги, улар томонидан марксизм-ленинизм назарияси чуқур ижодий ўрганилиши, улар олган билимлар чуқур эътиқодлари бўлиб қолиши, ижтимоий тараққиётни жадаллаштириш планларини амалга ошириш учун курашда мужассамланиши тўғрисида муттасил гамхўрлик қилишларини талаб этди. **Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IX пленумида таъкидланганидек, бу масалада ҳали яхши томонга қараб сезиларли ўзгариш бўлмаяпти.**

Ички партия демократиясини, ошкораликни кенг ривожлантириш, масъулиятни ошириш негизида партия ташкилотларининг иш услуби ва усулларини такомиллаштиришда КПСС Марказий Комитетининг 1987 йилдаги январь, июнь Пленумлари қарорлари муҳим роль ўйнайди. Кўпчилик партия ташкилотлари учун эришилган ютуқлар билан қаноатланмаслик, экономикада, социал соҳада, ўз фаолиятида иш аҳволини объектив баҳолаш, эътиборни ҳал қилинмаган муаммоларга қаратиш характерли бўлиб қолмоқда. Бу партия комитетлари бюролари, бошланғич партия ташкилотлари бюролари ва партия комитетларининг қайта қуришга раҳбарлик бўйича 1987—1988 йилларгаги ҳисоботларининг боришига кўзга ташланди. Агар умуман гапирадиган бўлсак, партия комитетлари, партия бюролари, бошланғич партия ташкилотларининг фаолияти ҳали ҳам қайта қуриш талабларига жавоб бермаяпти. Улар раҳбарликнинг сиёсий усулларини ҳамон суст эгалламоқдалар, партия оммаси ва меҳнаткашлар ўртасида етарли иш олиб боришмаяпти.

Ташкилий-партиявий ишнинг орқада қолаётганлиги, консерватизмнинг намоён бўлиши, турғун ҳолатларнинг суст бартараф этилаётганлиги сабабларини, партия ишининг самарадорлигини ошириш йўлларини аниқлаш мақсадларида коммунистлар ўртасида анкета сўровлари ўтказилган эди.

Жавоблар умуман партия ташкилотларида коммунистларнинг баҳолашлари бўйича уларнинг ишини қайта қуришда айрим силжишлар бўлди деган хулосага олиб келади. Шу билан бирга бу жавоблар қайта қуришнинг боришига тўсқинлик қилаётган мавжуд камчиликлар, нуқсонлар борлигини, жумладан партия комитетлари, бюролар, бошланғич партия ташкилотлари партия комитетларининг коммунистлар, меҳнаткашларга қайта қуришнинг моҳияти, унинг вазифалари, партия ички ҳаётининг демократлаштирилиши, ижтимоий ҳаётни янгилаш, социал иқтисодий тараққиётни тезлаштириш вазифаларига мувофиқ инсон омилини активлаштириш ёрдам берадиган янги иш усуллари ва формаларини қидириб топиш ва амалда жорий қилишни чуқурлаштириш бўйича етарли иш олиб бормаётганлигини кўрсатди.

Партиянинг негизи, меҳнат коллективининг сиёсий ядроси ҳисобланган бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини қайта қуриш социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш, республика ҳаётининг бошқа соҳаларини такомиллаштириш, инсон омилини активлаштириш вазифаларини муваффақиятли ҳал қилишнинг муҳим шартидир. Ҳозирги вақтда 20 мингдан ортиқ бошланғич партия ташкилоти бор. Улар ўз ишларини такомиллаштира бориб, коммунистларнинг активлигини ошириш имкониятини берадиган янги иш усуллари ва формаларини қидириб топмоқдалар. Партия ташкилотларининг жанговарлиги кўриги ҳам ана шундай изланишларнинг натижаси бўлди.

Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди бошланғич партия ташкилотлари жанговарлиги кўригини ўтказиш практикасини ижобий баҳолаб, улар фаолиятининг бу формасини такомиллаштиришга эътиборни қаратди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1986 йилги иккинчи пленуми эса «КПСС XXVII съезди якунлари ва унинг қарорларини бажариш бўйича республика партия ташкилотининг вазифалари»ни муҳокама этиб, район ва шаҳар партия комитетларида, бошланғич партия ташкилотларида кўрик ўтказиш масалаларига чуқур ёндашишни талаб этди.

Партия XXVII съездидан кейин республика партия ташкилотларида коммунистларнинг аттестацияси кенг қўлланила бошланди. Кўрикдан фарқли равишда аттестация партия конкрет ҳар бир аъзосининг ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётини ўрганиш ва баҳолашга қаратилгандир. Республикада аттестация дастлаб 1987 йилда Тошкент область партия ташкилотларида кенг амалга оширила бошланди. Умуман Тошкент область партия ташкилотида 1988 йилнинг февралига келиб 13 минг 630 нафардан ортиқ коммунист аттестациядан ўтди. Улардан 2039 киши шартли аттестация қилинди, 548 нафари эса аттестациядан ўтмади. 1302 нафар партия аъзосига партиявий жазо берилди. 2411 коммунист КПСС сафларидан чиқарилди.

Аттестацияни ўтказиш бир қанча муаммоларни ҳам юзага чиқарди. Партия ташкилотларида коммунистларни объектив баҳолашда, уларга характеристикалар тайёрлашда қийинчиликлар сезилди. Айрим коммунистлар томонидан КПСС Уставини етарли билмаслик ҳоллари маълум бўлди. Аттестация ўтказишда тажрибанинг, кўникманинг йўқлиги табиий равишда аттестация комиссияларининг кўпгина аъзоларида айрим ҳолларда партия аъзоларининг сиёсий, ишчанлик, ахлоқий сифатларини баҳолашга таъсир этди. Пассив, интизомни бузувчиларга нисбатан юмшоқ муносабатда бўлиш ҳоллари ҳам бўлди.

Аттестация жараёнида кўпгина коммунистлар КПСС сафидан чиқарилди. Яъни аттестация партия сафларини пассив, партиядан ажралиб қолган, тасодифий шахслардан ҳалос этишга ёрдам берди. Умуман аттестациянинг ўтказилиши коммунистларнинг активлиги ва масъулияти бир мунча ошишига, партия ташкилотларида ишнинг жонланишига ёрдам берди. Айни вақтда шуни ҳам таъкидлаш керакки, аттестация беш йилда бир марта ўтказилади. Практика шуни кўрсатдики, айрим коммунистлар аттестациядан ўтгач, яна пассив бўлиб қолмоқдалар, уларнинг активлиги сусаймоқда. Бундан ташқари аттестация вақтида асосан коммунистларнинг фаолияти ўрганиляпти, бироқ, партия бюроси, партия комитетларининг фаолияти одат бўйича ўрганилмайди, баҳоланмайди. Шу нуқтаи назардан бизнингча, бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлиги кўрикларини ўтказиб туриш анча самаралидир. Бундай кўриклар вақтида коммунистлар аттестация ҳам қилиниши лозим. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IX пленуми кўрсатиб ўтганидек, ҳамма жойда бошланғич ташкилотларнинг жанговарлиги кўригини кенг қуламда ўтказишимиз лозим.

Коммунистлар, бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини активлаштиришда бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг сифат состави муҳим аҳамиятга эгадир. Сўнгги вақтда у анча янгиланди.

Коммунистларнинг ўз раҳбарларига нисбатан талабчанлиги ошганлиги кузатилмоқда. Бироқ, бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг состави умуман сустлигича қолмоқда. Уларнинг кўпчилигида иш тажрибаси, қўникмалари, белгиланган ишларни амалга оширишда билимлари, изчилликлари етишмайди.

Ҳозирги шароитларда партия ташкилотларининг секретарлари **ўзларининг юксак сиёсий савиялари,** қайта қуриш вазифаларини амалга оширишдаги актив позициялари, кишиларга ўргатиш, улардан ўрганишни билиш, кишиларни ўз орқасидан эргаштириш фазилатлари билан ажралиб туришлари лозим.

Умуман, қайта қуришнинг биринчи босқичидаги бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини характерлаб шуни таъкидлаш керакки, улар ишида фақатгина айрим жонланиш сезилмоқда, қайта қуриш бўйича партия ташкилотлари йиғилишлари, партия комитетлари пленумлари шундан далолат беради. Кўпгина партия органлари ҳали ҳам ишнинг оғирлиги марказини бошланғич ташкилотларга ўтказганларича йўқ, партия оммаси қайта қуриш вазифаларини ҳал қилишга жўнатилганларича йўқ. Бу кўп жиҳатдан республикада ҳали туб ўзгаришлар бўлмаганлиги билан изоҳланади. Унинг олга томон боришида ҳам лозим даражада жўшқинлик йўқ. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IX пленуми белгилаган вазифалар партия ишини коммунистларни, барча меҳнаткашларни активлаштиришга қаратиб, қатъий қайта қуришни тал

ИЖОД УЧУН МУКОФОТЛАР

Ўзбекистоннинг юзлаб олимлари, рационализаторлари, ихтирочилари, ишлаб чиқариш новаторлари янги турда кўплаб харидоргир моллар яратиш, уларнинг сифатини ошириш, ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш вазифаларини ижодий ҳал қилмоқдалар. Улар яратган буюмлар бултур СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги «Октябрь байроғи остида 70 йил» юбилей экспозициясида кўрсатилиб, мутахассисларнинг юксак баҳосига сазовор бўлганди.

24 февраль куни Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида ишланма авторларига тантанали вазиятда мукофотлар топшириш маросими бўлиб ўтди. Республика новаторларининг катта бир группасига СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг гувоҳномалари ва медаллари берилди. Мукофотларни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари В. В. Сударенков топширди.

(ЎзТАГ).

● СИЗ суратда кўриб турган Қорасоч Номозбоева (чапда) ва Жорқин Абдураҳмонова Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхознинг илғор соғувчилари. Улар қарамоғларидаги сигирлардан доим мўл сут соғиб олмоқдалар. Мусобақада пешқадамлик қилаётган бу икки соғувчи айни қиш кунларида ҳам сигирлар маҳсулдорлигини 10—11 килограммга етказишмоқда.

В. Портнов фотоси.

Колхознинг намунавий устави лойиҳасини муҳокама қиламиз

ҲАР БИР БАНДИ МУҲИМ

ҲАММА жойда бўлгани каби Нариманов шаҳри хўжаликларида ҳам колхознинг намунавий Устави лойиҳаси муҳокама қилиняпти. Колхозларнинг раҳбарлари, мутахассислар, колхозчилар бу ҳақда турли фикр ва мулоҳазаларни билдирмоқдалар, таклифлар киритмоқдалар. Бизнинг К. Маркс номли колхоз ранси Қудрат АЙТБОЕВ билан суҳбатимиз ҳам шу ҳақда бўлди:

— Колхознинг намунавий Устави лойиҳаси катта аҳамиятга эга. Бу ҳужжат, айниқса, хўжалик юритишнинг янгича шароитида фаолиятимизнинг ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлайди.

Маълумки, мамлакатимизда колхозлар ташкил этилганига 60 йилча бўлди. Бу давр мобайнида анчагина ўзгаришлар бўлди, қоллектив хўжаликни ривожлантириш учун кўп ишлар қилинди. Ҳозирги кунга келиб колхозларда ҳам иш юритиш тубдан янгиланмоқда. Биз илгарилари кўпинча давлатдан қарз олиш ҳисобига кун кўрдик. Энди бундай ишлаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ишни тўла хўжалик ҳисобида ташкил этиш, ишлаб чиқаришда бригада ва оила пудратини ривожлантириш асосий масала бўлиб қолди. 1988 йилдан бошлаб барча хўжаликлар қатори бизнинг колхозимизда ҳам ўзини-ўзи қоплаш ва ўзини-ўзи тўла таъминлашга ўтишга тайёргарлик бошлаб юборилди.

Очиғини айтиш керак колхозимизда бу соҳада ҳали кўп иш қилишимиз лозим. Биринчи навбатда мавжуд бригадаларнинг ҳаммасида мунтазам мўл ҳосил олинишига эришиш керак. Бунинг ягона йўли меҳнатни ташкил этишнинг пудрат формасини қўллашдир. Биласизми, ўтган йили 8 та пахтачилик бригадамизнинг оила пудрати асосида иш юритган коллективларида ҳосил бошқаларига нисбатан ҳам юқори. ҳам сифатли бўлди. Энг муҳими, улар барча агротехника тадбирларини маромида ўтказишди. Бугунги кунда қилган меҳнатларига яраша мўмай даромад олишди.

1988 йилда барча бригаларнинг коллективлари ишни пудрат асосида ташкил этишга аҳд қилдилар. Айни кунларда улар билан колхоз правлениеси ўртасида шартномалар тузилмоқда. Асосий мақсадимиз одамларнинг ижодий активлигини оширишдан иборатдир. Уларни кўпроқ мустақил ҳаракат қилишга ўргатиш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, колхозчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб бериш биринчи галдаги вазифа бўлиб қолмоқда.

Энг муҳими, бу борада эндиликда колхозимизда етарли тажриба тўпланди.

Мен юқоридаги гапларни бекорга айтмадим. Назаримда колхозларда бўлаётган катта ўзгаришларни намунавий Устав лойиҳасида ҳам ифодалаш лозим. Масалан, колхозлар тузилган пайтдан бошлаб у — «колхоз ихтиёрий равишда бирлашган деҳқонларнинг кооператив ташкилоти»дир, деб юритилади. Бу тўғри, албатта. Лекин бугунги давр талаби, ишни юритиш формаси колхозларда меҳнатни ташкил этишни тубдан ўзгартирмоқда. Шундай экан унинг номини ҳам бирмунча такомиллаштириш лозим эмасмикан?! Менга қолса, **колхоз ишлаб чиқариш воситалари, хўжалик ҳисоби, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш ва бошқариш асосидаги йирик социалистик қишлоқ хўжалигининг кўнгилли кооператив ташкилоти»**, деб юритган бўлур эдим. Албатта, бу нимага керак, деганлар ҳам учрайди. Менимча, колхозлар олға қараб ҳаракат қилаётган экан, унинг туб иш юритиш моҳияти Устав лойиҳасида ҳам аниқ ифодаланиши шарт.

Колхозчилар, бригада бошлиқлари ва мутахассисларимиз билан Уставни муҳокама қилиш даврида жуда кўп фикр-мулоҳазалар юзага келди. Кўпчилик бизга давлат томонидан бериладиган план ва топшириқлар масаласига тўхталди. Гап шундаки, бизга дейлик, пахта топшириш юзасидан план белгиланади. Уни бажариш биз учун қонун. Шундай бўлиши ҳам керак. Чунки давлат бизга энг қимматли бойлик — ерни фойдаланиш учун бериб қўйган. Бизнинг асосий вазифамиз халқимизга озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат корхоналарига хом ашё етказиб беришдан иборат бўлган ва шундай бўлиб қолади. Лекин ҳамма гап шундаки, колхозларга ана шу маҳсулотни олиш учун имконият яратиб бериш ҳам керак-да. Ҳозир иш бундай юритилмаяпти. Колхозларнинг моддий-техника базаси ночор бўлиб қолмоқда, таъминот яхшиланмаяпти. Масалан, биз зарур пайтда ёнилги-мойлаш материалларини ололмаймиз, минерал ўғит ва бошқа зарур нарсалар билан таъминланмаймиз. Маҳсулот топшириш пайтида эса кўп оворагарчиликлар юзага келади. Бизнинг катта меҳнатлар эвазига олган маҳсулотимизни ўз вақтида қабул қилиб олишмайди. Ваҳоланки, ана шу сарсонгарчилик, оворагарчилик туфайли колхоз моддий зарар кўради. Бизнингча, мана бу масалани ҳам қайта кўриб чиқиш, қонунлаштириш керак.

Эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш борасида ҳам худди шундай дейиш мумкин. Ўтган йили қизиқ бўлди. Бизга фақатгина йилнинг икки мавсумида машина ва механизмлар учун эҳтиёт қисм беришди. Ваҳоланки бизга парвариш даврида айрим қисмлар жуда зарур бўлиб қолди. Афсуски, тополмадик, давлат омборларига борсак, сизга беролмаймиз, деган жавобни эшитдик. Буни қандай тушунмоқ керак? Биз қандай бўлмасин планни бажаришимиз керак, вассалом. Йўқ, бундан буён бизга план белгиландими, ана шунга яраша моддий-техника таъминоти ҳам мустаҳкамланиши лозим. Бу ҳақда Уставга киритилса ва у қонун бўйича мустаҳкамланса, яхши бўлур эди.

Колхознинг янги Устав лойиҳаси сўзсиз хўжалик юритишни такомиллаштиришда, колхозларни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Унинг ҳар бир бандида муҳим масалаларга тўхталинган. Биз ана шу имкониятлардан самарали фойдаланиб, мўл чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришга ҳаракат қиламиз.

Суҳбатни Р. ЙЎЛЧИЕВА ёзиб олди.

Тоғли Қорабоғдан хабар

СТЕПАНАКЕРТ, 24 февраль (ТАСС). Область партия активларининг йиғилиши КПСС Марказий Комитетининг Тоғли Қорабоғ автоном областида вужудга келган вазият жиддий, деб берган баҳосига тўла-тўкис ва батамом қўшилди.

Йиғилиш шуни таъкидлайдики, Тоғли Қорабоғ автоном областининг мавжуд миллий-территориал тузилишини қайта кўриб чиқишга қаратилган ҳамда Озарбайжон ССР билан Арманистон ССР меҳнаткашларининг манфаатларига зид бўлган хатти-ҳаракатлар ва талаблар миллатлараро муносабатларга зиён етказади. Ҳозир бу хусусда масъулиятли чоралар кўрилмаса, у олдиндан айтиб бўлмайдиган ёки хатто ўнглаш қийин бўлган оқибатларга олиб келиши мумкин. Мана шуларнинг ҳаммаси масъулиятсиз шахсларнинг даъватлари, шунингдек автоном область партия ва совет органларининг суст позицияси натижасида вужудга келди.

Партия активларининг йиғилиши область партия комитети, Степанакерт шаҳар партия комитети, район партия комитетлари, «бошланғич партия ташкилотлари сиёсий ва идеологик таъсир ўтказишнинг барча воситаларини ленинча миллий сиёсатни, унинг ҳозирги босқичдаги моҳиятини тушунтиришга қаратишларини принципиал муҳим деб ҳисоблайди.

Барча ишларда шунга амал қилиш керакки, миллий масала миллий хусусиятларга, психологияга муттасил зўр эътибор берилишини, меҳнаткашларнинг ҳаётий манфаатлари эътиборга олинишини тақозо этади.

Вазифа область партия ташкилотлари, идеология муассасаларининг активлари КПСС Марказий Комитетининг қароридан келиб чиқадиган масалалар юзасидан омма ўртасида, меҳнат коллективларида кенг қўламдаги ишни авж олдириб юборишларидан, мазкур ҳужжатнинг йўл-йўриқларини ҳар бир меҳнатчининг ақли ва қалбига етказишларидан, вазиятнинг тезроқ нормаллашувига эришишларидан иборатдир.

ПЛЕНУМ БЎЛИБ ЎТДИ

СТЕПАНАКЕРТ, 24 февраль. (ТАСС). Бу ерда Тоғли Қорабоғ область партия комитетининг пленуми бўлди. Пленум ташкилий масалани кўриб чиқди.

Пленум ишда йўл қўйган камчиликлари учун Б. С. Кеворковни область партия комитетининг биринчи секретари ва бюро аъзоси вазифасидан озод қилди. Область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаб келган Г. А. Погосян Тоғли Қорабоғ область партия комитетининг биринчи секретари этиб сайланди.

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА

● «АГРОПРОМРЕМОНТ» республика илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси корхоналарида иш шароитлари анча яхшиланди. Бу ерда жорий этилган тракторлар двигателларини қайта тиклаш ишларини текширишнинг янги технологияси карбонат ангидрид гази чиқишини 20 процент камайтириш имконини берди. Эндиликда ҳавога зарарли азот бирикмалари ҳам кам чиқадиган бўлиб қолди. Бунинг учун бир қанча режимларда ишловчи двигателни синаб кўриш кифоя қилди. Илгарилари бу двигатель махсус стендда бир неча соатлаб «ҳайдаларди». Янги усулнинг афзаллиги экологик жиҳатдан ҳам муҳимдир. Бирлашма олимлари агрегатларни синаб кўриш сифатини оширишга, дизель ёнилғиси сарфини камайтиришга ҳам муваффақ бўлдилар.

(ЎзТАГ мухбири).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ *материаллари изидан*

ГАЗЕТАМИЗНИНГ ўтган йил 21 ноябрь сонида «Азоб» сарлавҳаси остида чиққан суд очеркида Ғафур Каримов Бекобод район маъмурий органларининг айрим ходимлари томонидан бегуноҳ жиноий жавобгарликка тортилганлиги ҳақида фикр юритилган эди.

Ушбу мақолага келган жавобларни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

«АЗОБ»

Бекобод район партия комитетининг секретари Ж. ШАРИПОВ:

«Сизнинг хатингизга жавобан шуни маълум қиламиз-ки, Т. Шукуров 1986 йил 6 сентябрда прокуратура органларидан бўшатилган ва Бердибековни асоссиз қамаганлиги ҳамда бошқа қонун бузишларга йўл қўйгани учун район прокурори вазифасидан озод қилинган.

Суд ва прокуратуранинг бошланғич партия ташкилоти 1987 йил 15 июлда КПСС аъзоси Т. Шукуровнинг шахсий ишини кўриб чиқди ва КПСС сафидан ўчирди. Т. Шукуровнинг область партия комитетига ва КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги партия контроли комитетига мурожаати ҳамда республика прокуратураси томонидан бу масаланинг қайта кўрилиши муносабати билан Т. Шукуровнинг шахсий иши район партия комитетининг бюросида кўрилмади, яқин келгусида кўрилади.

«Азоб» мақоласи 1987 йил 25 декабрда суд ва прокуратуранинг бошланғич партия ташкилоти йиғилишида муҳокама этилди. Ғ. Каримовнинг жиноий ишини қайта кўришда йўл қўйган муросасозлиги учун район халқ судининг раиси КПСС аъзоси Б. Турғунов жиддий огоҳлантирилди.

Шу билан бирга маълум қиламизки, Я. Эшпўлатов ва Ш. Файзиев ўртоқлар ҳозирги пайтда бизнинг районимиздан ташқарида ишлашяпти.

Область юстиция бўлимининг бошлиғи Ё. БОЗОРБОЕВ:

«... Ушбу факт 1987 йил 28 ноябрда Юстиция бўлимининг оператив кенгашида областдаги барча халқ судьялари иштирокида муҳокама қилинди ва Бекобод район халқ судининг раиси Б. Турғунов қонунни бузишга йўл қўйгани учун жиддий огоҳлантирилди. Район халқ судининг собиқ раиси Я. Эшпўлатовга нисбатан жавобгарлик масаласи кўрилмади, чунки у юстиция ва суд органларида ишламаяпти».

Тошкент область ички ишлар бошқармасининг бошлиғи, милиция генерал-майори Р. САИТБОЕВ:

«Тошкент ҳақиқати» газетасида эълон қилинган «Азоб» мақоласи ички ишлар бошқармасининг тергов бўлими шахсий составида ўртасида муҳокама қилинди. Бекобод район ички ишлар бўлими тергов бўлинмасининг собиқ бошлиғи Ш. Файзиев томонидан йўл қўйилган қонунчиликни бузиш фактлари тасдиқланди.

Милиция капитани Ш. Файзиев ҳозирги пайтда учун жиддий интизомий жавобгарликка тортилди».

Область прокуратурасининг ўринбосари К. ЮСУПОВ:

«Тошкент ҳақиқати» газетасидаги «Азоб» сарлавҳали мақола унга алоқадор жиноий ишни ўрганиб, кўриб чиқилди. Мақолада баён этилган фактлар тасдиқланди.

Текшириш натижаси Тошкент область прокуратурасининг оператив кенгашида муҳокама этилди.

Ғ. Каримовни ҳибсга олиш тўғрисида санкция берган Бекобод район прокурори Т. П. Шукуров социалистик қонунчиликни қўпол равишда бузганлиги учун вазифасидан олинган ва прокуратура органларидан бўшатилган.

Бекобод район прокурорининг ёрдамчиси Қ. Сотқулов айблаш фикрини тасдиқлагани ва судда мазкур иш бўйича Ғ. Каримовга нисбатан айбни қувватлагани бобгарликка тортилди».

СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ

СССР билан АҚШнинг ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисида 1987 йилнинг 8 декабрида имзоланган Шартномага мувофиқ ГДР ва ЧССР территориясида жойлаштирилган ОТР-22 (СС-12) камроқ олислик совет ракеталарини тугатиш ҳам кўзда тутилади. Бу ракеталар Американинг ўртача олислик ракеталари Ғарбий Европанинг бир қанча мамлакатларида жойлаштирилганига жавоб чоралари сифатида ўрнатилган эди.

Совет ҳукумати Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар сиёсий маслаҳат комитетининг 1987 йил майида Берлинда ўтказилган кенгашида эришилган аҳдномага амал қилиб холис ниятни намойиш этиш мақсадида Совет Иттифоқининг ОТР-22 (СС-12) ракеталарини, уларнинг учирувчи қурилмаларини ҳамда тегишли ёрдамчи ускуналарини ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисидаги шартнома кучга кирмасдан олдиноқ ГДР ва ЧССР ҳукуматлари билан келишган ҳолда шу давлатларнинг территориясидан олиб чиқиб кетиш ҳақида қарор қабул қилди. Ана шу ракеталар, уларнинг учирувчи қурилмалари ва тегишли ёрдамчи ускуналари 1988 йилнинг февраль—март ойларида СССР территориясига, мазкур шартнома муносабати билан илк маълумотларни аниқлаш тўғрисидаги аҳдлашув ҳақидаги меморандумда белгиланган жойларга олиб чиқиб кетилади.

«АҚШ ҲАЁТИДА ИНФОРМАТИКА»

КЎРГАЗМА

Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида 25 февраль куни ана шу мавзуда кўргазма очилди. Бу кўргазманинг ташаббускори ва ташкилотчиси АҚШнинг ЮСИА ахборот агентлигидир. Кўргазма Тошкентда март ойининг охиригача давом этади. Кўргазма очилиши арафасида ЎзТАГ мухбирлари кўргазма директори Ричард Суиб билан учрашиб, Ўзбекистон пойтахти аҳли ва Тошкент меҳмонларига шу тадбир ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдилар:

— Мазкур кўргазма 1985 йилнинг ноябрь ойида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Михаил Горбачев билан АҚШ Президенти Рональд Рейган учрашуви чоғида имзоланган фан, маориф ва маданият соҳасида алоқалар ва айирбошлашлар тўғрисидаги битимга мувофиқ ўтказилаётган кўпдан-кўп тадбирларнинг биридир. Бу кўргазмани биз ҳозиргача Москва, Ростов-Дон, Киев ва Тбилисида намойиш этдик. Тошкентдан кейин Иркутск шаҳрига, сўнгра Магнитогорск, Ленинград шаҳарларига борамиз. СССР бўйлаб сафаримиз шу йилнинг охирида Минск шаҳрида якунланади. «АҚШ ҳаётида информатика» кўргазмаси совет кишиларида катта қизиқиш уйғотаётганидан хурсандмиз.

Кўргазмада техникавий ускуналар — компьютерлар, алоқа воситалари намойиш этилаётганига қарамай, биз уни гуманитар, маданият масалаларига бағишланган кўргазма, деб ҳисоблаймиз. Кўргазма фан-техника революцияси асридаги Америка жамиятининг турмуш тарзи ва маданиятини акс эттиради. Сиз бу ерда бизнесмен ва репортерлар, хизматчи ва фермерлар ишида ёрдам бераётган компьютерлар билан танишасиз. Аёллар сумкасига сиғадиган жажжи компьютерларни ҳам намойиш этмоқдамиз. Компьютер техникаси ранг-тасвир санъатида ва санъатнинг бошқа турларида, саноат дизайни ва медицинада қандай қўлланилаётганини ҳам кўрсатамиз.

Экспозициянинг бир қисмида турмушда ҳам қўлланилаётган янги алоқа воситаларини намойиш этмоқдамиз. Булар орасида, масалан, симсиз телефонлар, йўлдош орқали алоқа қилиш йўли билан юзлаб телекомпанияларнинг кўрсатувларини қабул қилишга имкон берадиган махсус антеннали телевизорлар бор.

Халқлар ўртасидаги алоқалар ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ахборот ва ғоялар айрибошлашни кучайтириш — кўргазманинг бош ғоясидир. Бу менинг Совет Иттифоқига ўн иккинчи марта келишим. Бундан 23 йил муқаддам Тошкентда ҳам бўлган эдим. Юртингизга яна келганимдан хурсандман. Биз мамлакатингизда катта ижобий ўзгаришлар бўлаётганини кўриб турибмиз,— деди Ричард Суиб.

* * *

24 февраль куни республика Халқ Хўжалиги ютуқлари виставкасида «АҚШ ҳаётида информатика» кўргазмаси очилиши олдидан матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

К. СТЕЛЬМАШЕВ, И. ХИСОМОВ, ЎзТАГ мухбирлари.

РЕДАКЦИЯДАН

ЮҚОРИДАГИ жаволардан кўрниб турибдики, бир бегуноҳ одам салкам 22 ой қамоқда ётиб, азобланиб чиқди, у партиядан ўчирилди, ишдан маҳрум бўлди ва булар ҳақида газетада суд очерки эълон қилинди. Бироқ... деярли ҳеч нарса ўзгаргани йўқ. Ўзгармабди!

Ҳозир бу «брак» иш учун жазоланган киши — район халқ судининг ранси Б. Турғунов, лекин унга нисбатан кўрилган чора «жиддий огоҳлантириш» бўлди. Бунинг устига, областдаги барча район халқ судларининг раислари иштирокидаги оператив кенгашда айбдор судьяга нисбатан« қонунни бузишга йўл қўйганлиги учун жиддий огоҳлантириш» билан чекланилганлиги билан келишиб бўлмайди. Бир гуноҳсиз одам тақдирига шу қадар лоқайдлик билан қараётган қонун посбонларининг бундай қилмишлари учун шунчаки огоҳлантириш билан чекланиб қолиш хатони хаспўшлашдан бошқа нарса эмас! Биз «Азоб» суд очеркида қонунни оёқости қилганларга нисбатан принципиал баҳо берилишини кутган эдик.

Район партия комитетининг мазкур ишга бўлган муносабати ҳам бизни ажаблантирди. Район партия комитетининг жавоби анча юзаки. унда адолатсизлик туфайли жабр кўрган собиқ коммунист Ғ. Каримовнинг кейинги тақдири билан қизиқилмаётганлиги маълум бўлиб турибди. Ваҳоланки, у КПСС сафидан ўчирилган, совхоз директорининг маданий ишлар бўйича ўринбосари лавозимидан бўшатилган, жиноий жавобгарликка ноҳақ тортилган эди.

Область ички ишлар бошқармасининг жавобида Ш. Файзиевнинг тергов ишидан четлаштирилгани айтилади. Буни одил чора дейиш мумкин. Давомини энди Оққўрғон район ички ишлар бўлими раҳбарларидан кутамиз.

Область прокуратурасидан олинган жавоб ҳам ҳозирги кунниг — ошкораликнинг талабларига жавоб бермайди. «Интизомий жавобгарлик» нимадан иборат — нега уни очиқ-ойдин ўз номи билан аташ мумкин эмас? Албатта, бу мавҳумликнинг замирида яна ўша паноҳгоҳлик ётибди, бошқача тушуниш мумкин эмас.

ҲАЛҚАРО ҲАЁТ

ПЕРЕС ДЕ КУЭЛЬЯРНИНГ АФРИКАГА САФАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 24 февраль. (ТАСС). БМТ Бош секретари Х. Перес де Куэльяр қитъаларнинг мураккаб проблемаларини ҳал этишда Африкага мадад бериш учун халқаро ҳамжамият қатъият билан ҳаракат қилиши лозим, деб таъкидлади. Бу ерда Бош секретарнинг бир қанча Африка давлатларига сафари якунларига оид сешанба куни тарқатилган баёнотда таъкидлаганидек, Гана, Камерун, Габон, Конго, Заир, Ангола раҳбарлари билан музокаралар чоғида сиёсий ва иқтисодий масалалар диққат марказида бўлди, музокара вақтида ЖАРнинг қўшни мамлакатларга қарши ҳамон давом этаётган агрессияси муҳим ўрин эгаллади. Апартеидга чек қўйилиши керак, деб таъкидлади Перес де Куэльяр. Бунинг учун эса, Бош секретарнинг фикрича, келишиб олинган халқаро тадбирлар зарур.

Африка мамлакатлари раҳбарлари билан музокаралар чоғида ЖАР БМТ Хавфсизлик Кенгашининг резолюцияларига кўра, Анголадан ўз қўшинларини олиб чиқиб кетиши лозимлиги хусусида муштарак фикр баён этилди, шунингдек Преториянинг беқарорликка олиб келувчи ҳатти-ҳаракатларини тўхтатишга эришиш учун яна ҳам каттароқ куч-ғайратлар зарурлиги таъкидланди, дейилади Бош секретарнинг баёнотида.

Перес де Куэльяр Чаддаги аҳволга тўхталиб, қитъадаги турли мамлакатлар ўртасида юзага келаётган низоларни масалаларни тинч воситалар ёрдамида бартараф этиш йўлларини қидиришда региондаги ташкилотларнинг муҳим роль ўйнаши лозимлигини уқтирди.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● ЛОНДОН. Шу йил январ ойи Олдермастондаги ядро корхонасида «Трайдент» ракета системаларига аталган ядро каллаклари тайёрлаб чиқарила бошланди. Буюк Британия 90-йилларнинг ўрталарига борганда ўзининг сув ости флотини шундай системалар билан қуроллантиришни мўлжалламоқда. Мудофаа министри Жорж Янгер сешанба куни парламентда сўзлаб шу гапни маълум қилди.

● ВАШИНГТОН. Оқ уй АҚШнинг собиқ мудофаа министри Каспар Уайнбергерни президентнинг чет элдаги разведка ишлари маслаҳат кенгашининг аъзоси этиб тайинланганлигини эълон қилди. Уайнбергер ўтган йилнинг охирида истеъфога чиққан эди. Олий даражадаги Совет-Америка учрашуви ҳамда ўртача ва камроқ олислик ракеталарига оид шартноманинг имзоланиши арафасида Уайнбергернинг маъмуриятни тарк этиши тўғрисидаги қарорини расмий тарзда «шахсий туш»даги сабаблар билан изоҳлашди. Аммо матбуот ўша кезларда таъкидлаб ўтганидек, Уайнбергер ядровий қуроллароғларни қисқартириш юзасидан режалаштирилаётган Совет-Америка аҳдномалари хусусида норозилик баён этган ва қурол-яроғлар устидан назорат соҳасида АҚШ давлат секретари Жорж Шульц билан ўрталарида келишмовчилик бўлган эди.

● БОННН. ГФР жамоатчилиги бундан 45 йил муқаддам давлатга ҳиёнат қилишда айбланиб қатл этилган қаршилик кўрсатиш ҳаракати ёш иштирокчиларидан София ва Ханс Шолль хотирасини ёдга олди. Мюнхен университетидаги антифашистлар мемориали пойига гулчамбарлар қўйилди, София ва Ханс Гестапо қамоққа олишидан илгари шу дорилфунунда ўқиган эдилар. Аксинчил Шолль «Оқ атиргул» деб аталган яширин ташкилотнинг аъзолари бўлишган. Студентлар ва профессорлар билан биргаликда улар фашистлар диктаторлик режими ва урушга қарши даъват битилган варақаларни тарқатишиб, университетда нацизмга қарши ташвиқот олиб боришган эди. 1943 йилнинг февраль ойида иғвогарнинг чақуви билан улар қамоққа олиниб, бир йилдан кейин Мюнхенда қатл этилган эди.

● ИСЛОМОБОД. Афғон проблемасини ҳал этишга даъват қилинган талабномага 10 мингдан кўпроқ покистонлик кўл қўйишди. Имзо йиғиш кампанияси Лохур шаҳрида Покистон демократик хотинқизлар федерациясининг ташаббуси билан бошланди. Ушбу федерация (ПДХҚФ) юз минг имзо тўплашни мўлжалламоқда ва бу талабнома Женевада Афғонистон-Покистон музокараларининг ҳал қилувчи давраси бошланиши арафасида, яъни 2 мартга ва Покистон ташқи ишлар министрлигига юборилади. Талабномада қуйидагилар таъкидланади: «Покистон учун бир қанча сиёсий, иқтисодий, социал, ва маданий муаммоларни келтириб чиқарган афғон проблемасининг ҳал этилиши барча покистонликларнинг муштарак талабидир. Биз Покистон ҳукумати Совет Иттифоқининг ташаббусларини қўллаб-қувватлашини, Женева музокаралари қатнашчиларининг ўзаро келишувига асосланадиган қарор ишлаб чиқилишини талаб қиламиз».

(ТАСС).

● ИОРДАН дарёсининг ўнг қирғоғи ва Ғазо сектори аҳолисининг одилона талабларига исроил ҳарбийлари қурол кучи билан жавоб бермоқдалар. Ғазо секторидаги фаластиниклар лагери мамлакатдан узиб қўйилган. Касалхоналар қамоқ хоналарга айлантирилган. Қочоқлар очлик ва касалликлардан қийналмоқдалар. Суратда: Исроил солдатлари маҳаллий аҳолини тинтув қилаяпти.

ТАСС фотохроникаси.

ИЧКИЛИКБОЗЛИККА ҚАРШИ КУРАШ: ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАР

ВАРШАВА. (ТАСС). Польша Халқ Республикаси Министрлар Совети бу ерда бўлиб ўтган мажлисида алкоголизмга қарши курашнинг ижобий натижаларини таъкидлади. Ўтган йили спиртли ичимликлар сотиш тахминан 2 миллион литр камайганлиги, яширин равишда спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган жиноятлар сони 33 процент, қонунга хилоф равишда спиртли ичимликларни сотиш билан боғлиқ жиноятлар 16 процент камайганлиги айтиб ўтилди. Спиртли ичимликлар истеъмол қилиш билан боғлиқ бўлган жиноятларнинг умумий сони ҳам камайди. Корхоналарга спиртли ичимликларни келтириш ва ичиш ҳоллари қисқарди.

ВЕТЕРАНЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

● СОВЕТ АРМИЯСИ ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 70 йиллиқ юбилейини Чилонзор районидаги 3-Чархи Камолон маҳалласи аҳли ўз клубида нишонлади. Шу куни бу ерга уч авлод вакиллари Улуғ Ватан уруши иштирокчилари, собиқ жангчи-интернационалистлар ҳамда бўлажак Ватанимиз посбонлари тўпландилар. Сўзга чиққан уруш ветеранлари В. Зайцев, Н. Аъзамов, Т. Пирматов, собиқ жангчи-интернационалистлар Т. Муҳамедов, А. Дўстмуҳамедов, Х. Рихсиевлар учрашув иштирокчиларига совет жангчиларининг уруш давридаги жасорати ҳамда Афғонистондаги қаҳрамонликлари ҳақида сўзлаб бердилар. Учрашув сўнгида кеча фахрий аъзоларига гулдасталар топширилиб, мактабгача тарбия педагогика билим юрти талабалари ижросида концерт намойиш этилди.

А. ТОЛИПОВ.

«ВАТАНИМИЗНИНГ ЖАСУР ЎҒЛОНЛАРИ»

● КИРОВ районидаги А. Қодирий номли маданият уйида Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 70 йиллигига бағишланиб ўтказилган тематик кеча ана шундай номланди. Мазкур кечада Фирдавсий маҳалласида истиқомат қилаётган Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, жангчи-интернационалистлар меҳмон бўлишди. Шу куни маданият уйи коллективи Ватанимизнинг содиқ фарзандлари учун тайёрланган махсус программани намойиш этдилар. Улуғ Ватан уруши иштирокчиси, истеъфодаги майор, шу маҳалла аъзоси М. Содиқов кеча иштирокчиларига СССР Қуролли Кучлари тарихи, совет жангчиларининг уруш давридаги қаҳрамонликлари ҳақида сўзлаб берди. Шунингдек, байрам қатнашчилари Улуғ Ватан уруши ветерани И. Витвинов, жангчи-интернационалист С. Содиқовларнинг ҳам ҳикояларини тинглашди.

Учрашув сўнгида маданият уйи қошидаги Ф. Расулмуҳамедов бошчилик қилаётган ўзбек вокал чолғу ансамбли, болалар рақс коллективи ижросида катта концерт намойиш этилди. Кечанинг фахрий аъзоларига гулдасталар тақдим қилинди.

А. ҲАКИМОВ.

БОҒДАГИ ТАНТАНАЛАР

● БОҒ йўлкалари бўйлаб қўшиқ айтганча саф тортиб бораётган болаларнинг қарбийларга хос шаҳдам одимлари кишига завқ бағишлайди. Пойтахтдаги Тельман номли маданият ва истироҳат боғига йиғилган, Тошкент шаҳридаги мактабларда таҳсил кўрувчи бу ёш армиячилар Ватанимиз посбонларининг муносиб издошлари бўлиб етишишига шубҳа йўқ. Улар Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз флоти ҳамда Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий Округининг 70 йиллик юбилейи муносабати билан ўтказилаётган ҳарбий-ватанпарварлик ва спорт байрамига тўпланишди.

Байрам оқшомида боғнинг ёзги театрида совет Қуролли Кучлари ветеранлари, жангчи-интернационалистлар ва В. И. Ленин номли Тошкент умумқўшин командирлари олий ўқув юрти курсантлари билан учрашув ўтказилди. Шунингдек, автомобиль бошқариш маҳорати бўйича ихтиёрий программалар ва картингчиларнинг кўргазмали чиқишлари ҳам томошабинларга жуда манзур бўлди.

Оммавий тантаналар ва театрлаштирилган томошалар Бутуниттифоқ фестивали лауреати В. Болотин бошчилигида тайёрланган байрам томошалари унинг қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

А. ТРАВИЦКИЙ.

● СУРАТЛАРДА: моҳир автомобилист ва картингчилар чиқиши иштирокчилари.

Автор фотолари.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника давлат комитетининг «УЗЭЛЕКТРОМОНТАЖ» ихтисослашган трести базасидаги 7-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1988-89 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ:

ёритиш ва ёритиш системалари бўйича электр монтажчи, кучланиш тармоқлари ва электр асбоб-ускуналари бўйича электр монтажчи, иккиламчи коммутация занжирлари бўйича электр монтажчи, электр слесарь, контроль-ўлчов асбоблари ва автоматлар ремонти бўйича слесарь, фильмларни текшириш ишларига лаёқатли киномеханик, радио-телевизион аппаратураларга хизмат кўрсатиш ва уларнинг ремонти бўйича радиомеханик, газ пайвандчи, иккиламчи занжирлар бўйича электр монтажчи.

Ўқиш муддати — 1, 2, 3 йил.

МАШҒУЛОТЛАР —1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқишга 14, 15 ва ундан катта ёшдаги, 8-10 синф маълумотига эга бўлган йигит ва қизлар қабул қилинадилар. Билим юртига 10-синфни битириб ўқишга кирган ўқувчилар ойига 30 сўмдан 76 сўмгача стипендия билан таъминланадилар; 8 синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар давлат таъминотида бўладилар.

8 синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар 3 йил таълим олиб, тўлиқ ўрта маълумот ва касб эгаллаганлик ҳақида диплом оладилар.

10-синфни битириб иккиламчи занжирлар бўйича электр монтажчи ихтисосига ўқиётган қизлар 6 ой таълим оладилар. Уларга ойига 76 сўм стипендия тўланади.

Совет Армияси сафларида ўз хизмат бурчларини ўтаб қайтган ва билим юртида электр монтажчи ихтисоси бўйича таълим олаётган ёшларга ётоқхонадан жой берилади, ойига 76 сўм стипендия билан таъминланади. Улар учун ўқиш муддати қисқартирилган (10 синф маълумотига эга бўлганлар учун — 6,5 ой; 8 синф маълумотидагилар учун — 10,5 ой).

МАШҒУЛОТЛАР —ГРУППАЛАРНИНГ КОМПЛЕКТЛАШУВИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини тамомлаганлар техникум ва олий ўқув юртларига ўқишга киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртини аъло баҳоларга тамомлаганларга ўрта ва олий ўқув юртларида ўқишни давом эттиришлари учун йўлланма берилади.

Билим юртида техника ижодиёти, бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида ва спорт секциялари ишлаб турибди.

Билим юртига кириб ўқиш хоҳишида бўлган киши қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: ариза, маълумот ҳақидаги ҳужжат, медицина справкаси (286 ма), 6 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмида), характеристика, яшаш жойидан справка.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Ивановолик тўқувчилар кўчаси, 8-уй (7, 11, 9, 4, 24, 28-трамвайлар; 2, 6, 13, 16-троллейбуслар; 3, 33, 34, 40, 45, 50, 51, 54, 57, 58, 80, 99, 182-автобусларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати). Телефон: 53-31-21.

ИЗЛАНИШЛАР ЗОЕ КЕТМАДИ

Томошабинлар маданият уйидан хурсанд бўлиб чиқишди. Бир вақтлари паркентликлар бундай ансамбларни телевизорда кўриб орзу қилишарди. Энди бўлса «Паркент гуллари»нинг довруғи областимиздагина эмас, республикамизда ҳам машҳур. Ансамбль олдин район хўжаликларида, Паркент территориясидаги дам олиш уйларида концертлар қўрсатди. Область миқёсидаги кўрикларда иштирок этди. Жюри аъзолари ва томошабинларнинг таклифиталаклари асосида ўз программасини бойитди. Коллектив репертуаридан фақат музика, ашула, рақсларгина эмас, турли интермедиялар, бюрократлар, қоғозбозлар, қайта қуриш ҳақида оғиз кўпиртириб гапириб, амалда мутлақо унинг тескарисини қилаётганларни фош этувчи кичик сатира асарлари ҳам ўрин олди.

— Ансамблимизга бундан уч йил аввал Тошкент театр ва рассомлик санъати институтини битириб келган Ҳусан Баратов раҳбарлик қилмоқда, — дейди маданият уйининг хонандаси Ниёзхон Умаров. — Унинг ташкилотчилиги туфайли биз уюшқоқ коллективга айландик.

Ансамбль Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг йўлланмаси билан Челябинск, Магнитогорск шаҳарлари, Бухоро, Хоразм областлари, Қорақалпоғистон АССРда концерт намойиш этди. Унинг актив иштирокчиси Бахтиёр Йўлдошев эса ўтган йили Афғонистон Республикаси ва Македонияда ижодий сафарда бўлди.

— Буюк инқилобнинг 70 йиллигига бағишлаб ўтказилган халқ ижодиёти II Бутуниттифоқ фестивали биз учун катта имтиҳон бўлди — дейди бадиий коллектив балетмейстери Сайёра Мирзахўжаева. — Бу синовдан муваффақиятли ўтдик.

«Паркент гуллари»нинг ижодий изланишлари зое кетмади. Унга халқ ансамбли номи берилган. Унинг аъзоларига янги ижодий ютуқлар тилаймиз.

Т. ДЎСМАТОВ.

ХАТЛАРДАН САТРЛАР

ТОШКЕНТ. Пойтахтимизда пулли хизмат кўрсатувчи бир неча даволаш муассасаси ишлаб турибди. Яқинда Навоий кўчасида яна бир пулли консультатив поликлиника беморлар хизматига топширилди. Бу ерда урология, ревматология, массаж, терапевт, окулист, даволаш физкультураси кабинетлари мавжуд. Поликлиника дам олиш кунисиз ишлайди. Келувчилар бўш вақтларини ҳисобга олиб, врач қабулига олдиндан навбатга ёзилиб қўйишлари мумкин.

М. ДАМИНОВ.

ЎРТА ЧИРЧИҚ. Рай ондаги «Коммунизм» колхози марказида юз ўринли янги касалхона фойдаланишга топширилди. Унда замонавий медицина аппаратуралари билан жиҳозланган терапия, стоматология, педиатрия, гинекология, физиотерапия кабинетлари бор.

У. ЭГАМБЕРДИЕВ, Б. ҲАМДАМОВА.

• Суд залидаги мушоҳадалар

ЖИНОЯТНИНГ ОЛДИНИ ОЛСА БЎЛМАСМИДИ?

КЕЧҚУРУН шахсий машинангизни гаражга қўйиб, хотиржам тонг оттирганингизда, эрталабгача кимдир машинанинг асосий қисмларини ўмариб кетган бўлса ёки магазинга бирров кириб чиққунингизча кўчада қолдирган машинангизнинг 1—2 та ғилдирагини ечиб кетишган бўлса, албатта, дилингиз ҳуфтон бўлиб, кайфиятингиз бузилади. Йўқ, фақат чиқимдор бўлиб қолганингиз учун эмас, ўғирланган ўша камёб қисмларнинг топилмаслиги ҳам ташвишга солади. Шунда инсоний хислатлардан бутунлай маҳрум бўлган кимсалар шаънига лаънатлар ўқийсиз.

Ҳаромдан ҳазар қилмайдиган ана шундай текинхўрлардан бири билан танишинг: **Николай Ахмедов, 1958 йилда туғилган, турржойи ва иш жойининг тайини йўқ. Илгари ҳар хил жиноятлар билан тўрт марта судланган.** Сергели районида кечаю-кундуз тинчимай, машина эгаларини қақшатиб, запас қисмларни ўғирлаб келади. Кунларнинг бирида у Тошкентда пайдо бўлиб қолган ашаддий жиноятчи Аркадий Меркулов ва Николай Воганов билан танишиб қолади.

Аркадий Меркулов: 1964 йилда туғилган, Қўқон шаҳри, Гончарова кўчаси, 4-уй, 6-квартирада яшаган. Бирор жойда муқим ишламаган. Бундан илгари икки бор судланиб, жазони ўтаб келган.

Николай Воганов, 1963 йилда туғилган. Тошкент шаҳри, Спутник массиви, 67-уй, 5-квартирада яшаган. Ҳеч қаерда ишламайди. Илгари судланган.

Шундай қилиб, шахсий енгил машина запас қисмларини ўмариб юрган Н. Аҳмедов Меркуловдан «майда ўғри» деган дашном эшитиб, 1986 йил 28-январь куни тунда Киров район Шаҳрисабз кўчасида яшовчи Р. исмли киши квартирасига бирга ўғирликка тушишга рози бўлади. Тўғри, Аҳмедов бундай хавфли жиноятда ҳали етарли «тажриба»си бўлмагани учун Меркулов билан Воганов уни дераза тагида кўз-қулоқ бўлиб туришини тайинлашади. Ўзлари эса уйга бостириб кириб, уй эгаларига тегишли 1245 сўмлик тилла асбоб ва буюмларни олиб чиқиб кетишади.

Ўша жиноят содир бўлган куннинг эртасига босқинчилар жиноят изини йўқотиш, орган ходимларини чалғитиш учун кечқурун «Самарқанд» автостанциясига келишади. Улар Қўқонга кетишлари керак эди. Лекин улгуришмапти, автобус аллақачон кетиб қолибди. Нима қилиш керак?

Меркулов шу ерда йўловчи кутиб турган ВАЗ 2106 маркали «Жигули» машинаси эгаси Аблаев билан 160 сўмга келишиб, йўлга чиқишади. Туни билан йўлда арақ ичиб, кайф билан Қўқонга кириб келган бу тўданинг бошлиғи Меркулов Аблаевга 100 сўм бериб, ғинг демай кетаверишни буюради. Афсуски, Аблаев улардан олган пулни талаб қилиб, туриб олади. Шунда Меркулов қўлидаги пичоқни ишга солади.

Пул ва арақ қутуртирган газандалар эртаси куни Аблаевнинг жасадини Сирдарёга олиб келиб ташлашади.

Қотиллик юз бергандан кейин орадан бир ҳафта ўтгач, Меркулов иккинчи Сергели массиви, 8-уйнинг 85-квартирасида яшаб, 1971 йилдан 1986 йилга қадар турли жиноятлар билан бир неча бор судланиб, ўн йилдан ортиқ ахлоқ тузатиш лагерларида бўлиб келган Сергей Солдатенко ва жиноят кўчасига кирганига ҳали кўп вақт бўлмаган йигирма ёшли Саплин билан танишади. Улар Янгийўл шаҳар автовокзалидан «Москвич» маркали такси машинасига ўтириб, Тошкентга келишаётганда яна бир жиноятга қўл уришади. Шофер ёнида ўтириб келаётган Меркулов машина Сергели массивидан ўтиши билан тўхташни буюради ва пичоқ ўқталиб кассадаги пулни ҳамда машинани қолдириб кетишни буюради. Такси шофери қўлидаги соати, 39 сўм пул, машинани қолдириб кетишга мажбур бўлади...

Биз бу қонхўр тўданинг қилмишларидан уч воқеани келтирдик, холос. Суд жараёнида Меркуловдан «ўғирлик, босқинчилик билан топилган пуллар, асосан, нималарга сарфланарди?» деб сўралганида тап тортмай шундай жавоб берди:

— Нимага бўларди, ичкиликка-да. Тўйиб ичардик, улфатлар, йиғилиб вақтихушлик қилардик. Биз ичкиликдан бошқа нарсага пул сарфламасдик.

Ваҳшийларча ҳаёт кечириш йўлига ўтган бу кимсадан бошқача мантиқий жавоб кутиш ҳам мумкин эмасди. У ўзининг ҳамтовоқлари билан жамиятимиз бойлигига-бойлик қўшаётган ҳалол, меҳнаткаш кишилар ҳаловатини бузиб, ҳатто кўпчиликнинг умрига зомин бўлиб келдилар.

Қилмиш-қидирмиш, деганларидек, яқинда Тошкент шаҳар жиноий ишлар суд коллегияси уларнинг фаолиятига сўнгги нуқтани қўйди. Қотил Меркуловга олий жазо тайинлади. Воганов ва Аҳмедовга 15 йилдан, Солдатенкога 10 йил, Саплинга 6 йил қамоқ жазоси бериш юзасидан ҳукм чиқарди.

Ҳа, яна бир хавфли жиноятчилар тўдаси тугатилди. Лекин бунгача улар қанча-қанча кишиларнинг ормини, асабини бузишди, бир неча кишининг ҳалол молмулкини талаб, айрим хонадонларни мотамсаро қилдилар. Шундай экан, шаҳар, қолаверса, Сергели район жамоат тартибини муҳофаза қилувчи орган ходимлари, участка инспекторларига шундай савол беришга ҳақлимиз: Н. Воганов Спутник массивида, Н. Аҳмедов ҳам асосан шу массивда, Солдатенко ва Саплинлар Сергели районидаги тайинли адресда истиқомат қилиб келишгану, ижтимоий-фойдали меҳнат билан шуғулланмаганларидан хабарлари бормиди? Ахир улар бу жиноятчиларнинг ижтимоий чиқишлари, ҳар кунги хатти-ҳаракатларидан хабардор бўлиб туришлари керак эмасмиди? Участка инспекторлари, уй-жойлардан фойдаланиш идораси ходимлари қаёққа қаращди? Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси фожиа содир бўлгандан сўнг, жиноятчини топиб, маълум муддатга қамашдан иборат эмаску, ахир. Жамоат ташкилотлари ҳам жиноятнинг олдини олишга даъват этилганлар. Агар улар ўз вазифаларини сидқидилдан бажарсалар кўпгина жиноятларнинг олдини олиш мумкин бўларди.

А. ШАЙХОВ.

● ХАЛҚАРО ҳаётнинг долзарб муаммоларини ўз саҳифаларида акс эттирувчи «ЭХО планеты» («Сайёра овози») номли янги ҳафталик ижтимоий-сиёсий, бадиий безакли журнал ташкил этилаётгани ҳақида газетхонларга хабар қилгандик. Оммавий бу нашрнинг биринчи сони апрель ойининг бошида чиқарилади. Мазкур журналга тўққиз ойлик обуна 1 мартгача ниҳояланади. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ҲАФТАЛИК ҒОЛИБЛАРИ

Тошкентдаги 139-ўрта мактабда рус тилини ўқитишга катта аҳамият берилаяпти. Тажрибали ўқитувчилар Вера Ленева билан Галина Кузьменколар болаларга бу тилни мукаммал эгаллашда яқиндан кўмаклашмоқдалар.

Мактабда рус тили дарсига оид савол-жавоб кечалари, олимпиадалар мунтазам уюштириб турилади. Жумладан, яқинда ўтказилган «Рус тили ҳафталиги»га ота-оналар ҳам таклиф этилди. Ҳафталик давомида ўқувчилар ифодали ўқиш, эртак сўзлаб бериш ҳамда ашула айтиш бўйича мусобақалашдилар. Бошланғич синф ўқувчиларидан Н. Ҳожиметова, Ш. Мирмуҳамедова, И. Тўлаганов, Ф. Раҳимов ва Б. Имомовлар ғолиб деб топилиб, уларга қизиқарли китоблар ва Фахрий ёрлиқлар топширилди.

Ҳафталик программасига кўра юқори синф ўқувчилари иншо ёзиш, ўзаро суҳбатлашиш ва расмга қараб сўзлаб бериш шартларини бажардилар. Бунда Р. Мирмуҳамедов билан Ҳ. Мақсудовалар рус тили бўйича чуқур билимларини намойиш этиб олимпиаданинг кейинги босқичида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлишди.

А. МИРМУҲАМЕДОВА.

Редактор Н. НАСИМОВ.

ҲАРИР РЎМОЛ ВА ЁРҚИН ДУРРАЧА

кундалик кўйлагингизни ҳам, ҳашамдор кечки либосингизни ҳам тўлдириб турувчи муҳим безакдир.

Тошкент «Учқун» ишлаб чиқариш тўқимачилик-галантерея бирлашмаси 8 март байрамида хотин-қизларга совға қилиш учун крепдешин, крепжоржет, штапель газламаларидан тайёрланган ёрқин, гулдор РЎМОЛЛАР ва ДУРРАЧАЛАРНИ эътиборингизга ҳавола қилади.

ТОШКЕНТ «УЧҚУН» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЎҚИМАЧИЛИК-ГАЛАНТЕРЕЯ БИРЛАШМАСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

ГОЛЛАР, ОЧКОЛАР, СЕКУНДЛАР

Калгарида XV қишки Олимпиада ўйинлари давом этмоқда. Хоккейчилар финал беллашувларнинг дастлабки ўйинини ўтказишди. Мамлакатимиз терма командаси биринчи ўйинда канадалик хоккейчилар билан учрашиб, 5:0 ҳисобида ғолиб чиқдилар. Финляндия — ГФР ўйини 8:0 ҳисоби билан якунланди. Швецариялик спортчилар эса Чехословакия терма командасини 6:2 ҳисобида маглубиятга учратдилар.

Бобслей бўйича икки кишилик экипажлар ўртасида ўтказилган мусобақаларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Янис Кипурс ҳамда Владимир Козловлар муваффақиятли иштирок этиб, олимпиаданинг олий мукофотига сазовор бўлдилар. Фигурали учиш бўйича спорт рақсида ҳам омад совет спортчиларига кулиб боқди. Терма команда аъзоларидан Наталья Бестемьянова ҳамда Андрей Букинларнинг чиқиши ҳакамлар томонидан юқори баҳога сазовор бўлди. Улар олимпиаданинг олтин медали билан тақдирландилар. Яна бир жуфтлигимиз Марина Климова ҳамда Сергей Пономаревлар кумуш медални қўлга киритдилар.

БИАТЛОН бўйича эркаклар ўртасида 10 километрга ўтказилган мусобақаларда СССР терма командаси аъзолари Валерий Медведцев ҳамда Сергей Чепиковлар кумуш ва бронза медалларини қўлга киритишди. Биринчи ўринни эса ГДРлик Франк-Петер Рёч эгаллади.

Ҳозирга қадар мамлакатимиз спортчилари 8 та олтин, 8 та кумуш ҳамда 6 та бронза медалини қўлга киритиб, умумкоманда ҳисобида олдинда боришмоқда.

* * *

ТОШКЕНТнинг «Пахтакор» командаси мавсумолди контроль ўйинларини муваффақиятли ўтказмоқда. Футболчиларимиз «Жальгирис» командасини 2:1 ҳисобида енгган, (тўпларни Постнов ва Кабаев киритдилар) Олмаотанинг «Қайрат» командаси билан учшидди. Бу ўйинда ҳам футболчиларимиз юксак маҳорат кўрсатиб, меҳмонлар дарвозасига жавобсиз уч тўп киритдилар.

Бугун пахтакорчилар Москванинг «Локомотив» коллективини қабул қиладилар.

«Тошкент ҳақиқати» газета редакцияси коллективи редакциянинг собиқ ходими, ветеран журналист, СССР Журналистлар союзи аъзоси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими

Салимжон МАҲКАМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкентдаги 3-клиник шифохона маъмурияти, партия, касаба союз ташкилотлари касалхонанинг врачи, меҳнат ветерани

Шорасул ШОАБДУКАРИМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916. 325748; масул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750; БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; идеология — 325778; саноат капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; совет қурилиши — 325733; адабиёт ва санъат — 325553; маданият — 325767; социал масалалар — 325556; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325645; эълонлар бўлими — 325727.

Р — 09614. А. 1553. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12